

ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI



UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ЯНГИ ЎЗБЕКISTON ҚУРУВЧИЛАРИ, БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

БАРЧА САЎЙ-ҚАРАКАТЛАРИМИЗ ОБОДЛИК,
БУНЁДКОРЛИК ВА ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИ
ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ

*Эллар тўғриб ётар ул япроғидек,
Бир ён шоҳу гадо, бир ён дўст, таним.
Бир ёнда хаёлий Эрам боғидек,
Буюк ва бетимсол, менин Ватаним.*

Улуғ шоиримиз лутф этганидек, не-не эллар гул япроғидек тўғриб ётган бу кўҳна заминда бизнинг буюк ва бетимсол Ватанимиз ўз мустақиллигининг ўттизинчи довоида яна бир янги даврга қадам қўяётир. Ўттиз йил – бу камми, кўпми? Назаримда, сўнги беш йилликда эришилган ютуқларни, аввалги йилларга нисбатан салмоқли бўлди десак, муболаға эмас. “Янги Ўзбекистон” деган сўзлар биринчи бор янграганда даъфатан, кўз олдимга яна 5-10 йиллардан кейин барча соҳаларда ривожланган юртимиз нафақат Осиё, балки бутун дунёда ҳақиқий “шер”га айлангани келганди.

Мана шу янги давр бўсағасида ўтган йилларда рўёбга чиқарилган бунёдкорлик ишларига назар соладиган бўлсак, улар халқимизнинг бетимсол яратувчилик салоҳиятини нечоғли намоён этаётганига гувоҳ бўламиз. Буларнинг барчаси сўнги йилларда қурилиш соҳасига қаратилган эътиборнинг меваси дейиш мумкин.

Қурилиш соҳасидаги туб ислохотлар шуки, бугун янги Ўзбекистоннинг янги қиёфаси шаклланыпти. Замоनावий иморатлар, иншоотлар қад ростлаяпти. Биргина пойтахт Тошкент шаҳрининг аввалги Сергели тумани худудида кирувчи айрим жойлар 3-4 йил олдин очик ерлардан иборат эди, қисқа муддат ичида бу ерда 500 га яқин кўп қаватли уйлар қад ростлади, мактаб, боғча ва поликлиникалар қурилди. Умуман олганда, бу ерда янги бир шаҳарча бунёд этилиб, “Янги ҳаёт” номи берилди.

– 2016 йилда Президентимиз катта мажлисда келгуси йилда 191 та 7 қаватли уй қурамыз, деб эълон қилди. Буни эшитиш бизга бироз эриш туюлиб, ўша дамда хаёлимиздан жуда кўп нарса ўтди. Чунки бундай улкан қурилишларни амалга ошириш учун ўша вақтда на техника ва на қурилиш индустрияси сақланиб қолган эди, қурилиш пудрат ташкилотлари ҳам мавжуд эмас эди, – дейди Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси раҳбари Козим Тўлаганов. – Қандай қилиб бир йилда шунча уйни қурамыз, деган хавотир ҳам бўлди кўнглимда. “Ўзшаҳар қурилиш инвести” инжиниринг компанияси ташкил этилиб, унинг буюртмачилиги асосида 2017 йилда республика бўйича 191 та уй қурилган бўлса, шулардан 66 та кўп қаватли турар жойлар Сергели туманида барпо этилди. Ёдимда бор, Сергели туманида уйлар қурила бошлаганда ушбу худудда сув сатҳининг юқорилиги боис бир қанча сув тортиш иншоотларини барпо этиш, 700-800 минг квадрат метр майдонда йиғилиб қолган чиқиндиларни тозалаш талаб этиларди. Вақт ўтиб улар-

нинг барчаси амалга оширилди. Худуд чиқиндилардан тозаланиб, сувнинг сатҳи пастга туширилган, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Уч йил давомида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, 2017 йили 66 та, 2018 йилда 102 та, 2019 йилда 120 та кўп қаватли уйлар қурилиб аҳоли ихтиёрига топширилди. Сергели туманининг 6, 7, 8-массивларида 440 та турар жой барпо этилиб, 18 мингга яқин оила шахсий уйига эга бўлди.

Республикаимиз худудларига разм соладиган бўлсак, кўп йиллар давомида умумий рақам 10 миллион квадрат метр атрофида бўлса, 2017 йил ушбу рақам 12,5-13 миллион квадрат метр, 2018 йилда 13,5, 2019 йилда эса 15 миллион квадрат метрни ташкил этди. Ўтган йилги пандемия туфайли ҳам бу кўрсаткич камайгани йўқ. Бу йил ҳам катта ҳажмда қурилиш ишлари давом эттириляпти.

Янги ҳаёт тумани худудига назар солар эканмиз, юртимизнинг қурилиш имкониятларини, қолаверса, Янги Ўзбекистоннинг бутун бўй-бабини кўрамыз. Қисқа муддатда рўй берган бу катта бунёдкорлик ишларига эътибор берсангиз ақлингиз шошади. Замоनावий архитектура, бунёдкорлик, ободлик ва шинамлиқдан инсонлар рози бўлмоқда.

– 2019 йилда ушбу уйлардан бирини бизга тақдим этишди. Декабрь ойида қўлимизга сертификатни беришганда жуда ҳаяжонланган эдим, – дейди янги уй соҳибаси Зулфия Абдуллаева. – Менга ўхшаган уй-жойга муҳтож фуқаролар жуда кўп экан. Уларни кўриб, ҳаёт ҳаммамизга қувонч бахш этди, дедим. Авваллари ижарада кўп яшадим. Ҳозирда эса ўз уйимда яшайман, тўйлар қилдим, набирали бўлдим. Оғир кунлар ортда қолди. Муҳтож оилаларга, хотин-қизларга катта эътибор қаратилаётганидан оддий аёл, она сифатида жуда мамнунман, бундай ғамхўрлик учун Президентимизга ташаккур айтаман.

Юзлаб мана шундай эҳтиёж-



манд оилалар давлатимиз ғамхўрлиги, қўллаб-қувватлаши сабабли ўз уйига эга бўлди. Янги кўп қаватли уйларнинг атрофи ободонлаштирилди, замонавий қиёфага келтирилди. Ташқи кўркемлик, қўлайлик билан бир қаторда сифатга ҳам катта эътибор қаратилди. Буларни кўриб қурилиш сифати назоратига масъул бўлган Козим Тўлагановга яна юзланамиз:

– Козим Носирович, қурилишлар кўламли катта. Аммо бу сон, сифатга таъсир қилмайдими? Қурилишда сифат қай даражада назорат қилинапти?

– Ўтган йили Президентимизнинг тегишли Фармони билан бизнинг тизим янгидан ташкил этилди. Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва унинг худудий бўлинмалари ягона йўналишдаги фаолияти йўлга қўйилди. Ўтган 2 йил давомида ходимларимизни ўқитдик, билим ва малакасини ошириб, аттестациядан ўтказдик. Бугунги кунда 300 га яқин қурилишнинг назорат қиладиган инспекторларимиз бор. Ҳар бир рўйхатдан ўтган объект ўша кундан бошлаб инспектор томонидан тизимли равишда назоратга олинади.

Биргина мисол, ўтган йили 1 131 та ҳужжат судга оширилди. 900 га яқин нотўғри қурилган бинолар қайтадан қад кўтарилишига эришилди. Бу билан 80 миллиард сўм маблағни вақтинчалик тўхтаиб туришга тўғри келди. Бугунги кунга келиб, қурувчиларимиз кўп нарсани тушуниб, англаб етишмоқда. Ҳар бир қурилган объект камида 100 йилга мўлжаллаб қурилади. Шунинг учун биздан яна бир маротаба фикрларни жамлашга, асосий эътиборни сифатга қаратишга, одамларнинг розилигини олишга ҳаракат қилиш талаб

этилади. Авваллари қурилиш жараёнлари секин амалга ошириларди, бугунги кунда эса бунинг акси бўлмоқда. Чунки, иморат қанча тез фурсатларда қад кўтарса, нархи ҳам шунча арзон шакллантирилади.

– Ушбу жараёнларни Мустақилликдан аввалги даврлар билан таққослаганда қандай хулосаларга келиш мумкин?

– У йилларда Қурилиш вазирлиги бўлмаган. “Главташкентстрой” деган ташкилот бўларди, вақти келиб у кўпгина ва шу каби бир қатор ташкилотлар фаолияти тўхтатилди. Бу эса ўша даврларда қурилиш соҳасида кадрлар салоҳиятининг тушиб кетишига, тажрибали мутахассисларнинг соҳани ташлаб кетишига сабаб бўлди. Янги мутахассисларни тайёрлаш тизими издан чиқиб кетди. Бугунги кунга келиб эса буларнинг барчаси янги ва замонавий шаклда қайтадан тикланмоқда. Бу эзгу саъй-ҳаракатлар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилмоқда.

Халқимизда ўз уй-жойига эга бўлиш бу бахтнинг ажралмас қисми саналади. Бироқ, тан олиш керак, бозор иқтисодиёти шароитида бу орзуга эришиш осон эмас. Давлатимиз раҳбарининг Президентлик лавозимига киришган илк кунлариданоқ минглаб юртдошларимизнинг шахсий уй-жойларга эга бўлишидек ҳаётий эҳтиёжини қоплаш учун бир қатор ҳужжатлар имзоланди. Дастлаб қишлоқларда, кейинчалик эса шаҳарларда арзон уй-жойлар қуриш бўйича дастурлар қабул қилинди. Улар асосида минглаб эҳтиёжманд оилалар ўз уйига эга бўлди, эътиборлиси бу ишлар бугун янада каттароқ ҳажмда давом этапти.

2011-2017 йиллар давомида 2 885 та кўп қаватли уй қурилган бўлса, ўтган 4 йилда, яъни 2017-2020 йилларда 3 850 та кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилди. Қувонарлиси, қурилатган янги уй-жойлар олдида мактаб, боғча, тиббиёт муассасалари ва бошқа ҳаётий зарур ижтимоий объектлар ҳам қад ростламоқда. Бундан ташқари, аҳоли кўчиб келган янги худудларда иш ўринлари яратилишига ҳам эътибор қаратилмоқда.

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар таълим соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Бунинг мисолида мактабимизнинг янги биносини кўришимиз мумкин, – дейди Янги ҳаёт туманидаги 331-умумтаълим мактаби директори ўринбосари Фотима Насруллаева. – 1 680 ўринга мўлжалланган эга бўлишидек ҳаётий эҳтиёжини қоплаш учун бир қатор ҳужжатлар имзоланди. Дастлаб қишлоқларда, кейинчалик эса шаҳарларда арзон уй-жойлар қуриш бўйича дастурлар қабул қилинди. Улар асосида минглаб эҳтиёжманд оилалар ўз уйига эга бўлди, эътиборлиси бу ишлар бугун янада каттароқ ҳажмда давом этапти.

Яна бир гап. Ўн йил давомида мен ҳам ижарада яшаганман. Шу уй-жойлардан бири бизга ҳам насиб этармикин, дея орзу қилардим. Кичкина хонали уйда икки нафар фарзандим, турмуш ўртоғим билан қийналиб яшаганмиз. Ҳозир олган уйимиз эса барча шарт-ша-

ЯНГИ ҚИЁФАСИ



роитларга эга, кенг, шинам ва ёруғ. Иш жойимга ҳам яқин, бу эса мени ҳам ўқитувчи, ҳам она сифатида хурсанд қилади. Янги ҳаёт туманида жойлашган боғчага қизим боради, мактабга ўғлим келади. Яхши шароит яратилган жойда иш самарали, унумли бўлади.

Биргина мазкур мактабнинг бунёд этилиши бу мамлакат келажига қўйилган мустақкам пойдеворнинг бир устунидир. Кейинги 4-5 йил таълим соҳасида ҳам қурилишлар мавсуми бўлди, десак хато бўлмайди. Бир-бирдан замонавий, кўркам таълим масканлари бунёд этилиб, болажонларни ўз бағрига олди.

Рақамларга эътибор қаратсак. 2010 йилда 11 та мактаб қурилган бўлса, 2020 йилда 33 та билим даргоҳи фойдаланишга топширилган. Халқ таълими соҳасида мутлақо янги тизим – Президент мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Республикаимизнинг барча ҳудудларида замонавий, киши эътиборини тортадиган кўринишда бунёд этилаётган ушбу мактаблар ўзининг ташқи кўриниши, мукамал архитектуравий ечими билан ривожланган мамлакатларнинг ҳеч бир таълим масканидан қолишмайди.

– Бундай билим даргоҳларини лойиҳалаш жараёнларида объектнинг ҳар бир деталига, яъни ўқувчининг қизиқиши, унинг дунёқарashi ва илм олиш жараёнига таъсири, инновацион технологиялардан фойдаланиш ҳолатлари инobatга олинади, – дейди Қурилиш вазирлиги бош мутахассиси Жаҳонгир Анваров. – Синф хоналаридаги ҳар бир техникадан тортиб то бино ички деворларининг ранги ташқи деворларининг туси, ҳар бир элементнинг жойлашуви

ва шакли эътиборга олинади. Президент мактаблари юртимизнинг ҳудудларида, жумладан, Тошкент шаҳрида, Наманган ва Хоразм вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида қурилиб фойдаланишга топширилди. Эътибор қаратган бўлсангиз, ҳар бир объектда ўша ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш жараёнлари олиб борилган.

Бундан 4-5 йил аввал пойтахтда саноқли бино ва иншоотлар қад ростлар, улар катта байрамлар арафасида фойдаланишга топширилган эди. Бугун пойтахт катта қурилиш майдонига айланган. Қай бир тарафдан қараманг, баланд-баланд замонавий қурилиш биноларига кўзингиз тушади. Қувонарлиси, Тошкентда бошланган бунёдкорлик ишлари бугун республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олган. Ҳар бир вилоятда қурилиш бунёдкорлик жараёнлари тобора шиддатли тус олиб борапти. Бу эса қурилиш саноатининг ривожланиб бораётганидан далolat беради.

– Президентимиз томонидан тадбиркорларга эркинлик яратиб, уларга керакли техникани мамлакатимиз ҳудудида олиб кириш учун имтиёзлар берилаётгани юртимизда йирик қурилиш жамоаларининг шаклланишига замин яратди, – деди Қозим Тўлаганов. – Қурилиш учун зарур бўлган энг замонавий техника ва ускуналар олиб келинмоқда, бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводлари ишга туширилмоқда. Катта ҳажмда ишлар учун зарур эттириляпти. Булар, ўз навбатида, юртимизда қурилиш ишларининг сон ва сифат жиҳатидан юксалишига хизмат қилмоқда. Биргина мисол, ўтган

йили республикаимизда 25 мингта объект қурилиши рўйхатдан ўтказилган бўлса, жорий йилнинг 1-чорагида 16 минг объект қурилиши рўйхатдан ўтказилди. Бугун ана шу объектларнинг 3 мингтаси фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги кунда соҳада “Шаффоф қурилиш” тизими жорий этилди. Тендер масаласи тубдан ислоҳ қилиниб, электрон тендер тизими ишга туширилди. Бу эса қурилишда назоратни кучайтириб, шаффофликни юзага келтириб, турли тўсиқ ва коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш имконини беради. Бу ҳам давлат раҳбарининг қурилиш индустриясига қаратаётган улкан эътибори самарасидир.

Авваллари 5 қаватдан юқори уйлар қурилмас эди. Эндиликда, аввалига 7, кейинчалик 9, 16 қаватли турар жойлар қурилиши бошланди. Бугунги кунга келиб 4 қаватли уйлар ўрнини замонавий ва кўркам 9, 12, 14, 16 қаватли уйлар эгалляпти. Бу қурилиш саноатида янги тизим шакллантирилди деган сўз. Бундай иморатларнинг қад ростлаши учун Бектемир туманида “Бинокор” комбинати тадбиркорлар томонидан шакллантирилди. У бир йилда 140 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жой қурилиши учун зарур материалларни етказиб бериш имкониятига эга. Ҳозирда комбинат иккинчи босқичдаги қурилиш ишларини давом эттиряпти. Корхонада Германиядан келтирилган технологияларнинг ҳар бири компьютер асосида бошқарилиб, фасад панеллари орасида базальт толасидан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса хомашё иссиқликни 15-17 фоизга тежайди дегани. Бу биргина мисол. Бундан ташқари, қанчадан қанча бетон заводлари қурилиб, зарур техникалар келтирилди.

– Қурилиш индустрияси тобора ривожланиб бормоқда, – дейди қурилиш вазири ўринбосари Насрулла Бобоев. – Биргина 2019 йилда аввалги йилларга қараганда 22 фоизга ўсиш кузатилган бўлса, 2020 йилда пандемия шароити бўлишига қарамай бу соҳа 9 фоизга ўсди. Бу аҳолини қўшимча иш билан таъминлаш, тадбиркорларимиз томонидан қўшимча қурилиш материалларини ишлаб чиқиш, қурилиш тармоғи ўзининг ортидан жуда кўплай соҳаларнинг кескин тараққий этишига ҳам сабабчи бўлмоқда. Қурилиш соҳасига давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилган эътибор самарасида юртимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини кенг намoён этиши баробарида юртимизнинг янада кўркам бўлиши, сайёҳлар оқимининг ортиши, иқтисодий салоҳиятимизнинг ортиши, инвесторлар қизиқишининг ўсишига олиб келади.

Қурилиш соҳасида замонавий технологияларнинг кенг қўлланилиши, мутахассислар тайёрлаш тизимининг такомиллаштирилиши борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида сифат ва шаффофликни таъминлаш мақсадида соҳада яна бир дадил қадам ташланди. Унга кўра, мўлжалланаётган қурилиш объектининг бунёдкорлиги, пудрат

ташкilotини танлаш тендеридан тортиб қурилиш жараёнининг назоратига, унинг ҳажми, ишнинг бориши, қилинаётган сарф-харажатлар, хуллас, ҳамма босқичлар электрон базага жойлаштирилди. Маълумотлар рақамлаштирилди ва барча жараёнларда шаффофлик таъминланди.

– Қурилиш соҳасида барча маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилди, – дейди Қурилиш вазирлиги Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш бўлими бошлиғи Марат Зағрутдинов. – Хужжатларнинг электрон шаклда келиши йўлга қўйилиб, қоғоз шаклидан воз кечилди. Шаффоф қурилиш тизимига қурилиш назорати тизими кириди. Ўзбекистонда илк бор электрон платформа ишга туширилиб, бугунги кунда ушбу тизим фаол ишлаяпти. Шаҳарсозлик хужжатларининг келиши ҳам рақамлаштирилди, қурилиш-пудрат ташкilotлари рейтинг платформаси ҳам ишга туширилди. Порталимизда маълумотлар вилоятлар кесимида шаффоф ҳолатда кўрсатилган, яъни тендер белгилангани, тугатилган тендерларнинг умумий миқдори, эълонларнинг сони, барчаси намoён этилмоқда. Бу ишлар учун йўналтирилган маблағлар аниқ рақамлар остида берилган.

Қурилиш ишларига давлат томонидан ажратилган маблағнинг йилдан йилга кўпайиши ўз-ўзидан қурилиш ишларининг ортишига сабаб бўлмоқда. Натижада, қурилиш соҳасининг ўсиш суръатлари 2010 йилда 105,1 фоизга, 2019 йилда 122,9 фоизга, 2020 йилда 109,1 фоизга ортганини кўриш мумкин.

Бу кўрсаткич Ўзбекистоннинг қурилиш салоҳиятини тўлиқ намoён эта олади. Давлат ҳисобидан амалга оширилаётган қурилиш ишларининг катта қисмини ижтимоий соҳа объектлари ташкил этади. Масалан, Тошкент вилоятининг Чиноз туманида қурилган замонавий шифохона чинозликларнинг кўп йиллик орзусини амалга оширди.

– Аввалги шифохонадан минг марта яхши бу ер, – дейди Толибжон Туёқов. – Авваллари шароитлари у қадар яхши эмасди. Ҳозир жуда ҳам яхши шароитлар яратилган.

2000 йилда бор-йўғи 670 ўринли шифохоналар қурилган бўлса, 2020 йилга келиб бу рақам 4 132 ўринни ташкил этди. Мураккаб пандемия даври мамлакатимиз қурилиш салоҳиятини, тез фурсатларда зарур иншоотларни қуриш борасида тажрибани синовдан ўтказди. Бунга Тошкент вилоятида 33 гектар майдонда 2 000 ўринга мўлжалланган Зангиота юқумли касалликлар шифохонаси қисқа фурсатларда қуриб битказилгани ёрқин мисол бўла олади. Айтиш керакки, бу шифо маскани тез фурсатларда қурилган бўлса-да, касалхонага ташриф буюрган хорижлик мутахассислар ҳам бу ердаги шароитларга юқори баҳо беришди.

Ўтган 2020 йилда қурилиш бўйича йил бошида тасдиқланган режалардан ташқари, катта ҳажмдаги қурилиш ишлари амалга оширилди. Хусусан, Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги бунёдкорлик ишлари мисолида қурувчиларимизнинг маҳорати ва тезкорлигини кўришимиз мумкин. Бу ерда ҳам қисқа

муддатда катта ҳажмда қурилиш ишлари амалга оширилди. Жумладан, ушбу ҳудудда салкам 6 ой давомида 86 та 2 640 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қад ростлаб, 40 га яқин ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги Манас қишлоғи. Бу маскандан бошланган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари орқали бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида катта ободонлаштириш, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари авж олди. Кўп йиллар давомида эътибордан четда қолган ҳудудлар янги қиёфага кирди.

Бутун республикаимизда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу орқали бутун маҳалла ва қишлоқларимиз янги кўринишда қад кўтармоқда. Ижтимоий соҳа объектлари, болалар майдончаларини ташкил этиш, ички инфратузилмани яхшилаш, йўللارни соз ҳолатга келтириш, барча ҳудудларда электр тармоқларининг эскирган тизимларини янгилаш ишлари олиб борилиб, қурилиш соҳасида катта ислохотлар амалга оширилмоқда.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида 2018-2019 йилларда 117 та қишлоқ ва маҳаллаларда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жорий йилда эса мазкур дастур доирасида 7 794 та қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20 триллион сўмга яқин қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Бу йил яна 45 мингта янги уй-жойларнинг қурилиши режалаштирилган. Ўтган йилдан бошлаб янги типдаги деган ибора киритилди. Бу қурилиш-пудрат ташкilotлари ерни аукцион орқали олиб, ўша жойда ўзининг маблағи, банк кредити ҳисобида уй-жойларни шакллантириб, аҳолига ипотека асосида бериш дегани. Бу нарса дунё тажрибаси асосида Ўзбекистонга ҳам кириб келди.

Тинчлик барқарор бўлган, инсонлар тўкин яшаётган жойдагина қурилиш, бунёдкорлик ишлари кенг кулоч ёзади. Бугундан рози, эртасидан умиди катта инсонларгина йўллар, уйлар, мактаблар, муҳташам иншоотлар қуради. Бу билан йилдан йилга қурилиш шиддати ортиб бораверади. Зеро, олдимизда улкан мақсадларимиз ва бу марраларга етишимиз учун ҳар томонлама асосларимиз бор.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ўзбекистоннинг эртанги кунини пешона теримиз билан яратамиз. Ким бу ишларни қилади? Ватаним севган, фидойи инсонлар! Йўлимиз битта: одамларга ҳалол хизмат қилиш, халқимизнинг розилигига эришиш” дея таъкидлаганди. Бу сўзлар албатта, юртимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларида фидокорона меҳнат қилаётган қурилиш соҳаси ходимларига ҳам тегишли. Бу соҳада амалга оширилган ислохотларнинг дастлабкиларидан бири бу – Қурилиш соҳаси ходимлари куни белгиланганидир. Мана, тўрт йилдирки, август ойининг иккинчи яқшанбаси соҳа ходимлари куни сифатида нишонланмоқда. Биз ҳам анъанага содиқ қолган ҳолда газетамизнинг ушбу байрам сонини қурилиш соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган заҳматкаш инсонларга бағишладик.

МУКАММАЛ ЛОЙИХАДАН МУСТАХКАМ БИНО БУНЁД ЭТИЛАДИ

Ватанимиз бугун улкан бунёдкорлик масканига айланган. Ҳар қадамда янги бино, мактаб, боғча, ошхона, кафе ёки поликлиника биносига кўзимиз тушади. Уларнинг дизайни ҳам ўзгача. Янгича услуб ва замонавий қиёфада қад ростлаган биноларга қараб беихтиёр шундай деймиз:

– Бу чиройли бинони кимлар қурган экан-а?

Аммо ҳаммамиз ҳам бинонинг гўзаллиги қурувчидан олдин лойиҳачининг меҳнати эканини билaverмаймиз.

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институти юртимиздаги бир-бирдан ажойиб иншоотлар қурилишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган энг катта лойиҳа институтидан ҳисобланади.

Ўн йилдирки, юртимиз қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Натижада, “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институти фаолияти ҳам янада тақомиллашди. Ҳозирда унинг Қорақалпоғистон, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятларида ҳудудий филиаллари ташкил қилиниб, барчасининг моддий-техника базалари шакллантирилган.

Бугун қишлоқ билан шаҳарнинг кўринишида унча катта фарқ сезилмайди. Боиси, намунавий типда яратилаётган мукамал лойиҳалар урбанизация жараёнини тезлаштириб юборди. Хусусан, 2009-2020 йилларда юртимизда бир юз йигирма мингдан ортиқ намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши бўйича иш олиб борилган бўлиб, ушбу турар жойлар лойиҳасини яратишда институт жамоаси энг муҳим ишларни амалга оширган.

2020–2022 йиллар давомида институт томонидан республика бўйича жами 316 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларининг бош режа лойиҳалари ишлаб чиқиши билан бир вақтда, қишлоқ (овул) аҳоли пунктла-

рининг батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳамда ёндош маҳаллаларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари ҳам яратилган. Ҳозирда дастурга асосан маҳаллалар бўйича дастлабки асосий маълумотлар йиғилиб, маҳалла ҳудудларини лойиҳа чегаралари, ҳозирги ҳолат тархлари (опорный план) эскиз лойиҳалари ишлаб чиқилган, мутасадди ташкилотлар билан келишилиб, топогеодезия ва муҳандислик қидирув ишлари 80-90 фоизга бажарилган.

Институтда юртимиздаги ҳамда хориждаги йирик қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. “Yangi Zamon Bino” МЧЖ, “MIMAR GROUP” МЧЖ, “KNAUF ГИПС БУХОРО” қўшма корхона-

насига қарашли “NOVIY DOM TASHKENT” МЧЖ, Хитой Халқ Республикаси Чунцин шаҳридаги “CCTEG Chongqing Engineering Co., Ltd”, “Hua Xing” ривожланиш ва инвестиция бирлашмаси қошидаги “HUA FU” лойиҳа институти, “China Construction First Group Corporation Limited (KHP)” компанияси, Корея Республикаси “Chungjungtech Co., Ltd” компаниялари билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

– Институтимиз томонидан Давлат дастурлари ижролари бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда, – дейди институт бош директори Илҳом Султанович Аҳмедов. – Президентимизнинг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш



қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Ушбу қурилиш режалаштирилган уй-жойлар бўйича ҳам бугунги кундаги буюртмалар асосида институт томонидан ишлаб чиқилган намунавий чизмаларнинг жойига боғлаш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. 2021 йилда уй-жойлар қуриладиган массивларнинг қуриш (проект застроякка) лойиҳалари ҳам тўлиқ ишлаб чиқилган.

Институт жамоаси томонидан нафақат турар жойлар, балки бир қатор ижтимоий соҳа об-

ҳамоҳанг тарзда ҳар томонлама қулай қурилган бу марказлар лойиҳаси ҳам ушбу институт жамоаси томонидан яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Аҳоли турар жой пунктлари учун ишлаб чиқилган 2 хил турдаги (“Тип-I”, “Тип-II”) енгил конструкцияли “Маҳалла гузари” объекти намунавий лойиҳалари фикримизнинг яққол далилидир.

Юртимизнинг ўзига хос тарихини акс эттирувчи туризм объекти қурилишига бугун ҳар доимгидан кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Институт жамоаси туризм объекти бўйича ҳам бир қатор мукамал лойиҳаларни яратмоқда. Туризмни ривожлантириш учун инфратузилма объектининг йўл бўйи жойлашув схемалари ва лойиҳалари “Тип-I”, “Тип-II” ва “Тип-III”лар ҳамда енгил конструкциялардан қуриладиган объектининг 3D форматдаги намоий материаллари ҳамда намунавий лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Булар: меҳмонхона, автосервис, кафе, бозор расталари (10-20 ўринли), мини-маркет (намозхона ва тиббиёт хонаси билан), ҳожатхона, 2 хил турдаги айвон, “пирамида”, контейнер, “гумбаз”, намозхоналардир.

– Жамоамиз ходимлари томонидан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича катта ишлар бажарилмоқда, – дейди институт бош директори ўринбосари Сапабек Сапаев. – Дастур доирасида маҳаллаларнинг архитектуравий қиёфаси ва инфратузилмасини яхшилаш, шу жумладан, ўқув марказлари, қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойларнинг кўринишини (томи, девори, тандирхона, молхона, сомонхона кабилар), хоналар ўлчамлари, йўлақлар ва уларнинг санитария меъёрларига мос келиши асосида намунавий лойиҳалар ишлаб чиқилган. Туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объектининг жойлаштириш бўйича институт



орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли фармонида кўра, ипотека кредитлари орқали “Қишлоққурилишинвест” МЧЖ ИК буюртмаси асосида 8336 та хонадондан иборат кўп қаватли уй-жойлар қурилиши белгиланган эди. Бугунги кунда мазкур уй-жойлар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, янги тартиб асосида қурувчи ташкилотларига субсидия ажратиш орқали шаҳар жойларда 17354 та хонадон ва қишлоқ жойларда 9260 та хонадонга мўлжалланган кўп

ектлари намунавий лойиҳалари ҳам ишлаб чиқилган. Хусусан, 192, 660, 990, 1056 ўқувчи ўринли замонавий мактаблар намунавий лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги илмий-техник кенгаши йиғилишида кўриб чиқиб маъқулланган. Шунингдек, 60, 100 ва 120 ўринли замонавий мактабгача таълим муассасалари лойиҳалари ҳам ишлаб чиқилган.

Қишлоқ ва шаҳарларда маҳалла марказларининг янги қурилган бинолари ўзгача кўрк бағишлаб турибди. Бугунги кунга

томонидан ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар барча ҳудудларга андоза сифатида фойдаланиш учун тақдим этилган.

Бунёдкорлик ишларини олиб боришда тадбиркорлар ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида, намунавий лойиҳалар институтнинг <https://qishloqqurilishloyiha.uz/> веб сайти ҳамда Қурилиш вазирлигининг веб-сайтига жойлаштирилган. Барча ҳудудий қурилиш бош бошқармалари, буюртмачи хизмати ва лойиҳа ташкилотлари томонидан ушбу лойиҳалардан веб сайт орқали тўғридан тўғри фойдаланиб, ҳудудларни муҳандислик-геологик шароитларидан келиб чиқиб рухсат этувчи бирламчи ҳужжатларни тайёрлашлари учун имконият яратилган.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси гўзал бўлиши йўлида “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институтининг лойиҳалар бош меъмори, лойиҳалар бош муҳандиси, архитекторлар, конструкторлар, муҳандислар, технолог, топограф ва геолог каби мутахассислари ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Улар орасида ўз ишини моҳирлик билан бажараётган ёш мутахассисларга устоз-шоғирд анъаналари асосида ўз тажрибаларни ўргатиб келаётган бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва вертикал режалаштириш бўлими бошлиғи Ольга Демерза, лойиҳалар бош меъморлари Зулфия Мирзалиева, Жамшид Мирзамухамедов, Барно Абдуллаева, Ольга Андреева, лойиҳалар бош муҳандислари Борис Штейнберг, Акрам Мирхаликов, Кахрамон Хаджиев, Институт бош конструктори Шерзод Одилов, Топогеодезия маркази бошлиғи Илхом Усманходжаев, Бино ва иншоотлар техник текшириш бўлими бошлиғи Гранит Николаевич, Топография-геодезия бўлими ва геологик изланишлар бўлими бошлиғи ва мутахассислари Дмитрий Артамонов, Акбар Ташматов, Лукмон Исмоилов, Муҳандислик бўлими бошлиғи Алла Уразаева, Нархларни шакллантириш маркази бошлиғи Ўктам Абдурахманов, Йўлларни лойиҳалаш бўлими бошлиғи Комил Шамуратов каби мутахассисларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, ишлаб чиқилаётган барча лойиҳалаштириш ишларида институтнинг ёш ва келажаги порлоқ мутахассислари – Конструкторлар бўлими бошлиғи Достон Махмадиев, Ҳудудий муҳандислик тармоқлари бўлими бошлиғи Жасур Абдуқодиров, муҳандислик тармоқлари бўлими бош муҳандиси Одил Шамсиев, Шаҳарсозлик ҳужжатларини лойиҳалаш маркази бошлиғи Набижон Назаров, Аҳоли пунктларини бош режаларини, батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи Илхом Жўраев, Бош режаларни ишлаб чиқиш ва ҳудудларни меъморий ташкиллаштириш бўлими бошлиғи Суҳроб Хусенов, Бош режа лойиҳалари бўйича Лойиҳалар бош меъморлари Ниятбой Заримов, Азиз Исаев ва Йўлларни лойиҳалаш бўлими бош мутахассиси Хасанбой Мусурмановларнинг ҳам ҳиссаси каттадир.



**Жаннатмонанд
диёримизнинг
ободлиги йўлида
меҳнат қилаётган
бунёдкорларни,
соҳа вакиллари
касб байрамлари билан
самимий табриклайди.**

**«ҚИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИҲА» МЧЖ
БОШ ЛОЙИҲА-ҚИДИРУВ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ**

Мактаб қуришга ихтисослашган МЧЖ

Ҳар йили юртимизда Инвестиция дастури ҳамда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида таълим муассасалари биноларида кенг қўламли қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида ҳам олий таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим ташкилотларининг янги биноларини қуриш, реконструкция ҳамда қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Қўнғирот тумани марказидаги 875 ўринга мўлжалланган 53-сонли умумий ўрта таълим мактаби биносини, спорт зали реконструкцияси ҳамда 360 нафар ўқувчига мўлжалланган қўшимча ўқув биноси қурилиши бугунги кунда уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Умумий нархи 6 миллиард 254 миллион сўм бўлган ушбу иншоот қурилиши тумандаги “Мактаб қурилиш сервис” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг март ойида бошланган қурилиш ишларида 120 нафардан зиёд қурувчи, 10 дан зиёд турли русумдаги техника жалб қилинган. Қурилиш учун зарур бўлган материаллар Тошкент шаҳридан, Самарқанд, Хоразм ҳамда Навоий вилоятларидан, Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманларидан олиб келинмоқда.



“Мактаб қурилиш сервис” масъулияти чекланган жамияти нафақат туманда, балки Оролбўйидаги энг йирик қурилиш корхоналаридан бири ҳисобланади. Ҳар йили туманда, Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа ҳудудларида юклатилган ҳар бир бино-иншоотлар сифатли қилиб, белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиб келинмоқда.



“Мактаб қурилиш сервис” масъулияти чекланган жамияти нафақат туманда, балки Оролбўйидаги энг йирик қурилиш корхоналаридан бири ҳисобланади. Ҳар йили туманда, Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа ҳудудларида юклатилган ҳар бир бино-иншоотлар сифатли қилиб, белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиб келинмоқда.

Масалан, ўтган йили мамлакатимизда жорий этилган ка-

рантин тадбирлари давомида ташкилот қурувчилари белгиланган қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда тумандаги “Жаслик” шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб борди. Бундан ташқари, Мўйноқ туманидаги 9 ва 18-сонли умумий ўрта таълим мактаблари, Қўнғирот туманидаги 14-сонли умумий ўрта таълим мактаби филиали, 31, 35, 41, 5-сонли умумий ўрта таълим

мактаблари, туман ҳокимлиги, туман ҳарбий комиссариати, 6 та мактабгача таълим ташкилоти ва бошқа ижтимоий соҳа объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари мазкур қурилиш ташкилоти жамоаси томонидан амалга оширилди.

– Мазкур мактаб биносини касб байрамимиз, қурилиш соҳаси ходимлари кунига топширишни режалаштиряпмиз, – деди “Мактаб қурилиш сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Кобей Ешмуратов. – Бундан ташқари, ўзимизнинг кучимиз билан мини футбол майдончасини қуриб, ўқувчиларга совға қилмоқчимиз. Уму-



мий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотлари биноларини қуришда жамоамиз анча тажрибага эга. Бугунги кунгача бир қанча мактабларнинг биноларини қуриб, фойдаланишга топширдик. Албатта, бунинг барчаси давлатимиз раҳбари томонидан қурилиш соҳасига қаратилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ август ойининг иккинчи як-

га, олий таълим муассасалари ҳамда коллежларни битириб чиқаётган анча мутахассисларнинг бандлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетини иморат ва иншоотлар қурилиши мутахассислиги бўйича тамомлаб, бу ерга ишга жойлашдим, – деди Чингизхон Сағиев. – Авваллари ўқишни тамомлаган ёшларга иш топиш анча мушкул эди. Ҳозирда аҳоли, шу жумладан ёшларнинг бандлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан



шанбаси соҳа ходимлари кунини эътибор қилиниши бизга катта ғурур ҳамда ифтихор бағишлайди. Ҳар йилдагидек, касб байрамини яхши натижалар билан кутиб олмақдамиз.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари сингари Оролбўйи ҳам катта қурилиш майдонига айланган. Бу эса, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш билан бир-

бири ҳисобланади. Мен сингари бир нечта ёшлар бугунги кунда жамоамизда меҳнат қилмоқда.

Масъулияти чекланган жамият раҳбари Кобей Ешмуратовнинг таъкидлашича, жамоада 250 нафардан зиёд киши доимий иш билан таъминланган. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади.

– Хорижда қурилиш соҳасида меҳнат қилиб, иш ҳақларимизни ололмай қўйнарлар эдик, – деди ишчилардан бири Руфат Жалғасбоев. – Ҳозир унумли меҳнат қилишимиз учун барча шароит яратилган. Ҳар кунги иссиқ овқат билан таъминланиб, иш ҳақларимиз вақтида бериляпти. Бундан жудаям мамнунмиз.

Мактаб фойдаланишга топширилгандан сўнг ташкилот қурувчилари томонидан туман марказида ҳар бири 5 қаватли 60 хонадонли иккита турар жой, “Қипчак” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 100 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим ташкилоти биноларининг қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Оби-ҳаёт иншоотлари яратувчилари

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани “Тақиркўл” овул фуқаролар йиғини аҳолисини қийнаб келаётган муаммолардан бири – ичимлик сувидир.



– Худудимиздаги “Дарбент”, “Шўркўл”, “Шағалкўпир” аҳоли пунктлари ичимлик суви билан таъминланган бўлса, “Қалмен овул”, “Досумбет овул”, “Қозоқ овул”, “Сағир овул”, “Қуўликўл овул” ҳамда марказдан 10 километр узоқда жойлашган “Қонли жағис” аҳоли пунктлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш анчадан буён муаммо бўлиб келаётган эди, – дейди “Тақиркўл” овул фуқаролар йиғини раиси Бахтияр Достанов. – Давлатимиз раҳбарига

ича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонасининг Қорақалпоғистон Республикаси худудий бошқармаси буюртмаси асосида худудимиздан ичимлик суви етказиб берувчи станция қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Умумий нархи 2 миллиард 689,7 миллион сўм бўлган ушбу иншоот қурилиши тумандаги “Нукус Эркин қурилиш” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан амалга оширилмоқда.

Қишлоқ аҳолисининг фаровон ҳаётини таъминлашда муҳим ҳисобланган ушбу қурилишда 30 нафарга яқин ишчи-ҳодимларимиз вақт билан ҳисоблашмасдан меҳнат қилмоқда. Шунга яраша уларга шарт-шароитларини ҳам яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Вақтида иш ҳақи, иссиқ овқат, махсус кийим-кечаклар ҳамда ётоқхона билан таъминланган. Ҳозирги вазиятни ҳисобга олган ҳолда уларнинг саломатлигига жиддий эътибор қаратяпмиз. Мақсадимиз, аҳолининг тезроқ тоза ичимлик суви билан таъминланишига ўз ҳиссамизни қўшишдир. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги байрами нишонланаётган кунларда мазкур станциянинг ишга туширилиши билан овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 800 дан зиёд хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Иншоот бошига келиб қурувчиларнинг бугунги кунда олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишдик. Бу ерда иш ҳар қачонгиданда қизгин. Ҳар ким ўзига бириктирилган иш билан банд. Қурилишда тажрибали қурувчилар билан бирга ёшлар ҳам меҳнат қилишмоқда.

– Инсон қайси соҳада ишласин ўз касбига меҳр қўйиб меҳнат қилса, албатта қадрланади, – дейди масъулияти



раҳмат, бутун жаҳонда содир бўлаётган иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан мамлакатимизда аҳоли муаммоларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг май ойидан бошлаб “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўй-

– Бугунги кунда жамоамиз қурувчилари бир мақсад йўлида меҳнат қилиб, иншоотни белгиланган муддатда, сифатли барпо этиб топшириш чораларини кўрмоқда,– дейди “Нукус эркин қурилиш” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Қурбонбек Тилепбоев.–



Хўжайли туманидаги 17-сонли умумий ўрта таълим мактаби биноси 9/18 ҳажмдаги спорт зали билан янгидан барпо этилиши Амударё овул фуқаролар йиғини аҳолиси фарзандлари учун ҳақиқий тухфа бўлди. 220 ўқувчига мўлжалланган мактаб биносида

3,388 млрд

сўмлик иш бажарилди. Эндиликда, овул болалари янги ўқув йилини янги бинода бошлайдиган бўлди. Бунинг учун мактаб жамоаси, ота-оналар чиройли иморатни қуриб берган “Нукус эркин қурилиш” масъулияти чекланган жамияти қурувчиларидан миннатдор.

чекланган жамияти пайвандчиси Айтбой Султанов. – Қурилиш соҳасида ишлаб келаётганимга мана 40 йилдан ошди. Кўп йиллик самарали меҳнатим эътибордан четда қолмади. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 29 йиллиги байрами арафасида Прези-

рилишини ишларини ҳам олиб бормоқда.

Хўжайли туманидаги 17-сонли умумий ўрта таълим мактаби биноси 9/18 ҳажмдаги спорт зали билан янгидан барпо этилиши Амударё овул фуқаролар йиғини аҳолиси фарзандлари учун ҳақиқий тухфа бўлди. 220



дентимизнинг фармонига кўра “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирландим. Бугунги кунда бор тажрибамни ёшларга ўргатиб келяпман. Уларнинг орасида келажакда ўз касбининг моҳир усталари бўлиб чиқади-ганлари кўпчиликни ташкил этади. Фақат тўғри йўл-йўриқ кўрсатишнинг ўзи кифоя.

Бугунги кунда масъулияти чекланган жамият қурувчилари Қораўзак туманидаги А. Досназаров номли овул фуқаролар йиғини, “Сейтек яп” ҳамда “Қазаяқли овул” аҳоли пунктларида соатига 16 метр куб, Бўзатов туманида иккита аҳоли пунктининг ҳар бирида соатига 1 куб метр ичимлик сувини чуқуллаштирувчи станциялар қу-

ўқувчига мўлжалланган мактаб биносида 3 миллиард 388 миллион сўмлик иш бажарилди. Эндиликда, овул болалари янги ўқув йилини янги бинода бошлайдиган бўлди. Бунинг учун мактаб жамоаси, ота-оналар чиройли иморатни қуриб берган “Нукус эркин қурилиш” масъулияти чекланган жамияти қурувчиларидан миннатдор.

Бундан ташқари, жамоа қурувчилари мустақиллик байрами арафасида Нукус шаҳри ва туман марказларидаги бунёдкорлик ишларида ҳам фаол иштирок этишмоқда. Жумладан, бугунги кунда Нукус шаҳридаги 6 та кўп қаватли турар жой том қисмини шиферлаш ишларини олиб бормоқда.

Тиббиёт ходимларига совға

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Оролбўйида ҳам ижтимоий объектларда бунёдкорлик ишлари жадал давом эттирилмоқда. Айниқса, карантин талаблари ўрнатилган ҳозирги кунда қурувчиларимиз кўзга кўринмас бу балога қарши курашишда стратегик аҳамиятга эга бўлган кўплаб соғлиқни сақлаш объектларини бунёд этишмоқда.



Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги “Қорақалпоқ қурилиш-монтаж бошқармаси” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари Нукус тумани тиббиёт бирлашмаси биносида реконструкция ишларини олиб бормоқда. 12 миллиард 665 миллион 104,9 минг сўм маблағ сарфланаётган мазкур объект мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади. 40 ўринга мўлжалланган туғуруқхона, қабул қилиш ва диагностика бўлими, клиник ва биокимё лаборатория, физиотерапия бўлими, реанимация ва жарроҳлик блогиди қурилиш ҳамда реконструкция ишлари қизгин давом этмоқда.

– Тиббиёт бирлашмаси биносини таъмирлаш ишларини белгиланган муддатда бажариш учун барча чораларни кўрганмиз, – дейди “Қорақалпоқ

қурилиш-монтаж бошқармаси” масъулияти чекланган жамияти раиси Ақбой Нахипов. – Бу қурувчиларимизнинг тиббиёт соҳаси ходимларига мустақиллик байрамига совғаси бўлади. Албатта, қай жойда шароит яхши бўлса, иш унумдорлиги ошади. Бугунгидек ёзнинг жазирама кунлари астойдил меҳнат қилаётган қурувчиларимизга зарур шароитни яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Улар иссиқ овқат, иш ҳақи билан таъминланган. Қурилиш материаллари узлуксиз етказиб берилмоқда. Дастлабки кунлари объектдаги ишларда 300 нафарга яқин ишчи-ходим иштирок этган бўлса, якуний босқичда 70 нафар киши меҳнат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 25 январдаги “Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахслар-

ни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитишни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, Нукус шаҳридаги Транспорт коллежи негизда Нукус қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш маркази фаолиятини бошлаган эди. Бу ерда



“Қорақалпоқ қурилиш монтаж бошқармаси” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 5 миллиард 30,2 миллион сўмлик реконструкция ишлари бажарилди. Барча талабларга жавоб берадиган мазкур марказда яратилган қулай шароитлар касб танлаш истагидаги фуқароларнинг малака ва тажриба орттиришида муҳим аҳамиятга эга. Натижада аҳоли бандлиги сезиларли даражада ошади. Муассасада темир-бетон ишлари устаси, ғишт терувчи, электро-газ пайвандчи, дурадгор, сувоқчи, бўёқчи-бе-



Қай жойда шароит бўлса, иш унумдорлиги юқори бўлади. Бугунгидек ёзнинг жазирама кунлари астойдил меҳнат қилаётган қурувчиларимизга зарур шароитни яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз.



закчи, сантехника ишлари устаси, электро-монтажчи, кўтарма кран бошқарувчисининг ёрдамчиси, қопловчи-плиткачи, пўлат ва темир-бетон конструкциялар монтажчиси, гипсокартон монтажчиси, кран машинисти каби мутахассисликлар бўйича таълим берилди.

Марказ учун ажратилган ижтимоий объектларда замонавий андозаларга асосланган 14 та ўқув ва амалиёт хонаси, 300 ўринли иккита ётоқхона, шинам ва кўркам ошхона, маънавият ва маърифат маркази, кутубхона ҳамда спорт зали таъмирланди. Муҳандислик тармоқларини таъмирлашга ихтисослашган амалий машғулотлар устаси ҳар бир мутахассислик бўйича алоҳида жиҳозлар, зарур дастгоҳ ва ўқув буюмлари билан жиҳозланди. Таҳсил олувчилар эгаллаган назарий билимларини амалда мустаҳкамлашлари учун 3 гектардан иборат бўлган ўқув полигони учун ер майдони берилган.

Масъулияти чекланган жамият қурувчилари томонидан бундан ташқари, Бўзатов туманида аҳолига тоза ичимлик сув етказиб берувчи станция, Нукус шаҳрида давлат ва сиёсий арбоб Аллаяров Досназаров бюсти, Ўзбекистон Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармасининг қўшимча бинолари ва бошқа объектлар қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда қурилиш учун зарур материалларни ишлаб чиқариш цехларини барпо этиш, замонавий техникалар харид қилиш режалаштирилган. 2019 йилда ташкилот қошида ойна ромлари ва МДФ эшиклар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Натижада 6 нафар киши доимий иш билан таъминланди.



Байрамга қурувчилар тухфаси

Ҳозирги синовли кунларга қарамасдан мамлакатимизда кенг кўламли қурилиш ҳамда бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа ҳамда қўшни туманда қад ростлаётган ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар, замонавий уй-жойлар қурилишида “Тупроққалъа махсус қурилиш” масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг муносиб ҳиссалари бор.



Улардан “Кўнғирот сода заводи” унитар корхонаси, Элликқалъа тумани марказидаги “Элтекс” акциядорлик жамияти, 6 та касб-хунар коллежи, 4 та умумий ўрта таълим мактаби, 6 та мактабгача таълим ташкилоти, “Камолот уйлари”, туман марказидаги кўп қаватли уй-жойлар ва бошқа қатор бинолар мазкур масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилди.

Ўз фаолиятини 2009 йилда бошлаган қурилиш ташкилотидан бугунги кунда жами 122 нафар ишчи-ходим меҳнат қилиб, шундан 40 нафари мавсумий ва 82 нафари доимий иш билан таъминланган. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Ишчи-ходимларнинг самарали меҳнат қилишлари учун корхона раҳбарияти томонидан барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, ишчилар икки маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ва узоқдан қатновчилар учун бепул ётоқхона мавжуд.

Ташкилотда ишловчи ёрдамга муҳтож ходимларнинг оилавий шароити ҳисобга олиниб, фарзандларининг олий ўқув юртларида ўқиши учун шартнома тўловлари тўлаб берилиб, шахсий уй-жой қуришида моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Иш ҳақлари вақтида бериб келинмоқда. Мана шундай шарт-шароитлар натижасида қурувчилар ёзнинг жазираси, қишнинг қаҳратон совуғига қарамасдан, белгиланган объектларни ўз вақтида топшириш йўлида беминнат хизмат қилиб келмоқда. Ўз навбатида, таш-



килот қурувчиларининг фидо-корона меҳнати давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб келинмоқда.

Бугунги кунда масъулияти чекланган жамият қурувчилари Элликқалъа, Беруний, Тўрткўл туманларидаги объектларда меҳнат қилмоқда. Шундан Элликқалъа туманидаги 13-сон мактаб-интернатда қурилиши

туғалланмаган 240 ўринли ўқувчилар ётоқхонаси, ўқув корпуси ва ошхона биносидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда мазкур қурилиш ташкилотидан ташқари пудратчи “Бўстон обод махсус қурилиш” хусусий корхонаси ҳамда “Пўлат қурувчи” масъулияти чекланган жамиятларидан жами 100 нафардан зиёд қурувчи иштирок этмоқда. Умумий нархи 6 миллиард 272,8 миллион сўм бўлган мактаб-интернати қурилишида масъулияти чекланган жамияти томонидан 3 миллиард 316 миллион сўмлик, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар томонидан 773 миллион сўмлик иш бажарилди.

– Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан барча соҳалар каби қурилиш ҳамда бунёдкорлик ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди “Тупроққалъа махсус қурилиш” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи Абат Миришов. – Айниқса, Оролбўйи шаҳар ва туманларида кенг кўламли

Биз қураётган ҳар бир бино ва иншоотнинг халқимиз манфаати ва уларнинг фаровон яшашига, юртимиз тараққиётига хизмат қилаётгани ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Масъулияти чекланган жамияти қурувчилари Тўрткўл тумани “Кўкча” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги сувни чучуқлаштирувчи станцияни ва ичимлик сув тармоқларини реконструкция қилиш ишларини олиб бормоқда.

Бундан ташқари, ушбу тумanning “Отаярт” овул фуқаролар йиғини ҳудудида янгидан ичимлик сув тармоғини тортиш, 29-сонли ва Беруний туманидаги 35-сонли умумий ўрта таълим мактаби биноларини мукаммал таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ташкилот томонидан бугунги кунда нафақат қурилиш ишлари, балки темир-бетон маҳсулотлари, АКФА дераза ва МДФ эшиклар ҳам ишлаб чиқармоқда.

Барча объектлар қурилиши-



барча объектларни ўз муддатида сифатли битказишга ҳаракат қилаямиз. Энг асосийси, биз қураётган ҳар бир бино ва иншоотнинг халқимиз манфаати ва уларнинг фаровон яшашига, юртимиз тараққиётига хизмат қилаётгани ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

ни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилаяпти. Бу жамоа қурувчиларининг аҳолига, шу жумладан, иқтидорли ёшларга байрам тухфаси бўлиб ҳисобланади.





Янги Ўзбекистон бунёдкорлари

Бўстон туманидаги 19-умумтаълим мактаби ўқувчилари республикаимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрамини мукамал таъмирланган мактаб биносида қарши олмоқдалар. Уларнинг қувончи чексиз. Боиси, салкам 50 йил муқаддам қуриб, фойдаланишга топширилган бино эскириб, айрим муаммолар юзага кела бошлаган эди. “Бехрузбек Дилмуродов” МЧЖ қурувчилари томонидан олиб борилган таъмирлаш ишлари натижасида мактаб мутлақо янгича қиёфа касб этди.

Энг аввало, нурай бошлаган деворларга “жон” ато этилди. Унинг юза қисми экологик жиҳатдан софликни таъминловчи махсус қоплама билан қопланди. Девор билан қоплама оралигидаги бўшлиқ ҳаво айланишини мўтадиллаштириб, хомашёнинг хизмат муддатини узайтиради. Сифатли, ҳар қандай иқлим шароитига бардошли маҳсулотлар туфайли синфхоналари ёзда салқин, қишда иссиқ ҳароратга эга бўлади. Худуддаги электр энергияси ва тоза ичимлик суви таъминотидаги баъзи камчиликлар туфайли мактабнинг айрим фан хоналарида ишлаш мутлақо имконсиз эди. Таъмирлаш ишлари натижасида нафақат мактабда, балки, худудда ҳам электр ва сув таъминотидаги узлуксизлик бартараф этилди. Энди ўқувчилар чекка қишлоқда туриб ҳам энг замонавий мактабда таҳсил олиш имконига эгалар.

Кўп минг сонли ҳамюртларимизга ана шундай имкониятни туҳфа этаётган жамият ишчилари учун халқнинг ишончи, эътирофидан юқори баҳо бўлмаса керак. Шу боис улар қай бир ишга қўл урмасинлар, энг аввало, сифатга алоҳида эътибор қаратадилар.

– Қурилиш соҳасида 13 йиллик тажрибага эгамиз, – дейди корхона раҳбари Жамшидбек Мамасолиев. – Қувонарлиси шундаки, соҳада муҳим аҳамиятга эга бўлган хомашё масаласида ҳеч қандай муаммога дуч келганимиз йўқ. Аксинча, бугун қурувчида танлаш имконияти мавжуд. Боиси, ички ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилаётган маҳсулотлар республикаимиз иқлимига мослиги билан аҳамиятлидир. Бу

“Янги Андижон” турар жой мажмуасида 20 та хонадонли 5 қаватли уйни барпо этмоқдамиз. Бино вилоятнинг энг баҳаво ҳудудида жойлашган. Бироқ, ундаги мавжуд шароит ҳам бугунги кун талабига жавоб бермоғи керак. Шу боис, биз қураётган уйларимизда табиат билан уйғунликни таъминлашга ҳаракат қиляпмиз.



эса, амалга ошираётган ишмизнинг сифатини таъминлабгина қолмасдан, иншоотларнинг халқимизга узоқ йиллар давомида самарали хизмат қилишига ҳам сабаб бўлади.

Ушбу қурилиш ташкилоти жамоаси айна пайтда Бўстон

туманидаги 16- ва 19-умумтаълим мактабларида мукамал таъмирлаш ишларини амалга оширдилар. Икки ой давом этган жараёнда бунёдкорликнинг энг замонавий усулларида фойдаланилди.

– Фаолиятимиз давомида нафақат таъмирлаш ишларини бажарамиз, шу билан бир қаторда янги бинолар ҳам қурамиз, – дея суҳбатда давом этди Жамшидбек Мамасолиев. – Ҳозирда Хўжабод туманидаги Хидирша массивида қад ростлаётган “Янги Андижон” турар жой мажмуасида 20 та хонадонли 5 қаватли уйни барпо этмоқдамиз. Бино вилоятнинг энг баҳаво ҳудудида жойлашган. Бироқ, ундаги мавжуд шароит ҳам бугунги кун талабига жавоб бермоғи керак. Шу боис, биз қураётган уйларимизда табиат билан уйғунликни таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Яъни хонадонларни



иситиш ва совитишда иқлимдаги ўзгаришлар инobatга олинган. Қолаверса, хомашёларни танлашда ҳам имкон қадар электр энергиясини тежовчи маҳсулотларни қўлладик.

Қурилиш ташкилоти 100 нафардан зиёд доимий ишчилар жамоасига эга. Уларнинг меҳнат қилишлари учун барча шароит яратилган.

– 27 йилдан буён қурилиш соҳасида меҳнат қиламан, – деди сувоқчи Жамолiddин Йўлдошев. – Турли ташкилотларда фаолият юритганман. Сўнги тўрт йилдан буён ушбу жамиятда сувоқчи вазифасида меҳнат

ча иш ҳақи оламан. Ҳамкасбарим Баҳромжон Райимбердиев, Фаррухбек Сотволдиев, Яҳёбек Нуриддиновлар билан ўзаро маслаҳатлашган ҳолда бизга топширилган вазифани амалдаги тартибларга биноан адо этиб келмоқдамиз.

Қурилиш соҳасида нафақат хомашё ва мутахассислар маъласи, балки техник воситалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, иш қуроли қанчалар соз бўлса амалга оширилаётган иш ҳам шунчалар сифатли бажарилади. Шу боис ҳам жамият таркибидаги ўндан ортиқ техник воситалари жараёнга жалб этилган.



қилиб келаман. Бу ерда ишчиларга яратилган шароит мени қониқтириш билан бир қаторда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Шу боис, зиммамдаги вазифани сидқидилдан адо этаман. Яъни, бир кунда деворнинг 80 квадрат метр қисмини суваб, пешқадамлар қаторидан жой олиб келяпман. Даромадим ҳам шунга яраша! Астойдил меҳнат қилсам, 3 миллиондан 5 миллион сўмга

Қурувчи учун ҳамюртларимизнинг қулай ва шинам уйларида яшаши, барча имкониятларга эга бинода ўқиши ва ишлашдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Боиси, ана шу бахтни унинг ўзи кашф этган. Қолаверса, ўзгаларга яхшилик улашишдан буюк ҳикматнинг ўзи йўқдир. Янги давр бунёдкорларига ҳамиша ўз меҳнатидан қониқиб яшаш туйғуси йўлдош бўлишини тилаб қоламиз!



“Бу касб ҳалолликни ёқтиради, ўғлим!” –

ёш тадбиркор отасининг насиҳатига амал қиляпти



Тадбиркорнинг вақти доим тиғиз бўлади. Вақт бу пул, деган гап ҳам аслида тадбиркорлар томонидан айтилган бўлса ажаб эмас. Андижон вилоятида фаолият юритадиган “Сапфир садаф сервис” МЧЖ раҳбари Шерзодбек Мамадаев билан ҳам учрашимиз осон кечмади. “Ўз оёғи билан” таҳририятга кириб келган ишбилармонни саволга тутар эканмиз, ҳар дақиқада йўқлаб қўнғироқ қилувчилар туфайли суҳбатимиз ҳам қисқа бўлди. Аммо оз фурсат ичида ёш тадбиркорнинг улкан ишларни амалга оширганини билиб олдик.

2009 йилда ташкил этилган жамият асосан ижтимоий соҳа объектларини қуришга ихтисослашган. 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида улар қурган бир-бирдан кўркам мактаблар, шинам боғчалар, салобати ўзгача ҳарбий объектлар вилоятнинг ҳар бир ҳудудига чирой бағишлаб келмоқда. Бунинг учун жамоанинг 150 нафар ишчиси ҳормай-толмай меҳнат қилиб келяпти.

Шерзодбек Мамадаев Тошкент давлат юридик университетининг ҳуқуқшунослик йўналишини 2008 йилда тугатган. Ўқишни битиргач, ўша пайтда

отаси раҳбарлик қилаётган жамиятда юрист сифатида фаолият юритишга киришади. Отаси Шухрат Мамадаев Темирийўл институтини битирган. Бир неча йиллар қурилиш ташкилотларида прораб, мастер, участка бошлиғи, инженер бўлиб ишлагач, ўзининг “Илдиз” номли қурилиш фирмасини ташкил қилган. Кейинчалик юртимизда уй қурилиши саноати ривожлангач, Шухрат ака “Сапфир садаф сервис” МЧЖ фаолиятини йўлга қўяди. Бир неча йил жамоага раҳбарлик қилиб, вилоятдаги юзлаб уйларнинг қад ростлашида бош-қош бўлгач, пенсияга



чиқиш ниятида барча ишларни ўғлига топширади.

– Отам жамият раҳбарлигини менга топширар экан, “Қурувчилик ҳалолликни ёқтиради, ўғлим. Бировнинг ҳаққига хиёнат қилма. Бугун қилган кичкина хатоинг келажақда катта бўлиб ўзингга қайтади!” дея насиҳат қилганди. Бу насиҳатга амал қилиб шу кунга қадар кам бўлдим. Қўлимдан келганича бировга яхшилик қилдим, қурган уйларимизда юртдошларимиз яйраб яшаши учун интилдим. Шукрки, фаолиятимиз юзасидан бугунга қадар бирор марта бўлсин, шикоят тушмаганини фахр билан айта олам.



“Сапфир садаф сервис” МЧЖ шу кунга қадар

вилоят миқёсида **250** дан ортиқ намунавий уйлар қуришга муваффақ бўлган.

Бу уйлар асосан, Хўжаобод туманида қурилган. Намунавий уйлардан ташқари,

200 хонадондан иборат кўп қаватли уйлар ҳам қурилиб, ўз эгаларига топширилган.

“Сапфир садаф сервис” МЧЖ шу кунга қадар вилоят миқёсида 250 дан ортиқ намунавий уйлар қуришга муваффақ бўлган. Бу уйлар асосан, Хўжаобод туманида қурилган. Шерзодбекнинг айтишича, намунавий уйлардан ташқари, 200 хонадондан иборат кўп қаватли уйлар ҳам қурилиб, ўз эгаларига топширилган. Ташкилот қурган уйлар бугун вилоятнинг энг кўркам ҳудудларига чирой қўшиб турибди.

Жамоа аъзолари ўз ихтиёридаги 3 та кран, 3 та трактор, 4 та самосвал, 2 та экскаватор, 2 та бетонқорувчи техникалар ёрда-

Жамият ишчи-хизматчилари қурилиш-таъмирлаш ишларида асосан маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиб келишмоқда. Фақат ёғоч хомашёси Россиядан олиб келинди. Лойиҳалар ҳақида гап кетганда, асосан Андижон вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи” инжиниринг компанияси ва “Қишлоқ қурилиш инвест” компанияси Андижон вилояти филиали буюртмасига кўра қурилиш ишлари олиб борилишини алоҳида таъкидлаш керак.

Ташкилот раҳбарининг айтишича, ишнинг сифати ишчиларнинг маҳорати ва ўз касбига содиқлигига боғлиқ. Шу боис, жамоага ишчилар шунчаки қабул қилинмайди. Иш стажидан ташқари, унинг маҳорати ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Прораблар – Анвар Ҳайдаров ва Хусанбой Муҳаммадсаидов, маҳоратли ғишт терувчилар – Маъруф ва Мадийёр Обидов каби меҳнаткаш йигитларнинг фирма очилгандан буён шу жамоада фаолият юритиб келаётгани ҳам бу фикрнинг яққол исботидир.

Яхши ишлаган инсон ҳар ерда қадрланади. Қолаверса, ота дуосининг ҳам ўрни беқиёс. Шерзодбек Мамадаевнинг юртимиз раванқиға кўшиб келаётган ҳиссаси, қурилиш-таъмирлаш соҳасидаги изланувчанлиги ҳам давлатимизнинг эътиборидан четда қолгани йўқ. У Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармониға биноан 2020 йилда “Меҳр-саховат” кўррак нишони билан тақдирланди.

Майдони кичик, аммо халқи кўп бўлган Андижон вилояти юртимизнинг энг гўзал гўшаларидан бириға айланишида “Сапфир садаф сервис” МЧЖнинг ҳиссаси катта. Шерзодбек Мамадаев бошчилигидаги жамоа аъзолари туфайли келажақда бу ҳиссанинг янада ортишиға шубҳа йўқ.

Қадимий шаҳарга замонавий қиёфа бераётганлар

Қадимий ва навқирон Бухоро халқи илм-маърифат ҳамда маънавиятни барқарор юксалтириш бўйича асрлар давомида дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келган. Мана шу замин бешигида камол топган аждодларимиз қолдирган жуда кўплаб мерослар олимлар, тадқиқотчилар томонидан ҳали-ҳануз чуқур ўрганиляпти. Шу жумладан, қурилиш-бунёдкорлик соҳасида ҳам бу ерда ўзига хос мактаб яратилган, бири иккинчисини такрорламайдиган асори-атиқалар хориждан ташриф буюраётган сайёҳлар қаторида халқимизни ҳам ҳайратга солаётгани сир эмас. Шундан ҳам кўринадики, ободонлаштириш ва қурилишлар қуриш бухороликларнинг қон-қонига сингиб кетган бобомерос касб.

Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари туфайли бошқалар қатори бу кўҳна замин аҳолисининг тўплаб қолган орзулари ушляпти. Буни шаҳар ҳамда туманларда, ҳатто вилоят марказидан энг олисда жойлашган қишлоқларда қад ростлаётган кўркам бинолар, ишлаб чиқариш корхоналари, олиб борилаётган ободончилик ишларида кўриш мумкин.

Шофиркон туманида таваллуд топган Бегзод Яхёев ҳам ёшлигидан тадбиркорликни ўзига ошно қилганлардан бири. Айниқса, қурилиш соҳасида фаолиятини юритишга кўп қизиқарди. Бу бўйича қаердаки, янгиликларни эшитса, эринмасдан бориб ўрганди, тажрибасини орттирди. Қўшни вилоятлар, ҳаттоки, ён-атрофдаги давлатларга чиқиб, тажрибали қурувчиларни қидириб топди, уларнинг маслаҳатларига амал қилди. Шу тариқа зарур ҳужжатларни тўплаб 2010 йилда “Ғиждувон говшун махсус қурилиш монтаж” МЧЖ ташкилотига асос солди. Тадбиркорнинг эътирофига, иш бошлаш аввали осон кечмади. У даврда соҳага оид муаммолар қалашиб ётарди. Боз устига, қурилиш учун зарур бўлган материалларнинг аксарияти четдан келтирилди, “ушовидан тушови қиммат”, деганларидек, харажатлар ортганидан ўзи билан бирга фаолият бошлаганларнинг кўпи касодга учраб, аро йўлда қолиб кетди.

Халқимизда, “Қаловини топган, қорни ҳам ёндиради”, деган гап бор. Тадбиркор бошқа-



Пешку туманидаги 44-умумтаълим мактаби қурилиши, Когон туманидаги 216 ўринга мўлжалланган янги мактаб биноси, болалар ва ўсмирлар спорт мажмуасини, вилоят ҳокимлиги ва Бухоро туманидаги Халқ банки филиали биноларини, тиббиёт институтининг ўқув ва симуляция марказини мукаммал таъмирлаш, Шофиркон туманидаги 31-МТТ биносини реконструкция қилиш ишлари ҳам жамоанинг меҳнатлари туфайли янгича кўркам кирди.

лардек ортга қайтмади, ишни юргизиш ва унга ишониб қава-тига кирган ишчи-ходимларни қўллаб-қувватлаш учун кези келганда уйдаги бор-будини тикишдан ҳам тоймади. “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ вилоят филиали буюртмасига

кўра, Пешку туманидаги Ибн Сино номли ҚФЙ ҳудудида 10 та намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши ҳамда туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қурилишини бунёд этиш жараёни жамоа ишларини юзага чиқарди, деса хато бўлмайди. Чунки айнан мана шу объектларда бажарилган юмушлар сифати билан буюртмачиларнинг эътиборига тушди.

Кейинги босқичда бунёдкорларга вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи” инжиниринг компанияси Бухоро шаҳрида жойлашган вилоят руҳий-асаб касалликлари диспансерида капитал таъмирлаш ишларини бажаришни ишониб топширди. Мазкур объект ҳам ўз муддатида сифатли ва кам-харжли қилиб удаланди. Йиллар давомида қаровсиз ҳолга тушиб қолган ана шу диспансернинг бугунги кўркини кўрганлар уни кўркам ҳолатга келтириб,



ён-атрофига гўзаллик бағишлаган бунёдкорларга миннатдорчилик билдиришмоқда.

Худди шунингдек, Пешку туманидаги 44-умумтаълим мактаби қурилиши, Когон туманидаги 216 ўринга мўлжалланган янги мактаб биноси, болалар ва ўсмирлар спорт мажмуасини, вилоят ҳокимлиги ва Бухоро туманидаги Халқ банки филиали биноларини, тиббиёт институтининг ўқув ва симуляция марказини мукаммал таъмирлаш, Шофиркон туманидаги 31-МТТ биносини реконструкция қилиш ишлари ҳам жамоанинг меҳнатлари туфайли янгича кўркам кирди.

дай ўзлаштираётгани хусусида ҳафта охирида раҳбарнинг ўзи суҳбатлашиб, баҳолаб боради. Яхши ўзлаштирганининг устози қўшимча рағбатлантирилиб, аксинча бўлса, танбеҳ берилиши одатга айланган. Тажрибали қурувчилар раҳбарнинг одатини билгани учун ҳам бу масалада муаммо келиб чиқишига йўл қўймайди.

Талабчан тадбиркор ишида ҳам доимо қатъий турадиганлардан. Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги байрами арафасида Бухоро шаҳридаги 250 ўринли оилавий поликлиника, Жондор туманидаги 3-мактабнинг реконструкцияси ҳамда



Жамият раҳбари Бегзод Ниёзовичнинг таъкидлашича, жамоа ўз соҳасини яхши ўзлаштирган мутахассислардан ташкил топган. Пайвандчи, электрик, ғишт терувчи ва ҳайдовчилар, айниқса, ҳар ишни пухта, сифатли бажаришади. Уларга бажарган ишига қараб ҳақ тўланяпти. Шунингдек, ҳар бирига қурувчилик касбини танлаган ёшлар бириктирилган, улар соҳани қан-

янги қурилаётган спорт зали, шунингдек, 410 ўқувчига мўлжалланган замонавий мактаб биноси қурилишини битказиб, халқимизга туҳфа этишга қатъий аҳд қилишган. Шу кунларда барча объектларда ишлар қизғин паллага кирган, қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди, пардозлаш ва ён-атрофларни ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган.



“Mega house”ни қўшни давлатдагилар ҳам яхши билишади



Бухоро вилоятининг қиёфаси ҳам бошқа вилоятлар сингари кун сайин тубдан ўзгариб бормоқда. Янги-янги кўп қаватли турар жойлар, равон кўчалар ва истироҳат боғлари ҳар қандай кишининг ҳавасини оширади. Бухороликларга зимдан разм солсангиз мана шундай дориломон кунларда умргузаронлик қилаётганидан миннатдор эканликларини англаб оласиз. Минг бор шукрки, бундай эркинлик ва озодликни халқимизга истиқлол инъом этди.



Ҳадемай унинг 30 йиллик байрамини кенг нишонлаймиз. Бир қарашда курраи ҳофизамиз олдида ўттиз йил денгиздан бир томчи мисолдир. Аммо мана шу даврда юртдошларимиз онгу шууридаги эришилган маънавий ютуқлар ва ўзгаришлар, бунёдкорлиги, туб бурилишлар асрларга татигуликдир.

Айниқса, кейинги йилларда республикамизда ўтказилаётган изчил ислохотлар, айтиш жоиз бўлса, фуқароларимизни мудроқликдан уйғотди. Бугун унинг талабларига таяниб, барча соҳаларда келажак пойдевори янада мустаҳкамланяпти. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган ҳужжатлар ва қонунлар эса эртага ёки бир-икки йилга эмас, балки юз йилларга хизмат қилишига кафолот бор. Қайси соҳада фаолият кўрсатишимиздан қатъи назар улар орқали ҳақ-ҳуқуқимиз мустаҳкамлаб қўйилган.

Мана шундай имкониятлар фаолиятимдаги асосий дасту-



риламал бўлиши керак деб ишга киришганлар кам бўлмаёпти. Уларнинг хизматлари элимиз томонидан муносиб баҳоланмоқда. Бухоро шаҳрида яшовчи Фарҳод Рўзиев ҳам ана шундай орзу-истакларни дилига жойлаган ёш тadbиркорлардан бири. У “Mega house” масъуляти чекланган жамиятини тузгач,

илк фаолиятини саккиз нафар киши билан бир хил турдаги қурилиш маҳсулотини ишлаб чиқаришдан бошлаганди. Tadbиркорлигини кенг шакллантиришга имкониятлари бўлса-да, аммо ўша кезлари айрим тўсиқлар ҳалал берарди. Мақсадига эришиш учун кўп югуриб-елди, натижа эса йўқ ҳисоби эди.

Мана шу жараёнда бошланган изчил ислохотлар кўплар қаторида унга ҳам имкониятлар эшигини очди. Тўғриси айтиш керак, ҳозирги кунда ихтисослашган кенг тармоқли хусусий корхоналар орасида Бухоро шаҳрида “Mega house” жамоасининг олдида тушадигани йўқ ҳисоби. Шу даражага эришишнинг ўзи бўлган эмас. Ишбилармон ёшлар кучига таяниб, корхонада улар сафини кенгайтди. Жамоанинг асосий қисмини электрик, пайвандчилик, ғишт терувчи ва бошқа касблар бўйича қисқа муддатли курсларда ўқитиб, унарли қилди. Бир пайтлар 8 киши билан ишни бошлаган ташкилотда ҳозирги кунда 300 нафар турли касб эгалари меҳнат қилишяпти. Улар орасида халқ ҳўжалигида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш фаолият турлари билан шуғулланадиганлари ҳам бор.

Бунёдкорлик соҳаси жамоанинг асосий йўналишларидан бири. Утган даврда улар Бухоро шаҳрини ободонлаштириш ишларига катта ҳисса қўшиб, обрў-этибор қозонишди. Жумладан, шаҳар марказидаги “Хўжамушкин” МФЙда 6 минг квадрат метр йўлни бетонлаштириб, учта замонавий болалар майдончасини қуриб битказишди, ҳудуд ландшафтини батамом янги қиёфага айлантдиришди. Зарафшон маҳалласи ҳудудида эса кўп қаватли уйларнинг 3 096 метр квадрат олд қисми бетонлаштирилиб, бордюрлар ўрнатилди. Шунингдек, корхона ўз маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 1,8 млрд сўмлик сунъий футбол майдони, аёллар учун эса соғломлаштириш марказидан таркиб топган спорт комплексини қуриб, фойдаланишга топширди.

Шулар қаторида Бухоро шаҳрининг реновация лойиҳасига асосан жамият аъзолари И. Мўминов ҳамда И. Каримов кўчаларида ўндан ортиқ кўп қаватли замонавий уй-жойларни қуриб, эҳтиёжмандларга туҳфа этишди. Жамиятни вилоятдагилар кенг тармоқли ихтисослашган корхона дея бежизга эътироф этишмайди. Чунки улар кўп қаватли уйлар қуриш билан бирга жамият таркибида яна бир нечта ишлаб чиқариш тармоқларини ҳам ташкил этишган. Мазкур цехларда қурилиш учун зарур бўлган бир неча турдаги материаллар тайёрланиб, ўз эҳтиёжларидан ташқари турдош корхоналарга ҳам етказиб берилляпти. Сифати чет элда ишлаб чиқарилаётгандан кам бўлмагани боис талабгорлар сони ортмоқда.

“Mega house” МЧЖ корхонаси иш бошлаганига ўн бир йил бўлди. Мустақиллик яратиб берган имкониятлар ва жамоа аъзоларининг қатъий ниятлари туфайли уларни қўшни давлатдагилар ҳам яхши билишади, соҳадаги янгилар юзасидан фикр алмашиб, ҳамкорлик қилиб туришади. Яқинда корхона раҳбари яна бир муҳим ишга қўл урди: Туркия давлатининг “AKSA ENERGY” компанияси билан ҳамкорликда вилоятдаги “Работ Қалмоқ” МФЙ ҳудудида газ поршенли электр станцияси қурилишини бошлаб юборди. Мазкур объектдаги ишларнинг жадаллик билан бораётганига қараганда яқин орада у фойдаланишга топширилади. Фатхулла Муродов, Ўткир Собиров, Фарҳод Убайдуллаев, Сабри Фармонов, Дилноза Қосимова, Чори Одилов, Саид Ғайбуллаев, Собир Тоиров каби ишчи-хизматчилар жамоанинг фахри, улар ҳар ишда барчага ибрат кўрсатишяпти.



Бухоро шаҳрида бунёд этилаётган Байдарка ва эшкак эшиш мажмуаси, 4-умумтаълим мактаби, шаҳар марказидаги етти қаватли уй-жой қурилишида ишлар қизғин паллага кирган. Мазкур объектлар республика мустақиллигининг 30 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилиши керак. Бу жойдаги бунёдкорлик ишларини ўз зиммасига олган “Пешку транс қурилиш” МЧЖ раҳбари Санжарбек Абдуллаевни учратиб, у киши билан ҳамсухбат бўлиш осон кечмади. Ҳали фалон материал кечикяпти, деб керакли жойга ўзи югурган, бир қарасангиз, ишчилар қаватига кириб қандайдир юмушларни бажарган, қисқаси, бошлиқдан тортиб 150 нафардан ортиқ ишчи-хизматчиларнинг бирортаси бўш турганини кўрмайсиз. Замонавий техникаларнинг бир маромда ишлаши бунёдкорлар юмушини енгиллатиб турибди.



Изланган имконини топаркан ёхуд “Пешку транс қурилиш” МЧЖ фаолиятига бир назар

– Давлатимизда тадбиркор ва ишбилармонларга яратилган имкониятлардан фойдаланиб мен ҳам саккиз йил аввал ўз жамиятимни тузишга қарор қилгандим. Зарур ҳужжатларни тайёрлаб, тегишли мутасаддиларга учраганимда улар қўллаб-қувватлашди. Рўзгордан орттириб тўплаган маблағим билан тендерларда иштирок эта бошладим. Дастлабки

чорлайди. Ана шу талабларни ўзига дастуриламал қилиб олганларгина ҳеч қачон ютқазмаган. Акс ҳолда, “мендан кетгунича, эгасига етгунича” қабилида фаолият юритиб, иш жараёнида бир сўмни яширса, кези келганда, миллионларни йўқотиши мумкинлигини жамият раҳбари яхши билгани учун ҳам бугунги кунда ҳар томонлама юксалиб бормоқда.

боришар, уларни ўз вақтида раҳбарга етказишарди. Мана шуларни ҳисобга олган раҳбар ташкилоти негизида бетон ҳамда плиталар, замонавий эшик-ромлар, цемент ишлаб чиқариш цехларини қуриб ишга туширди. Бугунги кунда цехларда тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар жамоа қураётган уй-жойлар ҳамда маъмурий биноларни тиклашда асқатяпти. Эндиликда турдош корхоналардан ҳам буюртмалар тушаётгани цехларнинг ўз-ўзини иқтисодий қоплаши баробарида яхшигина фойда келтиришга ҳам имкон берапти.

Ўтган саккиз йил оралиғида Бухоро туманида қад ростлаган беш қаватли турар жой, Вобкент туманида қурилган, ҳар томонлама талаб даражасидаги деҳқон бозори, шаҳардаги марказий терапия бўлими, 4-сонли умумтаълим мактабининг реконструкцияси, Пешку туманида субсидия бўйича бунёд қилинган беш қаватли турар жой биноси, Бухоро шаҳрида реновация дастури бўйича қурилган етти қаватли уй-жой, Бухоро шаҳар Архитектура ва қурилиш коллежининг реконструкцияси, Когон шаҳрида 4 ҳамда 7 қаватли бинолар ва бошқа яна кўплаб объектларда сарфланган материалларнинг 80 фоизи корхонанинг ўзида тайёрланаётган маҳсулотлар ҳисобига



қад ростлаган. Бугунги кунда мана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида жамият ҳар томонлама иқтисодий барқарорликка эришган. Жамоа аъзолари доимий равишда моддий ва маънавий қўллаанаётгани иш унумдорлигини оширишда муҳим туртки бўляпти.

Тадбиркор қурувчининг яна бир ишини айтиб ўтиш лозим. Аксарият кўп қаватли уйларни тиклаш жараёнида коммуника-

ция ишлари охиригача етказилмаётгани эътиборини тортади. Айниқса, лифтлар ўз вақтида фойдаланишга топширилмаётгани ана шу уйларда яшовчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганди. Мана, бир йилдирки, унинг ташаббуси билан вилоятда бу муаммага чек қўйилди. Жамият таркибида лифтни йиғиш цехи ишга туширилди. Эндиликда турдош корхоналар ҳам мазкур цехда тайёрланаётган маҳсулотдан манфаатдор бўлишяпти. Изланувчан тадбиркорнинг келгусидаги мақсадлари янада улғу – қурилиш маҳсулотлари тайёрлаш корхоналари сонини кўпайтириб, ҳам ўзига, ҳам бошқаларга наф келтиришга аҳд қилган.

Эл-юрт хизматида камарбаста бўлганларнинг орзу-истаклари эса ҳеч қачон ерда қолмаган. Буни давлатимизда ўтказилаётган узлуксиз ислохотлар жараёнида барчамиз яққол кўриб турибмиз.



ишимиз намунали уй-жойлар қуришдан бошланди. Ростини айтиш керак, мана шу кезлари қурилиш материаллари бўйича анча қийинчиликлар бўлгани сабабли харажатларимиз белгиланганидан ортиб кетганди. Бу эса кейинчалик қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган цехлар қуришимизни ва шу йўл билан ортиқча харажатларга барҳам бериб, даромадни кўпайтиришга ундади, – деди Санжарбек Абдуллаев.

Ўйлаб қаралса, ишбилармон қурувчи тўғри гапни айтди. Иморат тиклаган ҳар қандай киши ҳам қурувчи бўла олмайди. Бу соҳа ўта мураккаб, серташвиш ва катта масъулият талаб қилиши баробарида, тинимсиз тадбиркорликни ривожлантиришга

Жамоа вилоятнинг қайси ҳудудига бунёдкорлик ишларини бажарса, ўша объектда дуч келган муаммоларни иш юритувчилар алоҳида дафтарга қайд этиб, сарфланган ортиқча харажатлар қайси материаллар ҳисобидан эканини белгилаб





«Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК ва унинг филиаллари жамоалари



Улкан бунёдкорлик йўлида жавлон уриб ишлаётган қадрли ҳамкасблар!

Ҳаммангизни касб байрами билан табриклаймиз.

Юртимиз жамолини гўзаллаштиришдан асло чарчаманг.

Озод ва обод юртимизда меҳнат қилаётган заҳматкаш қурувчилар, меъморлар
ва қурилиш соҳасидаги барча ишчи-хизматчиларнинг касбий фаолиятига омад,
ўзларига саломатлик тилаймиз.

Ҳамиша эл корига яраб, халқнинг дуосига сазовор бўлинг!

Жиззахликларнинг архитектор опаси

Самарқанд шаҳрида, архитектура соҳасида ўқиб юрган кезлари Мавзудахон Бўронова Жиззах вилояти тўғрисида деярли ҳеч нарса билмасди. Тўғри, шу ҳудудлик бирга ўқиётган курсдошлари ўзлари яшаётган туманлар ҳақида сўзлаб беришганда, у қақраган чўлнинг қайноқ тафти-ю, шароитларини кўз олдига келтириб, “жуда қийин бўлса керак, одамлар қандай чидаётган экан” деган фикрни хаёлидан ўтказаётганда вақти келиб ўзи ҳам тасаввурига сиғдира олмаган мана шу вилоятда ишлаб, умргузаронлик қилишини ҳеч ҳам ўйламаганди. Аммо инсон тақдирида битилганидан қочиб қутулолмас экан. Институтни тугатиш арафасида Мавзудахон ва турмушдошига Жиззах вилоятига йўлланма берилади.

Вилоят лойиҳа ташкилоти ўша кезларда ёш мутахассисларга катта эҳтиёж сезарди. Бир муддат билимларини синаб кўришгач, етакчи архитектор лавозимига тайинлашди, кичикроқ бўлса ҳам уй-жой билан таъминланди. Ёзининг жазирама иссиғи-ю қишнинг ўзига хос совуғига қарамасдан туманлардан тушаётган буюртмалар бўйича жойига чиқиб, қурилиши режалаштирилган жойнинг ҳолатини мукамал ўрганиб, сўнгра лойиҳалаштириш ишларига киришишни одатга айлантirdи. Соҳадоллари унинг бундай ҳаракатини қўлламас ва ҳам у ўз ихтиёридан қайтмади. Мана шунга ҳам қирқ йилдан ошган бўлса-да, ана шу одатининг самарасини ўша кезларда бунёд қилинган кўп қаватли уйлар, маъмурий биноларда кўриш мумкин. Улар ташқи қиёфасини бироз йўқотган бўлса ҳам, аммо мустаҳкам ва иқлим шароитига мослаштирилгани билан вилоят маркази ва туманларга ҳануз ўзига хос кўрк бериб туради.

Йиллар ва йўллар опани турли синовлардан ўтказди. Уларнинг бирига қўл силтаб қўйди, бошқасини меҳнат билан енгди. Шундай пайтда ён-атрофидагилар қаватида туриб, муаммоларини бартараф қилишда кўмаклашишди. Мана шунинг учун ҳам меҳрли халқнинг қилган яхшиликлари уни Самарқандга қайтиш ниятидан қайтариб, том маънодаги Жиззах фарзандига айлантirdи. Кўп қаватли бинолар ва бошқа иморатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида бир хилликдан воз кечиш ташаббуси билан чиққанида кўпчилик, ҳатто республика доирасида ҳам унга қарши чиқишган даврлар бўлди. Изланувчан ва тадбиркор лойиҳачи ташаббуслари вақти келиб рўёбга чиқишига ишонгани учун ҳам турли хил лойиҳаларни тай-

ёрлар, уларни телевизорда кўрганлари ва журналлардагилар билан таққосларди.

Мустақиллик йилларига келиб, юртимизда тадбиркор-



лойиҳа” МЧЖ ташкилотига асос солди. Ўн олти йилдирки, вилоят ва республикамизда бу жамоани танимаган бунёдкор бўлмаса керак. Чунки шу жамоа лойиҳачилари қўлида сайқал топаётган ўнлаб чизмалар асосида кўпгина туман ва шаҳарлар, вилоятларда бир-бирига ўхшамаган кўркем иншоотлар қад ростламоқда.

сафари чоғида бошқа соҳалар қатори қурилиши мўлжалланган янги лойиҳалар билан танишаркан, 80 миллиард сўм маблағ ҳисобига тўрт қаватли шаҳар тиббиёт бирлашмасининг лойиҳасига алоҳида тўхталиб, уни етти қаватли қилиб қайта тайёрлаш таклифини беради ва бунинг учун нималарга аҳамият қаратиш лозимлигини опага

100 ўринли кардиология маркази ҳам шу архитектор опанинг меҳнати самарасидир.

Кейинги тўрт йилда бошқа соҳалар қатори бунёдкорлик ва қурилишларга давлат томонидан берилаётган эътибор ҳамда имкониятлар опа бошчилигидаги жамоа аъзолари фаолиятини ҳам янгича йўналишда изланишлар қилишга интилитиряпти. Уларнинг бу йўлдаги ташаббуслари, буюртмалар янада кўпайишига имкон яратмоқда. Ўтган даврда жамоа тайёрлаган замонавий лойиҳалар бўйича Пахтакор туманида беш қаватли уй-жойлар, иккита МТТ, шаҳардаги Ором массивида 4 та беш қаватли турар жой, Зомин ва Дўстлик туманларида жаҳон стандартлари даражасидаги икки қаватли ёпиқ бассейн ҳамда болалар боғчаси, Дўстлик туманидаги 630 ўринли умумтаълим мактаби кабиларнинг лойиҳалари тайёрланган.

Эътироф этиш лозим, ҳар томонлама шароитлари қилинган ёпиқ турдаги икки қаватли бассейн лойиҳаси нафақат юртимизда, балки ён-атрофдаги давлатларда ҳам ҳозирча тайёрланган эмас. Мавзудахоннинг мана шу лойиҳасига айна пайтда яна бешта вилоятдан буюртмалар тушган ва у ерларда қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Яхши меҳнат қилган, мароқли ҳордиқ чиқаришни ҳам билиши керак. Жамоа раҳбари бу масалага жиддий эътибор қаратяпти. Шу кунларда вилоятдаги энг баҳаво жойлардан бири – Бахмал туманидан олти гектар ер олиб, дам олиш маскани бунёд этилмоқда. Сарф-харажатларнинг барчаси жамоа ишлаб топган фойдаси ҳисобидан қопланапти. Мавзудахон Бўронова лойиҳачиликда ўзига хос мактаб яратганлардан бир. У кишига шогирд тушган ёшлардан ўн нафари ҳозирги кунда ўзлари мустақил иш юритяпти, бир-бирдан кўркем замонавий лойиҳаларни яратиб устозлари билан рақобатлашаётганлари ҳам бор.



Ўтган даврда жамоа тайёрлаган замонавий лойиҳалар бўйича Пахтакор туманида беш қаватли уй-жойлар, иккита МТТ, шаҳардаги Ором массивида 4 та беш қаватли турар жой, Зомин ва Дўстлик туманларида жаҳон стандартлари даражасидаги икки қаватли ёпиқ бассейн ҳамда болалар боғчаси, Дўстлик туманидаги 630 ўринли умумтаълим мактаби кабиларнинг лойиҳалари тайёрланган.

ликни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилди. Ана шу имкониятлардан фойдаланган Мавзуда Бўронова ҳам йиллар давомида тўплаган тажрибасига таяниб, “Жиззах тадқиқот

Бир воқеа опанинг интилишларига доимо туртки бериб туради, ўз устида янада кўп изланиб, замонавий иншоотлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича масъулиятини оширди. Ислохотлар ташаббускори вилоятга қилган

айтади. Давлат раҳбарининг таклифлари ва Мавзудахоннинг лойиҳачиликдаги ишбилармонлиги самараси туфайли вилоят марказида етти қаватли бирлашма қад ростлаб, элга хизмат кўрсатяпти. Шунингдек,

“Агро стандарт” МЧЖ жамоаси қураётган иморатлар ривожланган давлатлардагидан фарқ қилмайди

Бунёдкорлик соҳасида бир-бирига ўхшамаган иморатларни қуриб, республикада танилган Гарник Бадалянни ҳеч ким арман фарзанди деб ўйламайди. У Озарбайжон Республикасида туғилиб, ёшлиги Жиззах шаҳрида ўтган.



Ҳамиша маҳалладошлари орасида юргани сабабли ўзбек тилини мукамал ўрганиш унга муаммо бўлмади. Мактабни тугатгач, Тошкентга келиб қурилиш соҳасида олий ўқув юртини тугатди. Танлаган касбига меҳр қўйгани учун ҳам ўқши жараёнида дарслардан ташқари кутубхоналарда соҳага дахлдор нимаики бўлса, эринмасдан ўқиб-ўрганди. Талабанинг иқтидорини сезган институт раҳбарияти битирув арафасида уни чақириб, шу жойда ишда қолишни таклиф қилди. Шунда у бир даврада синфдошлари билан бўлган суҳбатни эслади. Ушанда мактабдан кейин ҳеч жойда ўқий олмаган тенгдоши:

– Қурувчилик соҳаси бўйича олий ўқув юртига ўқишга жуда қизиқардим, келажақда шаҳримизда чиройли мактаб ва боғчалар баланд-баланд иморатлар қуриш орзуим эди, аммо оилавий шароитларим бунга имкон бермади. Лекин Гарникжон сен ўқияпсан-ку, уларни уддалашинга ишонамиз, – деганди.

– Аввал битириб олай, кейин албатта ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан, – дея қулиб қўйганди ўшанда. Ана шу суҳбат кўз олдига келиб:

– Таклиф учун ташаккур, аммо менинг иш жойим Жиззахда бўлиши керак, – деди у ўқув ишлари бўйича проректорга.

Ана шу суҳбатдан сўнг, уни бошқа безовта қилишмади.

Соҳада катта тажриба тўплаган тадбиркор ўтган йиллар оралиғида ўттизга яқин турли хилдаги замон талабига жавоб берадиган иморатларни қуриб, вилоят халқига инъом этди. Улар орасида шаҳар марказида жойлашган 14 та кўп қаватли турар жойлар, М. Улуғбек маҳалласида қад ростлаган беш қаватли мактаб, Зомин туманида учта олти қаватли, Фориш туманида битта етти қаватли уй-жойлар, шаҳардаги бир қаватли Меҳрибонлик уйи, Олмазор маҳалласидаги тўққиз қаватли бино, “Иттифоқ” МФЙда олти қаватли иморат – бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Жиззахга қайтгач, фаолиятини қурилиш ташкилотларидан бирида оддий ишчиликдан бошлади. Олий маълумотли, ёш мутахассиснинг оддий ишларни бажариб юрганини кўришганда устидан кулганлар ҳам бўлди. Бироқ у парво қилмасдан ўз вазифасини бажариш жараёнида бир хилда тайёрланган ва кўплаб объектларда қўлланилаётган лойиҳаларни синчиклаб ўрганишни қанда қилмади, камчиликларини топганда вақти келиб панд беришни рўй-рост муҳандисларга айтиб, уларга ўзгартириш киритиш лозимлиги бўйича таклифлар берди. Зеҳни ўткир, иқтидорли мутахассис ҳар жойда зарур. Гарник Бадалян ёш бўлса ҳам яхши мутахассислиги учун тез орада вилоят қурувчилари назарига тушди. Кўп йиллар туман ва шаҳарлардаги қурилишларда ишлаб тажрибасини янада бойитди.



Лекин синфдошлари қайта-қайта ўқтирган ва ўзининг ҳам дил тубида сақлаб келаётган орзуларини рўёбга чиқариш имконини тополмаётганди. Мустақиллик унинг ишлари юришишига, ўзи севган касби орқали мустақил фаолиятини бошлаб, чин юракдан халққа хизмат кўрсатиш имкониятларини яратди. Ҳеч ёдидан чиқмайди, кечки пайт телевизордан республикада бўлаётган янгиликларни кўраётган, суҳандоннинг қурилиш соҳасини ривожлантиришга оид ҳукумат қарорини ўқиётганини эшитиб қолди.

– Мана шу ҳужжат фаолиятимни бошлашимга оқ йўл бўлди, – деди у уйдагиларига қувончини яширолмай.

Орадан кўп ўтмасдан зарур ҳужжатларни тайёрлагач, “Агро стандарт плюс” МЧЖни ташкил этди. Соҳада катта тажриба тўплаган тадбиркор ўтган йиллар оралиғида ўттизга яқин турли хилдаги замон талабига жавоб берадиган иморатларни қуриб, вилоят халқига инъом этди. Улар орасида шаҳар марказида жойлашган 14 та кўп қаватли турар жойлар, М. Улуғбек маҳалласида қад ростлаган беш қа-

ватли мактаб, Зомин туманида учта олти қаватли, Фориш туманида битта етти қаватли уй-жойлар, шаҳардаги бир қаватли Меҳрибонлик уйи, Олмазор маҳалласидаги тўққиз қаватли бино, “Иттифоқ” МФЙда олти қаватли иморат – бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Бугун ана шу биноларнинг кўпларида йиллар давомида уй-жойга муҳтож кишилар яшаётган бўлса, жамоанинг меҳнатлари билан ҳар жиҳатдан талаб даражасида тикланган мактаб ва болалар боғчаларида баркамол авлод таълим-тарбия оляпти.

Тадбиркор қурилиш соҳасида янгиликлар яратиш, мустақам иморатлар қуриш бўйича изланишлар қилиш баробарида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган кишиларга ҳам ҳомийлик қилади. Вақт топиб, уларнинг хонадонларига боради, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни қанда қилмайди.

Жамоада ҳам худди шундай муҳит яратилиб, 200 нафардан ортиқ доимий ишловчиларнинг ижтимоий муҳофазаси таъминланган, меҳнат таътилларида саломатликларини тиклаш учун сиҳатгоҳларга йўлланмалар олиб берилади, уларнинг таъмирлаш, тўй ва бошқа тадбирларда моддий қўллаб-қувватланади. Бунёдкорлар мана шундай раҳбар бошчилигидаги ташкилотда меҳнат қилиб, касбли бўлгани ва рўзғор теб-ратаётганидан миннатдор. Рағбат бор жойда, иш унуми ҳам юқори бўлади. Шу сабабли “стандартчилар” бугундан кўра, эртаминг янада фаровон бўлади деган ниятда тунни кунга улаб ишлашяпти.

Онасидан ўрганганлари фаолиятида асқатяпти

Жиззахлик Гулнорахон Юлдашевани нафақат вилоятда, балки республикамизда фаолият кўрсатаётган барча қурувчилар яхши билишарди. Чунки бу олижаноб инсон умрининг қирқ йилдан ортиғини бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига, аниқроғи, мана шу соҳанинг энг оғир бўғини – лойиҳа санъатининг нозик ҳамда мукамал қирраларини яратиб, улар асосида халққа манфаат келтирадиган иншоотларни қуришга бағишлади.



Ўтган йилларда жамоа тайёрлаган лойиҳалар асосида Зомин туманидаги 60-сонли умумтаълим мактабининг реконструкцияси, шу ҳудудда жойлашган болалар оромгоҳининг тўлиқ қурилиши ва спорт майдони, бассейн, Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида жойлашган Ибн Сино номли сиҳатгоҳнинг беш қаватли янги даволаш биноси, замонавий типдаги ошхона "Азиза лойиҳа" МЧЖ лойиҳачиларининг меҳнатлари ҳисобига қад ростлади.

Ўз даврида Гулнора опанинг қўлида сайқал топган ўнлаб лойиҳалар собиқ иттифоқ даврида муносиб баҳоланганини ҳали-ҳануз кўпчилик эътироф этади. Шу билан бирга лойиҳаларнинг айримларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш аввалида тортишувлар, кези келганда, сунъий тўсиқлар ҳам бўлган. Бироқ ўз соҳасини мукамал билган лойиҳачи бундай баҳсли кезларда ҳам ўз сўзини айта олган.

Мустақиллик барча фуқароларимиз қаторида Гулнора опага ҳам ўз бағрини очиб, азалий орзуларини рўёбга чиқариш имконини яратиб берди. Утиш даврининг айрим инжиқликларига қарамай, иккиланмасдан ўз соҳаси бўйича "Азиза лойиҳа" МЧЖга асос солди. Вилоятдаги хотин-қизлар орасида биринчилардан бўлиб бундай ишга қўл ургани кўплар учун ибрат эди. Қийинчиликларга қарамасдан изланиб турли кўринишдаги лойиҳаларни ярата бошлади. Буюртмачилар ҳам шунга лойиқ эди. Айтиш жоизки, опанинг қўлида сайқал топган лойиҳалар асосида бунёд этилган турли иншоотлар бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ, уларни республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларида учратиш мумкин. Аммо бу дунёнинг ўлчамларидан четга чиқиб бўлмас экан, ҳаёт қонуни шундай, кимдир келади, бошқаси эса кетади. Яхши инсондан фақат яхшиликлар қолса, уни бошқаси давом эттираркан.

Гулнора опа ташкил этган лойиҳа ташкилотини бугун у кишининг ёлғиз ёдгори – Азизахон бошқармоқда. Жиззах политехника институтининг қурилиш факультетиде таҳсил

олиш жараёнида бўш вақти бўлиши билан онасининг ёнига келиб лойиҳачиликнинг мукамал жараёнларини ўрганишга, тушунмаганларини жамоадаги лойиҳачилардан сўраб билишдан орланмади. Бугун эса у жамоа билан бирга тайёрлаётган турли кўринишдаги замонавий лойиҳаларга буюртмачилар томонидан тобора талаб ортаётганига етарлича шароитлар яратиб кетган онасидан миннатдор.

Бир неча йилдирки, у 28 нафар кишини қаватига олиб, жамиятни бошқаряпти. Давлатимизнинг ёшларга яратиб бераётган имкониятларига жавобан лойиҳачилик соҳасида йил сайин янги ва мукамал, ҳар то-

монлама минтақамиз шароитларига мос лойиҳалар мана шу жойда шакллантириляпти, дейиш мумкин. Ўтган йилларда жамоа тайёрлаган лойиҳалар асосида Зомин туманидаги 60-сонли умумтаълим мактабининг реконструкцияси, шу ҳудудда жойлашган болалар оромгоҳининг тўлиқ қурилиши ва спорт майдони, бассейн, Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида жойлашган Ибн Сино номли сиҳатгоҳнинг беш қаватли янги даволаш биноси, замонавий типдаги ошхона "Азиза лойиҳа" МЧЖ лойиҳачиларининг меҳнатлари ҳисобига қад ростлади.

Қилинаётган меҳнат ўз вақтида қадрланиб, рағбат

топса, ишга муносабат ҳам шунга лойиқ бўларкан. Жамият раҳбари бу жиҳатга жиддий эътибор қаратгани боис лойиҳачилар доимо изланишлар қилиб, турдош корхоналар ўртасидаги рақобатда олдинги сафларда боришмоқда. Бунинг натижасини буюртмачилар мисолида кўриш мумкин. Ўтган икки йил оралиғида ҳудуддаги талабгорлар қаторида қўшни вилоятдагилардан ҳам буюртмалар тушяпти. Масалан, Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида жамоа тайёрлаб берган лойиҳа-

га кўра, 660 ўринли, Сирдарё ва Ховос туманларида 540 ўринли мактаблар, Боёвут ҳамда Ширин шаҳрида 315 ўринли болалар боғчалари шулар жумласидандир.

Шунингдек, айти пайтда Фарғона вилоятининг Фарғона туманида 120 ўринли МТТ, пойтахт вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида Республика футбол ассоциациясининг буюртмасига кўра комплекс қурилиш лойиҳаси, Жиззах шаҳридаги мономарказ реконструкцияси бўйича ишлар қизғин паллага кирган. Булардан ташқари, Жиззах шаҳри ИИБ ЙҲХБ ходимлари учун янги бино, вилоят прокуратураси қошидаги департамент биносининг реконструкцияси ва ошхона қурилиши, Пахтакор ҳамда Мирзачўл туманларидаги кўп қаватли турар жойларни тўлиқ таъмирлашга йўналтирилган лойиҳалар ҳам мана шу жамоанинг хизматлари самарасидир. Уларни тайёрлашда Денис Баум, Викрам Тўқсонов, Жаҳонгир Ҳайдаров, Алишер Каримов, Бекзод Бердиқулов, Зарина Носирова сингари ходимларнинг қўшаётган ҳиссаларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жамият раҳбари Азизахон Юлдашеванинг эътироф этишича, ютуқларга эришишнинг асосий омили давлат томонидан лойиҳачиларга яратилаётган зарур шароитлар баробарида, ходимлар бажараётган ишлари билан кифояланмай, доимо изланиш ва ташаббуслар қилишаётганидир.



Уларнинг лойиҳалари буюртмачиларга маъқул

Кейинги йилларда юртимизда ўтказилаётган изчил ислоҳотларнинг энг серҳаракатли ҳудуди қаерда деб сўрашса, албатта, Жиззах вилоятини бориб кўришни айтган бўлардик. Чунки энди бу вилоят маркази ҳам, у қамраб олган барча туман ва шаҳарлар ҳам ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнаган.

Авваллари Жиззах деганларида шууримизда қақраб ётган чўлу бепоён пахта далалари гавдалангани бор гап. Ёши улуглар яхши эслашади, вилоят бир даврлар Самарқанд вилоятидан мустақил ажралиб чиққан. Кейинчалик Сирдарё вилояти билан ҳам бир муддат бирлаштирилганди. Ўша йиллари фақат пахта хомашёсига эътибор қаратган раҳбарлар шундай катта, салоҳиятли, фуқаролари меҳнаткаш ва ишбилармонлигига эътибор қаратишмади. Вилоят номи ўзгаргани билан ишлаб чиқариш кўлами эски ҳолича бўлиб қолаверганди.

Ниҳоят, вилоят аҳолисининг ҳам йиллар давомидаги орзу-армонлари бугунги кунда уларнинг меҳнати-ю ишбилармонлиги билан юзага чиқмоқда. Ҳозирги кунда вилоят марказидан бошланган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари ҳар бир туман ҳамда шаҳарларда давом этапти. Тўғриси айтганда, битта кўчадан ўн беш кун аввал ўтган киши яна қайтиб шу жойга келиб қолса, турган жойини танимаслиги мумкин. Бу, муболаға эмас, балки борнинг борлиғича таърифи.

Вилоятда амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Давлатимиз яратиб берган имкониятлардан келиб чиқиб, фуқаролар барча соҳаларда ўз ишбилармонлиги ва ташаббускорлигини кўрсатишпти. Ширкат хўжаликлари негизда фермерлар ташкил қилингандан сўнг, у жойлардан бўшаб қолган ишчи-хизматчиларни замонавий касбларга ихтисослаштиришга алоҳида эътибор қаратилганининг ҳосиласи бугунги кундаги бунёдкорлик ишларида яққол кўзга ташланапти. Авваллари уйи-ю пахта даласидан бошқасини тасаввурга сиғдирмаган минглаб кишилар, энди қурувчи, чилангар, муҳандис... Улар келажак янада фаровон бўлиши учун мақсад сари интилишмоқда.

“Гранд Супер Проект” МЧЖ раҳбари Исқандар Джурабоев ҳам ёшлигидан даланинг оғир ва машаққатли меҳнатини татиганлардан бири. Кўримсиз дала шийпони-ю паҳса деворлардан кўтарилган уйлар ўша даврдаёқ лойиҳачи-муҳандис бўлишни қалбига жойлаганди. Шу касбга муносиб бўлиш ва бунинг учун қайси фанларни пухта эгаллашни устози, ўз даврининг мукамал архитек-

тори отасидан маслаҳат сўраб, у кишининг айтганларига амал қилди. Мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмасдан Жиззах политехника институтининг қурилиш факультетига ҳужжат топширди. Пухта тайёргарлик кўргани туфайли ўша йилиёқ талабаликка қабул қилинди. Ўзи қизиққан соҳани яхши ўзлаштириш йўлида дастлабки курсданок изланди, профессор-ўқитувчиларнинг тавсияларига амал қилди. Талабалик даврида ўзи тайёрлаган бир нечта лойиҳалари билан вилоят ва республика танловларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллади. Вақт ҳакам экан, талабалик ортда қолиб бир муддат қурилиш ва лойиҳа ташкилотларида меҳнат қилиб тажриба тўплади.

2016 йили Исқандар Джурабоев учун унутилмас сана бўлиб қолди. Оз бўлса-да, тўплаган жамғармаси ҳисобига жамият тузди. Касбдошлари “Бир ўйлаб кўринг, қийинчиликлар уммонига ўзингизни уряпсиз”, деганига қарамай, ортга қайтмади. Неки муаммога дуч



Вақт ҳакам экан, бугун вилоятдаги олтмишга яқин лойиҳа ташкилотлари орасида мазкур жамиятнинг ўз ўрни бор. Бундай даражага эришишда жамоанинг замонавий ва сифатли қилиб тайёрлаётган лойиҳалари асқатяпти. Ўтган даврда улар яратган лойиҳалар асосида Жиззах шаҳрида ўндан ортиқ МТТ, Олмазор ва Мустақиллик кўчасида кўп қаватли турар жойлар, Жиззахлик маҳалласида етти қаватли уй-жой ҳамда савдо, маиший хизмат объектлари, Ғаллаорол туманида беш қаватли бинолар, Дўстлик ва Фориш туманларида ИИБ ходимлари учун кўп қаватли уй-жойлар, шунингдек, Ислон Каримов, Обод, Наврўз маҳаллаларидаги кўп қаватли маиший хизмат кўрсатиш бинолари бунёд этилди.



келса, падарибузрукворидан маслаҳатлар олиб турди. Ўзи сингари ёш лойиҳачиларни қаватига тўплаб, жамоани шакллантирди, уларга зарур шароитларни яратиб берди.

Вақт ҳакам экан, бугун вилоятдаги олтмишга яқин лойиҳа ташкилотлари орасида мазкур жамиятнинг ўз ўрни бор.

Бундай даражага эришишда жамоанинг замонавий ва сифатли қилиб тайёрлаётган лойиҳалари асқатмоқда. Ўтган даврда улар яратган лойиҳалар асосида Жиззах шаҳрида ўндан ортиқ МТТ, Олмазор ва Мустақиллик кўчасида кўп қаватли турар жойлар, Жиззахлик маҳалласида етти қаватли уй-

жой ҳамда савдо, маиший хизмат объектлари, Ғаллаорол туманида беш қаватли бинолар, Дўстлик ва Фориш туманларида ИИБ ходимлари учун кўп қаватли уй-жойлар, шунингдек, Ислон Каримов, Обод, Наврўз маҳаллаларидаги кўп қаватли маиший хизмат кўрсатиш бинолари бунёд этилди.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида ҳам ушбу жамоа фаол қатнашяпти. Чунончи, тажрибали мутахассислар тайёрлаган лойиҳалар бўйича Зафаробод туманидаги “Чимқўрғон” ҳамда “Нурафшон” МФЙларида замонавий гузар ва бинолар қуриб берилди. Шу кунларда ҳам ушбу жамиятда ишлар қизигандан-қизиган. Шаҳардаги Зилола маҳалласида бешта замонавий беш қаватли бинолар жамоа ишлаб чиққан лойиҳалар бўйича қад ростламоқда. Уларнинг иккитаси мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрами арафасида эгаларига топширилиши керак. Саъй-ҳаракатларнинг барчаси ана шу ниятнинг рўёб топишига қаратилган.

Ростини айтганда, “Гранд Супер Проект” МЧЖ жамоасига назар солган киши уларнинг яна бир хислатига қўйил қолади. Гап шундаки, лойиҳачилар ўзлари яратган маҳсулотлари билан кифояланиб қолмасдан барча объектларга бориб буюртмачилар бажараётган ҳар бир ишни лойиҳа бўйича бажарилишини назоратга олишган. Шу кунгача бу борада бирорта қурилишда муаммолар бўлмагани эса жамоанинг энг катта ютуқларидан биридир.

Касби уни юртга танитди

Жиззах шаҳрида ҳозирги кунда 65 нафар турли ёшдаги Султон исмли кишилар яшайди. Бироқ лойиҳачи Султон ака, дейишса, нафақат шаҳарликлар, балки туманлардагиларнинг аксарияти ҳам яхши танишади. Бунинг боиси ўз даврида у киши юзлаб иморатларнинг қурилиш лойиҳаларини тайёрлаган тажрибали мутахассис эканлигидир. Улар асосида бунёд қилинган иморатлар орадан неча йиллар ўтган бўлса ҳам гўзаллиги ва кўркини йўқотган эмас. Фидойи инсон бир-биридан чиройли қурилишларга асос солиш қаторида фарзандларининг рисоладагидек камол топишига ҳам жиддий аҳамият қаратди.



Халқимизда “Бола бошидан”, деган нақл бор. Султон ака Искандар ва Орифжон исмли ўғиллари бошқа фарзандларига нисбатан ёшлигидан турли кўринишдаги чизмаларни чизиб, бу борада баҳслашаётганларига бир неча бор гувоҳи бўлганди. Ўша вақтларда фарзандларининг чизганларига қўшимчалар киритиб, гўзаллаштирди ва бундай нарсаларни шакллантираётганда қайси жиҳатларга кўпроқ аҳамият қаратиш кераклигини доимо уқтириб борди. Йиллар ўтиб улар улғайишди. Кунларнинг бирида кечки овқатдан сўнг, Искандар яна бир ойдан кейин мактабдаги ўқиш тугаши ва Жиззах политехника институтининг қурилиш факультетига ҳужжат топшириш ниятида эканини айтади. Па-

дарибузруквори бироз сукутдан сўнг, “Касбимни танлаганингдан хурсандман, аввало мақсадинга эришгин, бироқ бу соҳа оғир-вазминлик, соатлаб, ҳатто ойлаб бир чизма устида бош қотиришни талаб қилади, шуларга чидармикансан?”, дейди.

– Айтганларингизнинг барчасини кечалари ҳам тиним билмай ишлаган вақтингизда кўриб, сабр-бардошимни чархлаб олганман, ўқиб, соҳани пухта ўзлаштиришга ҳаракат қиламан ва сизни уялтириб қўймайман, – деди у отасининг саволига жавобан.

Орифжон ҳам худди шу йўналиш бўйича ўқиб, дипломли бўлгач, шаҳардаги қурилиш ташкилотларидан бирида ишлаб олийгоҳда ўзлаштирганларини

ишлаб чиқаришда бойитиб борди. Шаҳар ва қишлоқлар кўрки-таровати, меъморларнинг билими-ю ташаббуси ҳамда изланишларига боғлиқ эканини иш жараёнида дилдан ҳис этди, уларни шуурда жойлашга ҳаракат қилди. Бу борада билмаганларини биринчи устози, яъни отасидан сўраб ўзлаштирди. Ҳеч вақт ўтмасдан у тайёрлаган лойиҳалар буюртмачилар назарига тушиб, талабгорлар ҳам шунга лойиқ бўлди. Серҳаракат меъмор лойиҳаларда иморатлардаги бошқаларнинг назари тушмаган асосларни қоғозларда акс эттириб, қурувчиларнинг меҳнатини енгиллаштирди.

Замонавий ва миллий меъморчиликни ривожлантириш бўйича давлатимизда шароитлар яратилгач, бу борадаги имкониятларни ҳисоб-китоб қилиб, 2014 йилда “Жиззах бунёдкор лойиҳа” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этишди. Ташкилот ўттиз нафар ижодкорлари билан дастлабки фаолиятини кичик қурилишлар, капитал ҳамда жорий таъмирлаш объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш билан бошлаганди. Вақт ўтиб, шаҳардаги энг забардаст ва тажрибали ходимлар тўпланган йирик лойиҳа ташкилотига айланди.

Кейинги йилларда ана шу корхонада ишловчилар қўлида сайқал топган лойиҳалар асосида вилоят миқёсида бир қанча иншоотлар бунёд этилди. Жиззах темир йўл ҳудудидаги Мирзо Улуғбек маҳалласининг эски иморатлари, кўримсиз кўчалари ва шунга ўхшаш бошқа объектлари билан замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб бермаётганди. Давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифидан бирида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шаҳар ҳамда туманларда кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича белгилаб берган вазифалари асосида мана шу ҳудудда ҳам қайта қурилишлар бошланди. Ўз вазифасини алақачонлар ўтаб бўлган пастқам иншоотлар ўрнида замонавий беш қаватли турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилиши шаҳарга янгича қиёфа бағишлаб, аҳолига қулай яшаш учун шароитлар яратилди.

Мазкур массивдаги турар жойларни лойиҳалаш, кўчаларни ободонлаштириш ишлари Орифжон Жўрабоев ташкил қилган ташкилотга топширилди ва у кутилганидан ҳам ортиқ қилиб бажарилди. Жамоа меъморлари бу ерда қу-

рилиш-монтаж ишлари қиймати 21 миллиард 639 миллион сўмга тенг бўлган 5 та 5 қаватли турар жойни шундай жойлаштиришдики, эндиликда улар узукка кўз қўйган мисоли барчанинг ҳавасини келтиради.

Лойиҳачиларнинг айнан мана шу объект бўйича қилган саъй-ҳаракатлари корхона фаолияти янада ривожланишига туртки бўлди. Шу туфайли кейинги даврда шаҳардаги вилоят қурилиш бош бошқармасининг беш қаватли маъмурий биноси, ўзи ўқиган Жиззах политехника институтининг минг ўринли ётоқхонаси, Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали бинолари ҳам жамоанинг изланиш ва ташаббуслари самарасидир. Шулар қаторида вилоятнинг кўплаб туманларида ҳам янги Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини кўрсатиб турган бинолар, турар жойлар, мактаб ва болалар боғчалари Орифжон Жўрабоев раҳбарлигидаги ижодкорлар томонидан яратилганини алоҳида эътироф этиш жоиздир.

Лойиҳачиларнинг муҳим бир хислатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар буюртмаларни бажаришга киришишдан олдин қурилиши мўлжалланган объектларга ўзлари бориб, тағжой ва ён-атрофдаги ер структурасини мукамал ўрганнади, камчиликлари бўлса, буюртмачи билан бамаслаҳат иш тутиб, тақлифларини айтишади. Жамоанинг бу тажрибаси айни пайтда қўллаб-қувватланди ва бошқа барча лойиҳа ташкилотларига ҳам татбиқ этилди.

Ушбу мақола аввалида Султон ака бошчилигидаги сулола тўғрисида бироз тўхталгандик. Айтиш лозимки, бугун том маънода мана шу оилани лойиҳачилар сулоласи, дейишга асос бор. Чунки хонадоннинг икки нафар фарзанди ўзларининг мустақил лойиҳа ташкилотини тузиб, ўтган даврда турли кўринишдаги жуда кўп иморатлар лойиҳасига асос яратган. Мустақиллик байрами арафасида эса уларнинг хизмати сингган ўндан ортиқ бинолар вилоят халқига байрам совғаси сифатида туҳфа қилинади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, Султон ака бошчилигидаги хонадонда вояга етган ва етаётган неварачеваралар кўп. Уларнинг аксарияти ҳозирданок боболари бошлаб берган касбни танлаб улгуришган. Демак, соф ниятли ёшлар келажакда вилоятни янада гуллаб-яшнашига, унинг салоҳиятини бугунгидан-да, юқори чўққиларга олиб чиқишига кафолат бор.

Замонавий ва миллий меъморчиликни ривожлантириш бўйича давлатимизда шароитлар яратилгач, бу борадаги имкониятларни ҳисоб-китоб қилиб, 2014 йилда “Жиззах бунёдкор лойиҳа” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этишди. Ташкилот ўттиз нафар ижодкорлари билан дастлабки фаолиятини кичик қурилишлар, капитал ҳамда жорий таъмирлаш объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш билан бошлаганди. Вақт ўтиб, шаҳардаги энг забардаст ва тажрибали ходимлар тўпланган йирик лойиҳа ташкилотига айланди.



Вурури баланд қурувчи аёл

Туни билан мижжа қоқмаган Ғаллаорол туманилик Замирахон Мустафоева ҳовлида ҳамма нарса саранжом-саришталигига қарамай вақт ўтиши ва ўзини бироз чалғитиш мақсадида тонг саҳардан куймаланиб юрар, бироқ кеча оқшомдан буён хаёлига келган фикрни унутолмади. Бунёдкорлик ва қурилиш соҳасида ўз тадбиркорлигини шакллантириш учун ҳазилакам югуриб-елмади, зарур ҳужжатларни тайёрлаб, тегишли ташкилотлар эшигидан кириб борганида уларнинг айримлари ҳар хил баҳонани рўқач қилишганида бунинг сабабини ҳам сизди. Аёл киши бўлгани учун бу соҳани эплай олмайди деб ўйлаганларини юз-кўзларидан англади. Бироқ у интилишдан қайтмади, ҳуқуқшуносларга ҳужжатларини таҳлил қилдириб, ўзи ҳам танлаган соҳасига йўналтирилган қонун-қоидаларни мукамал ўрганди.



Туни билан мижжа қоқмаганининг боиси ҳам мана шу объект эди. Кеча тушлиқдан сўнг иккита машинани Тошкент вилоятига, бетон қоришмасини олиб келишга юбориб, Оҳангарон туманидаги ҳамкорлик қилаётган ғишт заводига эса ўн мингта ғиштга буюртма берган ва ҳар иккаласига ҳам аввалдан пул кўчирганди. Бироқ на унисидан ва на бунисидан маҳсулот етиб келмади. Аксига олиб, бир неча бор телефон қилса ҳам жавоб бўлмади, ишчилар эса бекор туришибди, яна тўрт ойдан сўнг қурилиш топширилиши керак. Бу аҳволда...

Йўқ, Замирахон ўзини билгандан буён ҳали бирор ишни аро йўлда қолдирган эмас, ҳар қандай муаммога ечим топишга одатланган. Шу сабабли тонг ёришишини кутмай, тўғри объектга йўл олди. Хайриятки, шунча безовта бўлгани бекорга экан, қурувчилари тунда келтирилган ғиштни тушириб, бетон

қоришмасини ҳам зарур жойларга ишлатиб, энди нонуштага ўтиришган экан. Хомашёлар кечикиб келган бўлса-да, аммо шундай серҳаракат жамоаси борлигидан фахрланиб, кўнглига соя солган ғуборларини унутди. Дастлабки қурилиш жараёни билан боғлиқ воқеалар ортда қолганига кўп йиллар бўлди. Ана шу объектни тиклашдаги саъй-ҳаракатлар уни ишбилармон қурувчи, моҳир тадбиркор сифатида эл-юртга танитди.

Ўйлаб кўрса, фаолиятини бошлагандан буён вилоятдаги бир қанча иншоотларни бунёд этишда ўз ҳиссасини қўшиб, ҳам элга, ҳам ўзига наф келтириш баробарида юзлаб ишсиз кишиларни касбга йўналтириб, уларни қурувчи деган шарафли номни оқлашга эриштирибди. Барчаси тадбиркорнинг қаноти, ҳар ишда таянчию, суянчи. Ишчи-хизматчиларига етарлича шароитларни яратиб бергани учун ҳам Ғаллаорол туманида барпо этилган "Хотира ва қадрлаш" хиёбони, Жиззах шаҳридаги кинотеатр, М. Улуғбек маҳалласидаги етти қаватли уй-жой, Пахтакор туманида "Деҳқон бозори", Давлат хизматлари маркази, Жиззах шаҳридаги А. Навоий кўчасида қурилаётган 27 ва 30 хонадонли кўп қаватли уйлар, вилоят "Микрокредитбанк" биноси қурилиши, шаҳардаги 8-9 кўп қаватли турар жойлар, Арнасой туманида икки қаватли замонавий супермаркет қурилиши, дастур доирасида Ғаллаорол туманида Нуронийлар мажмуаси, булардан ташқари яна шунга ўхшаш ўнлаб иншоотлар шу жамоанинг ишчанлиги ва ўз устида изланишлари туфайли қад ростлади.

Улар бунёд этган хонадонларда яшаётган ҳамда замон талабларига жавоб берадиган биноларда ишлаётганлар шундай шароитларни элимизга тақдим қилган давлатимизга, имкониётдан фойдаланган кўли гул қурувчиларга тасаннолар айтишаётгани бунёдкорларга руҳий мадад бермайди, дейсизми? Шундай миннатдорликлар ташаббускор жамоага куч бағишлаб, ўз устларида изланишар қилишга ундаяпти. Бунёдкорлар иншоотларни тиклаш ва реконструкция қилиш баробарида таннархни камайтириш ҳамда даромад манбаини ошириш мақсадида корхонанинг ўзида қурилишбоп материаллар ишлаб чиқаришни ҳам эплашган. Айти пайтда шлакоблок, ҳар хил кесимдаги плиталар ўзларида тайёрланаётгани ортиқча чиқимларга барҳам бераётди. Жорий йил бошида лойиҳалаштирилган яна бир ҳаракат корхонага катта фойда келтириши аниқ. Қиймати 5 миллиард сўмга мўлжалланган бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводи қуришга киришилган, у ишга тушса, бошқа турдош корхоналару, аҳолига ҳам нафи тегади.

"Сарбозор қурилиш транс" МЧЖ жамоаси ҳамда унинг раҳбари юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига қўшаётган ҳиссалари тўғрисида кўп ва хўп ёзиш мумкин. Улар кўлида сайқал топаётган иншоотлардан бир нарсани англаб олса бўлади. Ватан тараққиёти йўлида фидойилик қилиш, унинг келажақ пойдеворини янада мустаҳкамлаш ва бу ҳаётдан рози бўлиб яшаш. Ана шу хислатларни қалбида жойлаганлар эса ҳеч бир даврда кам бўлмаган. Замира Мустафоева ҳам ҳалол меҳнатларию қурилиш соҳасидаги тадбиркорлиги билан эл-юрт ва давлатимиз раҳбарининг назарига тушган фидойи инсонлардан бири. У кишининг бу хизматлари муносиб тақдирланган. Президентимизнинг фармонида кўра, "Дўстлик" ордени соҳиби бўлгани кучига-куч қўшиб, изланишлар сари интилитирмоқда. Истиқлол берган истиқбол туфайли мана шундай хотин-қизларимиз сафи кун сайин ортаётгани эса барчамизнинг гуруримиздир.



Ниҳоят, мақсадига эришиб, "Сарбозор қурилиш транс" МЧЖга асос солди. Кўлда ҳужжат ва муҳр бўлгани билан ишлар ўз-ўзидан юришиб кетмаслиги, қолаверса, шунча ҳаракатдан сўнг ташкилотини оёққа турғазмаса, оғзига кучи етмаганлар нима дейишларини ҳам у яхши биларди. Шу сабабли энг аввало малакали мутахассисларни жамлади, имкон даражасида қурилишда зарур бўладиган воситаларни тайёрлади. Таваккал қилиб, Жиззах шаҳридаги Мустақиллик кўчасида қурилиши мўлжалланган қиймати 4,5 миллиард сўмлик тўрт қаватли турар жой биносини қуриш юзасидан ўтказилган тендерда қатнашди. Ҳеч ёдидан чиқмайди, тендер талабгорлари аёл киши ҳам шундай муҳим ишга талаб билан чиққанини кўриб, ҳайратланишди. Негаки, у кезларда вилоятдаги қурувчи ишбилармонлар орасида хотин-қизлар деярли йўқ эди. Шундай бўлса ҳам у тап тортмади.

Вақти келса кўришади, ҳали бу соҳада ўнлаб-юзлаб хотин-қизлар етишиб чиқиши ва улар мана шу кўкрак кериб турганлар билан рақобат бозорида беллашишини кўнглидан ўтказди. Ўша тендерда Замирахон ютиб чиқиб, объект қурилишини унга ишониб топширишди.



Ишчи-хизматчиларига етарлича шароитларни яратиб бергани учун ҳам Ғаллаорол туманида барпо этилган "Хотира ва қадрлаш" хиёбони, Жиззах шаҳридаги кинотеатр, М. Улуғбек маҳалласидаги етти қаватли уй-жой, Пахтакор туманида "Деҳқон бозори", Давлат хизматлари маркази, Жиззах шаҳридаги А. Навоий кўчасида қурилаётган 27 ва 30 хонадонли кўп қаватли уйлар, вилоят "Микрокредитбанк" биноси қурилиши, шаҳардаги 8-9 кўп қаватли турар жойлар, Арнасой туманида икки қаватли замонавий супермаркет қурилиши, дастур доирасида Ғаллаорол туманида Нуронийлар мажмуаси, булардан ташқари яна шунга ўхшаш ўнлаб иншоотлар шу жамоанинг ишчанлиги ва ўз устида изланишлари туфайли қад ростлади.

Қашқадарёда шундай тадбиркор бор, у қураётган иншоотларга барча ҳавас қилади

Куёшнинг заррин нурлари тушиб турган Оқсарой ансамбли ва унинг деворларида битилган ёзув ҳамда нақшлар янада жилоланиб, ҳар қандай йўловчининг эътиборини ўзига тортмасдан қолмайди.



Айниқса, хориждан ташриф буюраётган сайёҳларни айтмайси, улар Оқсарой биноси ҳамда унинг бағридаги ёзувларга соатлаб ҳавас билан боқишади, шу дамда кўнгилларида нималар кечаётганини билмасак ҳам, аммо бир ҳақиқат – халқимиз ва аждодларимизнинг миллий меъморчилик санъатига тан беришаётгани аниқ. Бу маҳобатли бино ва ёзувлар асрлардан сўзлайди. Уларнинг энг аввалида Соҳибқирон бобомизнинг – “Кимлигимизни билмоқчи бўлганлар биз қурган иморатларга боқсин” деган сўзлари битилган. Ушбу мақолани бошлаш аввалида бир нарса яқин ўтмишни эслашга ундайди. Ёшлигимиз айнан мана шу осмонўпар биноларнинг атрофида ўтган, ҳозирги Амир Темур номидаги хиёбон ўрни ташландиқ ва хароба ҳолда бўлиб, бир томонида пастқам уйлар, яна бир томонида эса қандайдир ташкилотларнинг омборлари жойлашган эди.

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари эди, “Оқсарой мажмуасини реставрация қилармиш” деган гап тарқалди. Чиндан ҳам ҳеч вақт ўтмасдан бинолар атрофи ўралиб, унинг тепасига чинарли даражага келиб бўлганди. Истиқлолнинг дастлабки даврида иқтисодимиз қанчалик оғир аҳволда бўлишига қара-

масдан ҳукуратимиз саъй-ҳаракати билан Оқсарой мажмуаси тўлиқ реконструкция қилинди. Ён-атрофи ободонлаштирилиб, сайёҳлар ва халқимиз маданий ҳордиқ чиқариши учун етарлича шароитлар барпо этилди.

Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйи арафасида нафақат у зотнинг номлари билан аталадиган хиёбон ва Оқсарой мажмуаси, балки Шаҳрисабз шаҳри ҳақиқий шаҳарга айланди, ўнлаб кўп қаватли турар жойлар, савдо мажмуалари, ишлаб чиқариш корхоналари қуриб битказилди, кўримсиз, тор ва жинкўчалар кенгайтирилиб, қиёфаси тубдан ўзгарди. Ҳозирги кунда юртимизнинг бошқа ҳудудлари сингари бу ерда ҳам бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бир дақиқа бўлса-да, тўхтаб қолгани йўқ. Қандайдир ғанимлар (улар ҳар жойда топилади) учун бу янгиланиш ва бунёдкорлик шунчаки туюлиши мумкин, аммо асрларга татиғулик ишлар замирида аввало, мустақиллик неъматлари ҳамда қонида тадбиркорлик, ишбилармонлик каби хислатлар сингиб кетган халқимизнинг меҳнатлари мужассамлигини ҳар ким ҳам юракдан ҳис қилавермайди.

Шаҳрисабз шаҳри, қолаверса, Қашқадарё вилоятидаги кўплаб туманларни ободонлаштириб, кўп қаватли турар жойлар қурилишида фаол иштироки билан ҳудуд қиёфасини янгилашга муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлардан бири, “Авангард гидро экспресс” МЧЖ раҳбари Абдижамол Гаппаровнинг бун-

ёдкорлик соҳасидаги ишлари бугун вилоятда фаолият кўрсатаётган барча ҳамкасбларига ибрат бўлаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Қурувчи, деган шарафли касбнинг қадрига етган камтарин инсон ўзининг эллик йиллик фаолияти давомида қанчадан-қанча иморатларни қурмаган дейсиз. Оддий ишчиликдан раҳбар даражасигача бўлган йўлни босиб ўтганда ўзи учун эмас, давлат тасарруфидаги корхоналарни юритиш, у жойларда меҳнат қилаётганларни маош билан таъминлаш учун жуда кўплаб муаммоларга дуч келгани ҳанузгача ёдидан чиқмайди.

Ноҳақликлар билан тўқнаш келганда ойнанинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ бўлишига ишонарди ва ўз-ўзига рухий далда берарди. Мана шундай кунларнинг бирида ишдан кеч қайтгани сабаб, чарчоқ босиб ухлаб қолибди. Кенжа фарзанди нималардир тўғрисида саволга тутиб, турткилаганидан чўчиб уйғонади.

– Дада, мустақиллик, озод юрт, нима дегани, дикторлар эрталабдан буён телевизоримизда мана шу сўзларни қайта-қайта такрорлаб, ҳаммани табриклашяпти, мен ҳам сизни табриклайман, – деганда апил-тапил ўрнидан туриб ойнажаҳон қаршисига шошилди. Юртимиз мустақил бўлгани тўғрисидаги хабарни эшитиб, кўзларига ёш қалқиди, фарзандини бағрига босиб, нималарнидир пичирлар, узоқ йиллар аламли дамларни кўрган кўзлардан эса тинимсиз ёш қуйи-



Қашқадарё вилоятидаги кўплаб туманларни ободонлаштириб, кўп қаватли турар жойлар қурилишида фаол иштироки билан ҳудуд қиёфасини янгилашга муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлардан бири, “Авангард гидро экспресс” МЧЖ раҳбари Абдижамол Гаппаровнинг бунёдкорлик соҳасидаги ишлари бугун вилоятда фаолият кўрсатаётган барча ҳамкасбларига ибрат бўлаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

ларди. Шу кунгича тўйига атаб боқиб юрган кўчқорни олиб корхонасига борди ва ишчиларига байрам қилиб берди...

Истиқлолнинг дастлабки кезларидан давлатимизда инсон омили ва унинг ҳақ-ҳуқуқи олий даражага кўтарилди. Одамлар бажарган ишига яраша рағбат топадиган бўлди. Айниқса, тадбиркор ва ишбилармонликка кенг йўл очилгани унинг ҳам қалбидан жой олган ниятларини амалга оширишга имкон берди. Нияти пок кишининг ишлари ҳам юришаваркан. Қурилиш соҳаси бўйича ўзининг хусусий корхонасини очиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлагач, “Авангард гидро экспресс” МЧЖни ташкил этди. Жамоаси билан биринчи бошлаган иши катта масъулият талаб этар ва кейинги фаолияти учун имтиҳон эди. Чунки Шаҳрисабз шаҳрида кўп қаватли уй-жойлар қуриш ҳамда Амир Темур номидаги хиёбонни замонавий кўринишига келтириш ишлари ташкилоти зиммасига юклатилганди. Мана шу жойда соҳада тўплаган тажрибаси асқатди, барча юмушлар лойиҳада кўрсатилганиданда зиёда қилиб удаланди.

Сифатли бажарилган иш ҳар жойда ҳам эътибор тортади. Жамоа қурган бинолар ва ободончилик ишлари буюртмачилар назарига тушган. Мана, бир неча йилдирки, жамият аъзолари Китоб, Яккабоғ, Ғузор, Чироқчи, Қарши ҳамда Шаҳрисабз сингари туман ва шаҳарларда эҳтиёжмандлар учун кўп қаватли турар жойлар, мактаб, мактабгача таълим ташкилотлари, корхоналарга маъмурий бинолар қуриб, уларнинг ён-атрофини кўркамлаштиряпти, бу эса ён-атрофдаги аҳолининг миннатдорлигига сабаб бўлмоқда. Бунёдкорлар шу кунларда иккита мактабни реконструкция қилиш, яна иккитасини янгидан қуриш, битта МТТни мукамал таъмирлаш ва иккитасини замонавий типда қуришга жиддий киришишган. Бу объектларнинг барчаси мустақиллигимизнинг 30 йиллиги байрами арафасида битказилиши кўзда тутилган. Шулар баробарида Ғузор туманида ҳам аҳоли учун кўп қаватли уй-жой қурилиши бошлаб юборилган. Муҳими, мақсади улғу тадбиркорнинг ишларидан барча миннатдор.

Иморатсозликда “Араб қовчун иқболи”нинг ўз ўрни бор

Қурилиш соҳасида фаолият юритаётганлар яхши билишади, бу касб бошқа соҳалардан кескин фарқланади. У тинимсиз изланишлар қилишни, янги лойиҳалару чизмалар устида соатлаб, кези келса, ойлаб бош қотиришни талаб этади. Деҳқоннинг даладаги меҳнати ҳосили кузда йиғиштирилса, бунёдкорларнинг бажарган ишлари эса йиллар, ҳатто асрларга тенглашади. Ана шунинг учун улар бир-бирлари билан мулоқот қилганда кўпинча “Қурувчининг нони қаттиқ, аммо тотли бўлади” дея ҳазиллашади.



Сўнги тўрт йилда бошқалар сингари ана шу тадбиркорнинг ҳам қурилиш соҳасидаги ниятлари амалга ошиб, ишлари юришди. Чунки сиёсатдан аввал, халқнинг турмуш тарзи ҳамда иқтисод ва ижтимоий масалаларни бош мақсадга айлантирадиган давр келганидан фойдаланиб, ободонлаштириш ва кўп қаватли иморатлар қуришга жиддий киришди.

Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида умргузаронлик қилаётган Иван Худойназаров ҳазиломуз, лекин ҳақиқат гапни ҳамкасбларидан жуда кўп бор эшитган. Чунки унинг учун иморатлар қуриш, ҳудудларни ободонлаштириш ишлари, умуман, бунёдкорлик ишларига қўл уриш янгилик эмас. Шу соҳа бўйича мутахассисликни эгаллагандан буён танлаган касбига “хиёнат” қилгани йўқ. Ўн олти йилдирки, оддий ишчиликдан прораб, иш бошқарувчи, ташкилот раҳбари даражасидаги пиллапоярларни босиб ўтди. Тифиз вазиятли дамларга дуч келганида босиқлик билан уларни ҳал қилишга эришди, устозларидан ўрганганларини амалиётда қўллади. Шу соҳада дастлабки фаолиятини бошлаган кезлар ҳамон кўз ўнгида гавдаланади.

Мустақилликнинг илк йиллари бўлгани сабабли ишлаб чиқариш корхоналари тамоман издан чиққан, қурилиш материалларининг асосий қисми четдан келтирилди, бирор ишга қўл урай, деса ушовидан тушови қимматга тушадиган пайт эди. Қурилиши бошлаб қўйилган кўплаб иншоотлар етарли маблағга эга бўлмаганидан йиллар давомида аро йўлда қолиб ётарди. Уй-жойга муҳтож оилаларнинг вакиллари шаҳар ва туманлар ҳокимликларига мурожаатлар қилиб келишганини жуда кўп бор кўрган. Бирок биргина Қарши шаҳрида йиллар давомида тикланмасдан ётган бинолар қалашиб турганда фуқаролар учун уй-жойлар қуришни ким ўйларди.

Йиллар шу тарзда ўтарди. Ўз мақсадига эришишга қатъий киришган Иван Худойназаров ўша кезлари ҳеч иккиланмасдан “Араб қовчун иқболи” масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. Қурилиш материалларининг камёблигига қарамай, турли объектлардан тушган буюртмаларни сифатли қилиб бажарди. Сўнги тўрт йилда бошқалар сингари ана шу тадбиркорнинг ҳам қурилиш соҳасидаги ниятлари амалга ошиб, ишлари юришди. Чунки сиёсатдан аввал, халқнинг турмуш тарзи ҳамда иқтисод ва ижтимоий масалаларни бош мақсад-

га айлантирадиган давр келганидан фойдаланиб, ободонлаштириш ва кўп қаватли иморатлар қуришга жиддий киришди. Ўтган даврда Қарши шаҳрида, Косон ва Ғузур туманларида қад ростлаган кўп қаватли турар жойлар шу жамоанинг меҳнати ҳосиласидир.

Деҳқонобод тумани вилоятнинг тоғли ҳудудида жойлашган. Очиғини айтганда, бу жойда қурилишлар қуришни унча-мунча ишбилармон уддалаши қийин. Сабаби, асосий материалларни Қарши ёки Ғузур туманларидан ташиб келиш муаммоси бор, харажат устига харажатларга чидаш ҳар кимга ҳам хос иш эмас. Шу боис ҳудудда кўп қаватли турар жойларни бунёд этиш учун ўтказилган тендер танловида иштирокчиларнинг фаоллиги сезилмади. “Араб қовчун иқболи” раҳбари ҳеч иккиланмасдан бўлажак кўп қаватли уй-жойни қуриб битказишни ўз зиммасига олганида қатнашчилардан айримлари, “бекор бу ишга қўл уряпсиз, аро йўлда қолишингиз аниқ” дейишганди. Аксинча, қатъиятли тадбиркорни улар айтган муаммолар енга олмади. Қисқа даврда, туманда кўп квартиралар уй-жойларни сифатли қилиб қуриб бергани ташкилот нуфузини янада оширди. Ғузур туманидаги 820 ўринли 45-умумтаълим мактаби, Қаршидаги замонавий поликлиника қурилиши ана шу шижоатнинг ҳосиласидир.

Вилоятда 2021 йилги давлат дастурига киритилган объектларни муддатига қуриб битказишда ҳам бундан кунда шу жамият бунёдкорлари ишидан кўплаб турдош корхоналар ибрат олаётир. Жумладан, Ғузур туманидаги 52- ва 74- Қарши туманида 45-умумтаълим мактабларининг сифатли ҳамда тез битказилаётгани бунга мисолдир. Шулар қаторида бунёдкорлар Ғузур туманидаги Мустақиллик массивида уй-жойга эҳтиёжи борлар учун беш қаватли турар жойни қуришга киришган. Бу объект Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллик тўйига ғузурликлар учун байрам совғаси эканини жамият аъзолари алоҳида таъкидлашмоқда.



G'UZOR TUMANI MUSTAQILLIK MFYGA QARASHLI 330 O'RINLI 74-SONLI MAKTAB BINOSI

Генеральный план М 1:500

ОБЕКТ: G'uzor tumani Mustaqillik MFYga qarashli 330 o'rinli 74-sonli Maktab binosi

BUYURTMACHI: Viloyat hokimligi "INJINERING" Kompaniyasi

PUDRATCHI: ARAB QOVCHIN IQBOLI "MCHJ"

QURILISH BOSHLANISHI: 20.04.2021 YIL

QURILISH TUGASHI: 30.08.2021 YIL

Лойиҳа – қурилиш пойдевори

Бунёдкорлар билан кечадиган суҳбатларда у ёки бу объектнинг чизмалари қаерда тайёрлангани билан қизиқамиз. Кейинги пайтларда шундай мулоқотлар асносида тез-тез “Келажак-S” МЧЖнинг номи ҳам тилга олинган бўлиб қолди. Чунки мазкур жамоа мутахассислари жуда кўп ва йирик бино ва иншоотларни қуриш ҳамда мукамал таъмирлаш режаларини ишлаб чиқди.



– Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этила бошлагач, қурилиш соҳасида ҳам катта ўзгаришлар юз берди, – дейди жамият раҳбари Исмоилжон Ҳолов. – Бу иш албатта, лойиҳачиларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шунинг учун бир неча маслақдошлар билан маслаҳатлашиб, 1998 йили хусусий, яъни тадбиркорликка асосланган ташкилот тузиб, ўз соҳасини пухта ўзлаштирган тажрибали мутахассислар жамланган эдик. Ҳозир атиги битта хона, эски стол-стуллар, умрини ўтаб бўлган компьютер бор эди ва беш киши иш бошлагандик, бугун эса жамоамиз таркиби тўққиз барабар кўпайган.

Ташкилотга тамал тошини қўйганлар орасида Аҳмаджон Холмирозев ҳам бор эди. Ҳозир у нафақа ёшига етиб қолди, лекин ғайрати сўнмаган, ҳаммаша изланишлар олиб боради. Дунё меъморчилиги янгиликларини ўрганишдан чарчамайди. Шунинг учун бу мутахассисга лойиҳаларнинг бош муҳандиси вазифаси ишониб топширилган. Қачон қараманг, ёнидан шогирдлар аримайди. Чунки жамоада лойиҳачиларнинг янги авлодини шакллантириш бош масала ҳисобланади. Ҳар бир тажрибали мутахассисга яқинда ишга келган ёшлар бириктириб қўйилган.

Масалан, Саидбек Раззоқов ва Исроилжон Абдуқодиров Россия Федерациясининг Қозон



Ташкилотга тамал тошини қўйганлар орасида Аҳмаджон Холмирозев ҳам бор эди. Ҳозир у нафақа ёшига етиб қолди, лекин ғайрати сўнмаган, ҳаммаша изланишлар олиб боради. Дунё меъморчилиги янгиликларини ўрганишдан чарчамайди. Шунинг учун бу мутахассисга лойиҳаларнинг бош муҳандиси вазифаси ишониб топширилган. Қачон қараманг, ёнидан шогирдлар аримайди. Чунки жамоада лойиҳачиларнинг янги авлодини шакллантириш бош масала ҳисобланади. Ҳар бир тажрибали мутахассисга яқинда ишга келган ёшлар бириктириб қўйилган.

шаҳридаги архитектура университетида ўқиб келишди. Аҳмаджон Обиджонов эса Москва архитектура институтининг учинчи курсини битирган. Таътил пайтида у ҳам бўлажак мутахассис сифатида касб сирларини ўрганмоқда. Мана шу уч нафар ёш лойиҳачи устоз раҳбарлигида катта лойиҳа – Чуст, Поп, Косонсой туманларида тик қудуқлар қозиш лойиҳаси устида иш олиб боришмоқда. Бу ишга Жаҳон банки томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан 302 миллион сўмлик иш бажариш лозим. Ҳозиргача лойиҳалаш жараёнининг ярмидан ортиги бажарилди.

Олимжон Бобохонов етакчилигидаги гуруҳ эса халқаро тендерда ютиб олинган лойиҳа устида иш олиб бормоқда. Бу, қиймати 290 минг АҚШ долларига тенг бир қатор сув хўжалиги объектларидаги насос станцияларини мукамал таъмирлаш лойиҳасидир. Уни Хитой Халқ Республикасидаги тадбиркорлик субъектлари молиялаштирмоқда. Ишларнинг биринчи қисми ўтган йили якунланган. Янгиқўрғон туманидаги 1-Ғалаба, Чортоқ туманидаги 1- ва 2-Қорабоғ иншоотларида ишлар бошлаб юборилган. Мазкур йўналишда иш олиб бораётган ёш мутахассислардан Бахтиёр Ниёзов, Асқад Газизов ва Улуғбек Абдуллоев меҳнати ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Улар тайёрлаган чизмалар хитойлик ҳамкорларга ҳам маъқул келмоқда.

Шу ўринда лойиҳа ташкилоти раҳбарияти халқаро миқёсда

иш олиб боришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлаш лозим. Юқорида келтирилган икки йирик объект шундан далолат беради. Биринчи навбатда кадрлар малакасини ошириш диққат марказида. Бу борада Россия ва Қозғистон олий ўқув юртлари ҳамда лойиҳалаш ташкилотлари билан мустақам алоқа ўрнатилган. Улар орқали меъморчилик ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилмоқда, яратилган электрон дастурлар харид қилинмоқда. Кейинги беш йил ичида ўнга яқин мутахассислар хорижда ўқиб келишди.

Яна бир жиҳат – ёш мутахассисларни ишга олишда тил билиш қобилияти алоҳида ҳисобга олинган. Бир қатор лойиҳачилар рус тилидаги билимларини мустақамлашмоқда. Икки йил аввал жамоага қўшилган Собиржон Ваҳобов Наманган муҳандислик-қурилиш институти битирган. Олий маълумотли бу мутахассис инглиз тилини пухта ўзлаштирган. Жаҳон банки ва хитойлик тадбиркорлар билан ўтказиладиган музокара ҳамда маслаҳатлашувларда у таржимонлик қилади. Буни кўриб, ҳулоса чиқарган ташкилотдаги бошқа лойиҳачилар ҳам инглиз тилини ўрганишга киришишди.

Яқинда жамиятда яна бир ажойиб ишга қўл урилди. Бу ерда лойиҳа-смета ҳужжатларини синовдан ўтказиш лабораторияси ташкил этишга киришилди. Уни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. Синов қандай ўтказилади, дерсиз? Бунинг учун лойиҳаси чизилган объект ҳам, у билан юз бериши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам моделлаштирилади. Масалан, сунъий равишда зилзила ҳосил қилинади ва бинонинг мустақамлиги синаб кўрилади. Ёнғин, тошқин, портлаш каби ҳодисаларга чидамлик даражаси ўрганилади.

– Италия, Греция каби мамлакатлардаги меъморий ёдгорликларга ҳавас қиламан, – дейди Исмоилжон Ҳолов. – Бухоро, Самарқанд, Хивадаги асори-атиқалар ҳам улардан қолишмайди. Улар неча асрлардан бери савлат тўкиб туради. Қани эди, биз қурган биноларнинг тақдири шундай бўлса, деб орзу қиламан. Шунинг учун фаолиятимизни такомиллаштириб боришни ўйлаймиз.



Уларнинг меҳнати конвейерга ўхшайди

Наманган шаҳридаги “Бунёдкор” маҳалласида янги мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти қурилди, ички йўллар тартибга келтирилди. Инфратузилма тизими қайта қурилгач, газ, сув, электр таъминоти ҳам кескин яхшиланди.

– Одамларни хурсанд қилган бир нарса – оилавий поликлиникамиз ҳам қайта қурилгани бўлди, – дейди шу маҳаллада яшовчи меҳнат фахрийси Низомжон Зиёвиддинов. – Авваллари бу ерга келганларнинг кайфияти бузиларди, энди эса

лум бўлди. Бу жамоанинг ибратли ишлари ҳақида аввал ҳам эшитгандик. Масалан, кейинги йилларда замонавий шаҳарча тусини олган Уйчи тумани марказини олайлик. Бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг барчаси ушбу фирма

чизмани диққат билан кўздан кечириб, тегишли маслаҳат ва йўл-йўриқларни бермоқда.

– Кўриб турганингиздек, лойиҳачилар меҳнатини ўзига хос конвейерга ўхшатиш мумкин, – дейди З. Азимов. – Ҳар бирининг ўз вазифаси бор.

Шу ўринда жамоада кадрларни танлаш, малакасини ошириб боришга фирма ташкил бўлган 2004 йилдан ҳозиргача доимий диққат марказида туришини қайд этиш лозим. Ўшанда 14 киши иш бошлаганди. Бугун эса ходимлар сони 38 нафарни ташкил этмоқда. Лойиҳачиларнинг аксарияти ўз соҳасини пухта эгаллаган мутахассислар. Ходимларнинг малакасини ошириб бориш, илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш ҳам эътибор марказида. Охириги йилда Ёнғин хавфсизлиги хизмати, Бош лойиҳа институтлари ташкил этган семинарларда қатнашишди. Уларда берилган тавсия ва йўл-йўриқлар фирмада ташкил этилган ишлаб чиқариш ййғилишларида муҳокама қилиб борилди.

Шунинг учун юқорида айтилганидек, бу ерда юзага келган ижодий меҳнат маҳсули доим барчага манзур. Мутахассислар ҳамжиҳат ва уйғунликда иш олиб боради. Чунки ҳар бирининг меҳнати орқали умумий вазият қарор топиши барчага аён.



Масалан, Абдумуталлиб Қодиров биноларнинг электр таъминоти қандай бўлиши кераклигини белгилайди. Бунда лампаларнинг хонада ёруғлики яхши таъминлашидан тортиб, ўчиргич ва розеткаларнинг тўғри жойлашувига аҳамиятли ҳисобланади. Флюра Сичкина иситиш ва шамоллатиш жараёнлари билан шуғулланади. Кўп йиллик тажрибага эгалиги учун ишини пухта ўзлаштирган. Аммо ҳеч қачон буюртмачиларнинг фикрини олмасдан иш битирмайди. Улуғбек Икромжонов эса ичимлик ва оқава сув тизимларининг устаси. Бу ҳам замонавий бинолар қурилишида муҳим йўналиш ҳисобланади.

Фирма дастлабки йиллари саноат корхоналарида лойиҳалаш ишларини бажаришга ихтисослашганди. Кейинчалик эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, аҳоли пунктлари бош режасини ишлаб чиқиш масалалари ҳам кун тартибига қўйилди. Айни вақтда ижтимоий соҳа объектлари бўйича ҳам кўп ишлар амалга оширилмоқда. Улар орасида

Тошкент ва Наманган вилоятларидаги қатор умумтаълим мактабларини, мактабгача таълим ташкилотлари биноларини қуриш ва мукамал таъмирлаш кабилар бор.

Шу кунларда ишлаб чиқилган йирик лойиҳалар орасида Янги Наманган тумани ҳокимлигининг бошқарув мажмуаси биносини алоҳида тилга олиш мумкин. У Оромгоҳ даҳасидаги собиқ касб-хунар коллежи биносидан жойлашади. Бош корпусдан ҳокимият ва унинг қатор бошқарма ва бўлимлари ўрин олади. Адлия бўлими, прокуратура, ички ишлар идораси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳам яқин атрофда жойлашади. Бу, маъмурий бинолар мажмуаси учун бутунлай янги ечимдир.

Мазкур лойиҳа устидаги ижодий изланишларга Ёрқин Собитов бошчилигидаги тажрибали мутахассислар гуруҳи жалб этилган. Ҳозиргача ишларнинг етмиш фоизи яқунланди. Анасхон Абдужалилов, Фарҳод Маъдинов ва бошқа лойиҳачилар суръат ва сифатни таъминлашга катта ҳисса қўшишмоқда.



бутунлай бошқача манзара. Кенг ва ёруғ хоналар, чор-атроф шинам кўринишда. Тиббийёт ходимлари учун қулай шароитлар яратилган. Бунда қурувчилар ва лойиҳачиларнинг катта ҳиссаси бор.

Сўхбат асносида ушбу бинони қайта қуриш лойиҳасини “Намангансаноатлойиҳа” кўп тармоқли хусусий фирмаси мутахассислари тайёрлагани маъ-

лойиҳачиларининг тафаккури ёрдамида сайқалланиб, қоғозга туширилган.

Фирма директори Зайниддин Азимов билан биргаликда лойиҳачиларнинг ишларини кузатдик. Кенг хонада жойлашган столлардаги компьютерлар тинмай ишлаб турибди. Янги-янги чизмалар юзага келиб, лойиҳа бош муҳандисларига тақдим этилмоқда. Улар ҳар бир



Сув сероб жойда ободлик бўлади

Халқимиз сувни бежиз оби-ҳаёт деб атамайди. Чунки усиз инсон ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар биримиз ундан баҳра оламиз. Наманган туманидаги “Насостаъмир” МЧЖ жамоаси буни жуда яхши ҳис этади ва ўз фаолиятини айнан юртни сувга сероб қилишдек эзгу мақсад сари йўналтирган.

– Ташкилотимиз бундан йигирма икки йил муқаддам ташкил этилганди, – деб ҳикоя қилади жамиятнинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Неъматжон Отабоев. – Ўтган давр биз учун катта тараққиёт босқичи вазифасини ўтади. Бултур қарийб 19 миллиард сўмлик иш бажарилди. Бу йил ундан ҳам юқори маррани кўзлаганимиз. Юқори малакали мутахассислар сафини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилаётгани жуда қўл келмоқда. Чунки жамоамиз унча катта эмас, қирқ беш киши атрофида, лекин меҳнат унумдорлигининг юқорилиги муваффақиятни таъминлашда ҳал қилувчи омил вазифасини ўтамоқда. Боз устига ишлаб чиқариш негизини мустаҳкамлаш, янги техника ва технологияларни қўллаш самарадорликни кучайтирмоқда.

Муҳаммаджон Эгамбердиев бошлиқ саккиз кишилик жамоа бугунги кунда Мингбулоқ туманида қатор қудуқларни таъмирлаш билан шуғулланишяпти. Марказий Фарғона чўлларига деҳқончилик қилиш учун ер остидан чиқадиган обиҳаётнинг аҳамияти беқиёс. Ҳозиргача 11 та қудуқ таъмирдан чиқарилди.

Электрик Шерзод Ёқубжонов билан шу ерда учрашиб қолдик. У жамоанинг илғор ишчиларидан. Асосий касбидан ташқари бурғуловчилик ва пайвандчиликни ҳам пухта ўзлаштирган. Дарвоқе, Жавлон Иматов, Анвар Муҳиддинов ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Бу эса ишлаб чиқариш жараёни ҳеч қачон тўхтаб қолмаслигини билдиради.

– Объектлар жамоа аъзоларининг яшаш жойларидан анча олисда экани сабабли иш вахта усулида ташкил этилган, – дейди Муҳаммаджон Эгамбердиев. – Ходимлар учун жиҳозланган вагон-уйлар мавжуд. Керакли озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилади. Ошпазимиз бор, кунига икки маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Шу туфайли ҳар бир қудуқ қисқа муддатда таъмирдан чиқарилиб, сафга қайтарилмоқда. Насос агрегатлари, кабель, қувур, трансформатор учун эҳтиёт қисмлар ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Жамоанинг яна бир гуруҳи Поп туманининг Санг қишлоғи яқинида, Сирдарё қирғоқларини мустаҳкамлаш билан банд. Бу билан шу атрофдаги аҳоли

ҳамда экин майдонлари тошқин хавфидан халос бўлади. Носир Бувабоев, Зоҳид Кенжаев, Отабек Мамадалиев каби экскаваторчи ва ҳайдовчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Улар соҳилга белгиланган миқдордаги харсанг тошлар ва шағални пешма-пеш тўкмоқда.

Яқинда МЧЖ жамоаси Наманган шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи канал ва сойлар қирғоқларини ободонлаштиришга ҳам киришди. Ҳозир Намангансойнинг Ғиштқўприқдан қуйи қисмида бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Бу ерда ўзига хос хиёбон барпо этилади. Унда велосипедчилар учун йўлка бўлади, дам олиш ўриндиқлари, замонавий тунги чироқлар ўрнатилади. Ажойиб микро иқлимга эга бу жой одамлар учун сайроғоҳга айлантирилади.

Бунинг учун катта ҳажмда тупроқ ва бетон ишлари бажарилиши лозим. МЧЖга қарашли бульдозер, экскаватор ва ағдарма машиналар бу ерда жадал ишламоқда. Айниқса, Ўткирбек Холмирзаев, Элдор Бозоров, Мўмин Бозоров каби механизатор ва ҳайдовчилар юксак унумдорликка эришмоқда. Уларнинг зарбдорларча меҳнати туфайли тез орада сой соҳили сўлим қиёфа касб этади.

Жамоа аъзолари бунёдкорлик ишлари олиб бораётган объектлар билан жамият таъсисчиси Мансурхон Муҳиддинов ҳамроҳлигида танишдик. У айни пайтда ташкилотнинг ишлаб чиқариш негизини янада мустаҳкамлаш мақсадида қатор ишлар режалаштиргани ва амалга оширилаётганини сўзлаб берди. Хусусан, Наманган туманининг Шербулоқ массивида темир-бетон заводи қуришга киришилмоқда. Бу ерда камида элликта янги иш ўрни яратилади. Турли хил темир-бетон маҳсулотлари тайёрлашнинг йўлга қўйилиши қурилиш-монтаж ишлари таннархини арзонлаштириш имконини беради. Айни пайтда бошқа пудрат ташкилотларининг буюртмаларини бажариш орқали кўшимча даромад олиш мумкин бўлади. Бу, ўз навбатида, моддий-техник негизни янада мустаҳкамлаш, янги машина ва механизмлар сотиб олишга йўл очади. Ҳозир яна бир қатор ана шундай истиқболли лойиҳалар устида иш олиб борилаётгани диққатга сазовордир.



Энди у етакчи пудратчи



Исоқжон Самиев ўттиз йилдан зиёд қурилиш соҳасида меҳнат қилади, фаолиятини оддий усталиқдан бошлаган. Бугун эса “Янгиқўрғон қурувчи сервис” масъулияти чекланган жамиятини бошқармоқда. Мазкур ташкилот тузилганига энди олти йил бўлишига қарамай, вилоятдаги етакчи пудратчи корхоналар сафидан ўрин олди. Ўтган йили бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 35 миллиард сўмдан ошиб кетди. Наманган шаҳри ва қатор туманларда кўплаб ишлаб чиқариш, маданий-маиший ва турар жой бинолари қуриб битказилди. Касб байрами арафасида у билан суҳбатда бўлдик.

– Исоқжон Абдуғаниевич, аввало, қурувчилик касбининг аҳамияти ва унинг бугунги ҳолати ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

– Бинокорликни дунёдаги энг қадимий касблардан бири, дейишади. Чиндан ҳам инсон пайдо бўлибдики, ўзига бошпа на қуришдан бошлаган. Шунинг учун бўлса керак, мактабда ўқиб юрган чоғларимдаёқ шу касбни эгаллашни орзу қилганман. Балки қариндошларимиз орасида қурувчилар кўп бўлгани ҳам бунга таъсир қилгандир. Шунинг учун политехника институтига кириб ўқидим. Қатор қурилиш ташкилотларида ишлаб тажриба орттирдим, устозлардан кўп нарса ўргандим. Ҳозир ҳам шаҳар ва туманлардаги салобатли биноларни

кўрганимда, уларнинг тикланишига ҳисса қўшганимдан фахрланаман.

Сўнгги йилларда юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. 2014 йилда қурилиш билан шуғулланадиган ташкилот тузишга қарор қилдим. Бир неча касбдошлар, кўпни кўрган устозлар билан маслаҳатладим. Улар ғояни маъқуллаб, ёрдамни ҳам таклиф қилди. Шундай қилиб, 2015 йилда барча ташкилий масалалар ҳал бўлди ва жамият фаолият кўрсата бошлади.

– Даствлабки кезларда қийинчиликлар ҳам бўлгандир?

– Албатта, ҳар бир ишнинг бошланишида ўзига яраша машаққати бўлади. Ушанда вило-

ят марказидаги Орзу маҳалласида ўнта намунали лойиҳалар асосида уй қуришга киришдик. Шунда, биринчи навбатда, малакали ишчилар муаммоси юзага келди, илгари бирга ишлаган



ҳамкасбларни қидирдим. Уларга яхши маош ва шарт-шароит таклиф қилганимиз учун рози бўлишди.

Мана энди, бугун ҳар қандай мураккаб лойиҳани юзага чиқара оламиз. Иш юритувчилар олий маълумотли, етарли тажрибага эга. Чизмани беҳато ўқийди, қайси жараёни қачон амалга ошириш лозимлигини билади. Ёши тегурвчим, пайвандчим, сувоқчим, уларга иш қандай бажарилиши зарурлигини кўрсатиб бера олади. Бу эса қурилиш сифатини таъминлашда катта аҳамиятга эга.



Иш юритувчи Ашурбек Юсуповни олайлик. У ташкилот тузилгандан бери ишлайди. Ҳозиргача ўндан ортиқ объектни фойдаланишга топширди. Буюртмачилар қилинган меҳнат сифатини юқори баҳолашди. Шунинг учун бўлса керак, кўплаб тендер савдоларида ютиб чиқяпмиз. Ҳозир Ашурбек шогирдлари билан Наманган тумани марказида беш қаватли турар жой биносини тикламоқда. Бугун ўзим ҳам мазкур объекта бўлиб, ишларнинг бориши билан қизиқдим.

Ташкилотимизда ўз касбининг усталари ҳақида гап кетганда сантехник Баҳодир Иззатуллаевнинг номи биринчилар қатори тилга олинади. Чунки у Корея Республикасига бориб, янги технологияларни ўрганиб келган. Айниқса, полиэтилен қувурларни монтаж қилишда унинг олдида тушадигани йўқ. Ҳошимжон Саидов ва Адҳам Иззатуллаев бу иш “сир”ларини айнан ундан ўрганишган. Бугун эса ўз тажрибаларидан бошқаларни ҳам баҳраманд этишмоқда.

– Мустақилликнинг ўттиз йиллигини қандай ютуқлар билан кутиб оломоқчисизлар?

– Август ойи охирида Наманган тумани марказидаги кўп қаватли уй фойдаланишга топширилади. Яна бир турар жой биноси – Давлатобод туманида қуриб битказилади. Наманган шаҳрининг Уйчи кўчасида кўп қаватли уйни бунёд этишга киришамиз. Байрам арафасида 150 ўринли мактабгача таълим ташкилоти мажмуасини тиклашни ҳам бошлаймиз.

Шу ўринда жамиятимиз негизини мустаҳкамлаш ҳам диққат марказимизда турганини айтмоқчиман. Яқинда замонавий эшик ва ром тайёрлайдиган цехимиз фаолият бошлади. Тез орада тош майдалаш цехини ишга тушираемиз. У нафақат темир-бетон маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтириш имконини беради, балки асфальт чиқариш учун ҳам шарт-шароит яратади. Шунингдек, Мустақиллик байрами арафасида ёши тегурвчиларнинг қувватини ошириш бўйича ишлар яқунланади. Янги линия қунига 25 минг дона ёши тегурвчи қувватига эга бўлади.

Асосий мақсад – бундай хайрли ва эзгу ишларнинг бардавом бўлишига эришиш.



Юрт ишқида ёнган қалб

Заргар олтинни, деҳқон далани бутун маҳорати билан сайқал топтириб, ўзгалар хузур-ҳаловати учун чинакам қайғурганидек, қурувчи юртни обод қилиш, шинам, барчага манзур, кўркам иморатлар барпо этиб, бошқаларнинг эътиборини қозонишга интилади. Хуллас, ҳар бир инсон умри давомида эзгу ишлар ила ном қолдириш, назарга тушиш орзуси билан яшаши ҳаёт қонунидир.



Шижоатли, тиниб-тинчимас Норбойжон бугун қайси гўшага борар экан, ўзи бунёд этган бир-биридан мафтункор иморатларга ҳавас билан термулади, уларда заҳматли меҳнати, қалб қўри борлигидан ғурурланади.

Норбойжон ҳам бинокорлик касбини танлаганидан буён Ватани, халқи учун елиб-югуриб, одамлар хизматида бўлиб, барчанинг қалбидан ўзига нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотишга одатланган. Бу хислатни у аввало сабоқ берган ўқитувчилари, хунарга ўргатган устозларидан ўрганди. Қолаверса, хонадондаги ҳавас қилгулик муҳит, фақат яхшиликка ундаш ҳисси, муҳими ота-онасининг доно панд-насиҳатлари, дуоси уни шундай тарбиялади.

Самарқанд вилояти, Иштихон туманида туғилиб ўсган, бугун республикада самарали меҳнати туфайли доврўғ таратаётган Норбой Алиқулов ҳақида ана шундай фикр билдириш мумкин. Аслида юраги юрт ишқидан ёнган тadbиркорнинг ҳаёт йўли ҳам мураккаб эмас. Мактаб, дорилфунунни имтиёзли тугатган илмга чанқоқ йигит ўз устида тинимсиз изланди, жамоат ишларида фаол қатнашди. Иқтисодчи, деган олий маълумотли мутахассисликни эгаллаб, турли лавозимларда ишлаб, маҳоратини орттирди. Тумандаги "7-механизациялашган кўча колони" МЧЖга ишга таклиф этилиши ҳаётида тубдан бурилиш нуқтасига айланди. Раҳбарлар унинг бинокорлик соҳасидаги салоҳиятини синовдан ўтказиб, корхона директорлигига тавсия этдилар. Жамият базаси машина-механизмлар билан тўлдирилди. Малакали касбдошлар, қўли гул қурувчилар ва мутахассислар унинг атрофига бирлашдилар. Мана, ўн йилдирки, Норбой Сайдуллаевич катта жамоага бош-қош. У янги-янги режалар устида куну тун ишлаб, қўл остидагиларига куч-қувват, қанот бағишламоқда, уларни порлоқ истиқбол, Ватани се-

виш, уни обод қилишга ундамоқда.

Норбой айна пайтда мамлакатимизда ишбилармонликни ривожлантириш, жумладан қурилиш, ишлаб чиқариш соҳаларида янгилик яратиб, ёшларни иш билан таъминлаш, давлатнинг иқтисодий юксалишига муносиб улуш қўшаётир. Унинг саъй-ҳаракатлари сабабли жамият маҳаллий ва хорижий технологияларга асосланган инновацион ечимдаги, замон руҳига монанд бинокорлик материалларига таяниб энг сўнгги ютуқларга мослашган уй-жойлар, маданий-маиший иншоотлар бунёд этиш билан банд.

Шижоатли, тиниб-тинчимас Норбойжон бугун қайси гўшага борар экан, ўзи бунёд этган бир-биридан мафтункор иморатларга ҳавас билан термулади, уларда заҳматли меҳнати, қалб қўри борлигидан ғурурланади. Вилоят Ёшлар маркази, СамДУ ётоқхонаси, Туризм университетига қарашли Конфуций боғи, меҳмонхоналар, савдо мажмуалари, мактаб, шифохоналар, МТТлар, шунингдек кўп қаватли аҳоли хонадонлари, йўл, сув тармоқлари кабиларни санаб адоғига етиш қийин.

– Биз шундай меҳнаткаш, қалбидан яратувчилик, бунёдкорлик чўғи сўнмайдиган шоғирлар билан фахрланамиз, – дейди Норбойжоннинг устозларидан бири Баҳодир Очиллов. – Фидойи йигитнинг ҳали олдида янада катта режалари борлиги менинг ҳавасимни келтиради. Юрт ободлигига ҳисса қўшиш, одамлар келажаги ҳақида қайғуришдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Норбой юзидаги нур, юрагидаги порлаб турган машъал билан кўплаб йигит-қизлар йўлини ёритиш, ойдин уфқларга етаклашига шак-шубҳа йўқ.

Омон бобо яратган сулола

Самарқандда бинокорлик касбини ардоқлаб, эл-юрт хизматига камарбаста бўлаётган кишилар ҳақида гап кетганда кўпчилик аввало Омон Толибовлар оиласини тилга олиши шубҳасиз. Чунки ҳали ўтган асрнинг олтинчи йилларида ўрта-махсус таълим курсини тамомлаган Омон бобо қурилиш соҳасини танлаб қатор хайрли ва савоб ишлар билан донг таратганлардан.

У бинокорлар сулоласининг давомчиси сифатида жамоа хўжалик юмушларида қатнашиб, вилоятдаги энг йирик объектиларни бунёд этиш, фойдаланишга топширишда фаол иштирок этган эди. Муҳими, кекса қурувчи, тажрибали мутахассис меҳнат фаолияти даврида юзлаб хунарга чанқоқ йигит-қизларга мураббийлик қилди, ажойиб шогирдлар тайёрлади. Бугун вилоятнинг фахрига айланган Назар Ахмедов, Райим Насимов, Саъдин Ибрагимов, Даврон Исломов ва бошқа қўли гул бунёдкорлар ҳақли равишда О. Толибовни устоз, дея эъзозлашлари боиси шундан.

Омон Толибовичнинг самарали меҳнати оилага ҳам таъсирини ўтказмасдан қолмади, албатта. Саксон ёшни қаршилаётган отахоннинг уч нафар фарзанди – Эркинжон, Раҳматжон ва Шухратжонлар бугун анъанага содиқ қолиб, ота хунарининг муносиб давомчиларига айланишган.

– Падарибузруквор тавсияси билан биз, ўғиллар қурувчи деган шарафли номни оқлашга, унинг эзгу амалларини рўёбга чиқаришга бел боғлаганмиз, – дейди ўртанча фарзанд Раҳматжон. – Эркин акам айтиши пайтда “Толиб бобо” МЧЖ раҳ-

бари сифатида Самарқандни янада обод ва фаровон шаҳарга айлантиришда жонбозлик кўрсатаётган илғор касб фидойиларидан ҳисобланади. Унинг бевосита саъй-ҳаракати туфайли вилоятда кўплаб йирик иншоотлар, мактаб, коллеж, шифохоналар кўкка бўй чўзди. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш

инновацион қурилишларни ташкил этишга астойдил киришган. Қолаверса, юзга яқин ишчи-хизматчилар, бинокорларга бош-қош бўлиб, шаҳар чиройига чирой қўшмоқда. Биргина ўтган йили улар ғайрати туфайли Ургут “Мурувват уйи”нинг муҳташам биноси қуриб битказилган бўлса, жорий йил-



сон-саноғи йўқ. Очиги, ундаги дадиллик, шижоат ва тинимсиз саъй-ҳаракатни кўриб мен ва укам ҳам шу касбга меҳр қўйганмиз.

МЧЖ таъсисчиси сифатида шаҳардаги бир-бирдан кўркам уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятдаги биноларни тиклашга бутун куч-қудрати ва интилиши билан киришган

– Отам, мен ва укаларим шарафли касб этагини тутиб, обрў қозондик, Ватан корига ярадик, – дейди қатор мукофотлар, ташаккурномалар соҳиби Эркинжон Толибов. – Ҳамма вақт кимгадир “керак бўлиш” завқини суриб яшайпмиз. Биронинг оғирини енгил қилиб хурматига сазовор бўлишнинг гашти ўзгача. Шу сабабдан анъанани давом эттириш ниятидаман. Икки нафар фарзандим – Жасур ва Жавоҳирлар ҳам изимиздан боришга аҳд қилганликлари айтиш мумкин. Ҳозир улар Самарқанд архитектура-қурилиш институти талабалари. Етуқ олимлар, профессор ўқитувчилардан соҳанинг назарий томонларини мукамал эгаллашлари билан бир қаторда, жамоамиз аъзоларига қўшилиб амалий ишларни қунт билан ўзлаштиришмоқда.



институтини тамомлагани ва атрофига билимли мутахассисларни тўплагани боис у ҳозирги кунда ёшларга касб сир-асрорларини ўргатиш, замонавий

да Мономарказ фойдаланишга топширилгани фикримнинг далилидир. Асосийси, жамоа ихтиёридаги техника воситалари, машина-механизмларнинг

Дарҳақиқат, шундай. Раҳматжон айтиши пайтда “Омон бобо” хусусий корхонасини бошқараётган бўлса, Шухратжон “Регистон ишлаб чиқариш”



Барча қурувчиларни, лойиҳачи ва меъморларни

Ўзбекистон Республикаси
қурилиш соҳаси ходимлари кунини

билан табриклаймиз.

“Толиб бобо” МЧЖ жамоаси.

“Ўз ҳисобимиздан мактаб қурмоқчимиз...”

“Турон” кўп тармоқли корхонаси мамлакатимиз Мустақилликка эришган даврда ташкил этилган илк хусусий жамоалардан бири ҳисобланади. Дастлабки қадамни дадил олган бинокорлар самарали меҳнатлари билан ўша пайтданоқ доврўғ таратди.



Серғайрат бинокорлар 2000 йилларда бир йилда учта-тўртта буюртмани бажаришни зиммага юклаб, уларни шараф билан уддалади. Азамат қишлоғидаги иқтисодиёт ва сервис коллежи, Оқдарёдаги 2-мактаб, Янгиқўрғондаги 480 ўринли янги мактаб, Иштихондаги 30-мактабни қуриш ва капитал таъмирлаш юмушлари барчага манзур тушди.

Ташкилот таъсисчиси, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти тамомлаган малакали мутахассис Мўмин Исроилов бор тажрибасини ишга солиб, жамоанинг нуфузини ошириш учун астойдил меҳнат қилди. Унинг саъй-ҳаракати туфайли ишчи-хизматчилар режаларни ошиғи билан сифатли бажаришга киришди. Бирин-кетин инвестиция дастурига киритилган мактаб, мактабгача таълим ташкилоти, коллеж, шифохона, бошқа объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

“Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик”, деганларидек, Ватан фаровонлиги йўлидаги интилиш туфайли корхона даромади ортиб, қурувчиларнинг ҳам косаси “оқара” бошлади. Ютуқлар илғор жамоани янги ташаббусларга етаклади. Серғайрат бинокорлар 2000 йилларда бир йилда учта-тўртта буюртмани бажаришни зиммага юклаб, уларни шараф билан уддалади. Азамат қишлоғидаги иқтисодиёт ва сервис коллежи, Оқдарёдаги 2-мактаб, Янгиқўрғондаги 480 ўринли янги мактаб, Иштихондаги 30-мактабни қуриш ва капитал таъмирлаш юмушлари барчага манзур тушди. Бу орада жамоага қабул қилинган ишчилар сони ҳам кескин ортиши билан бирга, ишлаб чиқариш қуввати, ихтиёрларидаги машина-механизмлар сони ҳам кўпайди. Энди у расман кўп тармоқли корхонага айланиб, соҳалари кенгайди, жумладан, иситиш кон-

векторлари, ақфа ромлари, пойдевор блоклари ишлаб чиқариш, дурадгорлик, пайвандчилик цехлари очилди. Моддий-техника таъминоти сезиларли даражада мустаҳкамланганини 2 та экскаватор, 2 та автокран, 5 та юк машинаси, бетон қориш автотранспорти, 3 та трактор харид қилинганидан ҳам билиш мумкин. Муҳими, универсал хизматга шай ходимлар тайёрлангани туфайли улар субпудратчилар ёрдамидан воз кечишди.

– Айни пайтда ижтимоий соҳа объектларидан ташқари ирригация, мелiorация объектларини қуриш ва реконструкция қилишда ҳам фаол қатнашяпмиз, – деди корхона раҳбари. – Агар 2019 йилда 6 та иншоотда 21 миллиард 600 миллион сўмлик пудрат ишларини амалга оширган бўлсак, 2020 йилда 5 та объектда 22,5 миллиард сўм қийматидаги буюртмаларни бажардик. Қолаверса, ўтган йили Сирдарё вилоятининг Сардоба тумани аҳолиси бошига тушган кўнгилсиз ҳодисани англаб, одамлар мушкулени енгил қилиш мақсадида мадад қўлини чўздик. Бундан ташқари ҳам кўпгина ҳомилиқ ёрдамларида фаол қатнашяпмиз. Жорий йилда эса ўз ҳисобимиздан 710 ўринли янги мактаб биносини тиклаб, болажонларимизга соғва сифатида топшириш ниятидамыз.

Ҳа, қаерда омилкорлик билан иш тутилса, у ерда муваффақиятлар қўлга киритилади. “Турон” КТКнинг фаолияти бунинг ёрқин далилидир.

“O‘ZOG‘IRSANOATLOYIHA” AJ жамоаси



*Ўзгал юртилизини меҳнаткаш
курувчи, меъмор ва
муҳандисларини касб байрами
билан самимий қутлаймиз.
Сизларнинг фидокорона
хизматиниз тўфайли юртмиз
кундан-кун чирой оғмоқда.
Бу йўлда сизларга улкан ҳайрат,
сўнмас иштиёқ ва омад ёр бўлсин.
Ишинизга ривож, оиланизга
қувонч ва соҳлик тилаймиз!*

Нияти пок тадбиркор

Кейинги беш йилда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва эътибори туйғули жамиятимиз тараққиёти тубдан ўзгармоқда. Минглаб янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари, ихчам цехлар қурилиб, ишсизлар доимий иш билан таъминланяпти. Ҳозирги кунда пойтахтдан энг олисда жойлашган қишлоқ ва овулларга борсангиз, таниб бўлмас даражада ўзгарганини кўриб, ҳайратга тушасиз. Бу – юртимизда ўтказилаётган изчил ислохотларнинг самараси эканиндан далолатдир.

Мана шу жараённинг энг аввалида бунёдкорлик ва қурилишлар тургани яққол сезилади. Шунинг учун ҳам бу соҳага ҳавас қилувчилар, тадбиркорлигини шакллантирмоқчи бўлганлар ҳар жойда топилади. Аммо айтиш жоизки, қурилиш соҳаси ҳар кимга ҳам хос иш эмас. Бу касб аввало зийраклик ва дид, сабр-тоқат, изланиш, ташаббуслар кўрсатиш орқалигина бунёдкорнинг меҳнатини юзага чиқаради, одамлар қалбидан жой олади. Соҳада катта тажриба тўплаганлар яхши би-

лишади, фаолиятини тўла йўлга қўйиш учун тош чиқса кемириб, сув келса, симиришга ҳам тўғри келади.

Гулистонлик Камолиддин Каримқулов ҳам яхши ниятлар билан шу соҳанинг этагидан тутганлардан бири. Кўп йиллар ўз тадбиркорлигини рўёбга чиқариш учун изланди, кези келганда, тўсиқлар ҳам бўлди, бироқ у мақсадига етишиш йўлида ортага қайтмади. “BRK IMPEX” МЧЖ корхонасига асос солгандан сўнг дастлабки фаолиятини эшик ва мебель жиҳозлари



ишлаб чиқариш, алюмин ҳамда пластик эшик-ромлар ясаш, темир ишлари цехи сингари қурилиш маҳсулотларини тайёрлашни йўлга қўйди.

Бугун эса у юртимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрами арафасида ўзи тузган корхонаси ва жамоаси кейинги тўрт йил оралиғида амалга оширган ишларни сарҳисоб қиларкан, нималарга эришди-ю олдинда қандай вазифалар турганига эътибор қаратмоқда. Ўйлаб қараса, қисқа даврда 100 нафар ишловчилари ҳамда 10 дан ортиқ замонавий техникалари кўмағида вилоят Миллий гвардия бошқармаси биносини мукамал таъмирлаш, ташкилот автомобилларига махсус тураргоҳ, ошхона биноси, ҳарбийлар ётоқхонаси, ўтказиш пунктлари, озиқ-овқат ва кейим-кечак сақлаш омборхоналари, ободонлаштириш, коммуникация тармоқлари, Мирзаобод тумани тасарруфида ихтисослаштирилган дала ўқув марказини қурибди.

Булардан ташқари, Сирдарё вилояти ДХХ бошқармаси ҳудудида ҳарбийлар поликлиникаси, бошқарма биносига қўшимча икки қаватли бино, чегара қўшинлари хизматчилари учун



2 та тўрт қаватли 48 ўринли бинони реконструкция қилиш, Бекобод-Ховос чегара ҳудудидаги ҳарбий қисм постларини мукамал таъмирлаш, Мудофаа вазирлигига қарашли Мирзаобод туманидаги батальонга 800 ўринли ошхона биноси қурилиши, 2 та 460 ўринли аскарлар ётоқхонаси қурилиши, 160 ўринли клуб, тўрт қаватли аскарлар ўқув биноси, Гулистон шаҳридаги 1- ва 2-сонли оилавий поликлиника бинолари, Сардоба сув тошқинидан талафот кўрган бетон панелли уйларни қайта

таъмирлаш сингари бир неча миллиард сўмлик юмушларни урдалашибди.

Ниятлари пок, қурилиш соҳасининг ҳадисини олган тадбиркор эътиборини келгусида тендерларда фаол қатнашиб, вилоятдаги уй-жойга муҳтож фуқаролар учун кўп қаватли замонавий турар жойларни бунёд этиш, мактаблар ва боғчалар, спорт иншоотларини қуриб, халқнинг розилигини олишга қаратган. Дилдан қилинган ният эса ҳамisha рўёб топқусидир.



Барча қурувчиларни, лойиҳачи ва меъморларни

Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кўни

билан муборакбод этамиз.

Сизларга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда омад ва зафарлар, оилаларингизга аҳиллик, файзу барака тилаймиз!

“BRK IMPEX” МЧЖ
жамоаси

“Гулистон мадад қурилиш” – хайрли ишларга мададкор

Бир пайтлар фалончи ўз тадбиркорлигини шакллантирибди, банкда ҳисоб рақами ҳам бор экан, дейишса, бу гапга ҳеч ким ишонмасди. Чунки ўша даврлардаги яккаҳоқимликнинг қонун-қоидалари бунга изн бермасди. Бир воқеани яхши эслайман, қўшнилариимиздан бири ака-укалари ёрдамида пишган ғиштдан тўрт хонали уй қурди. Кўп ўтмасдан турли ташкилотлардан келишиб, ғиштни қаердан, қайси маблағ ҳисобидан олганини суриштириб, салкам бир йил овора қилишди. Сўнг эса кўзга ташланмаслиги учун иморатнинг ташқи қисмини лойсувоқ қилдирди.

Ана шу мисол билан мақола-ни бошлашимизнинг боиси, бугун дорилмомон кунларга эришганимиз туфайли давлатимиз ишбилармон ва тадбиркорларга имкониятлар эшигини очиб

берди. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонунлар билан ҳимояланган. Сирдарёлик Юсуфжон Қорабоев ҳам қонунларга таяниб ўн уч йил аввал “Гулистон мадад қурилиш” МЧЖни ташкил этган-

ди. Ўтган даврда қилган ишлари ҳам ўзига, ҳам жамиятга наф келтиришининг ҳадисини олиб, амалдаги қонунларга таяниб иш юритилса, ҳеч ким кам бўлмаслигини тушуниб етди.

Қурилиш соҳасида дастлабки ишга киришгани анча қийин кечганди. Иккита туманда 30 та намунали уйларни қуриб битказиш жамият ишчи-ҳодимларининг гарданига тушади. У пайтлар юртимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш ашёлари сероб бўлмагани учун ишлар анча суст борарди. Аммо тадбиркор бундан чўчимади, аксинча, йўқни йўндиришга интилди. Мана шу туфайли ҳам эндиликда вилоятда ўз ўрнига эга бўлди.



Кейинги йилларда Гулистон шаҳридаги ИИБ ППХ батальони ва Боёвут тумани ЁХБ бинолари, Сайхунобод туманидаги 27-умумтаълим мактаби реконструкцияси, Оқолтин туманидаги мусиқа ва санъат мактаби, Янгиер шаҳридаги Саховат уйи, вилоят ҳокимлиги биносининг фасад қисми, Гулистон туманида 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Гулистон шаҳрида 85 ўринли туғуруқ комплекси, Сирдарё туманида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази, Гулистон шаҳридаги кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган 176 ўқув ўринли мактаб биноси қурилиши. Бу каби мисоллар шодасини яна

кўплаб давом эттириш мумкин. Уларнинг барчаси жамиятдаги юз нафарга яқин қўли гул бунёдкорларнинг фидойи меҳнатлари самарасидир.

Анъанага кўра, ҳар йили август ойининг иккинчи якшанбаси – Қурувчилар куни сифатида муносиб нишонланади. Жамият раҳбари Юсуфжон Қорабоевнинг айтишича, мана шу байрамга жамоа ишчи-хизматчилари ташаббусни илгари суришган. Яъни, шу байрам арафасида Гулистон шаҳри ҳамда Боёвут туманидаги иккита объектни фойдаланишга топширишга аҳд қилишган. Мақсадга эришиш учун айна пайтда ишлар қизғин тус олган.



*Азиз ва муҳтарам қурувчилар,
Касб байраминиз
муборак бўлсин!*

**“Гулистон мадад
қурилиш” МЧЖ
жамоаси**

Давлатназар давлатдан, давлат Давлатназардан мамнун

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик ажодларимиздан қолган мерос. Мана, бир неча йилдирки, ана шу хислат халқимизнинг фидойи меҳнатлари билан ўз бўйини кўрсатяпти. Сирдарёлик Давлатназар Бердимуродов ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган қонунларимизга таяниб, ўзининг “Давр” хусусий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этади.



Тўғриси айтиш керак, “шаф-шаф” дегани билан шафтоли пишавермаслигини у дастлабки кезларда қалбан ҳис этди. Ишчи кучи, зарур техника воситаларини топишнинг ўзи бўлмади. Бироқ орийатли оилада тарбия топган эмасми, мақсадини амалга ошириш учун бор-будини корхонасининг келажагига тикди.

Пок ниятли инсонни Яратган ҳам қўллайди. Янгиер шаҳридаги 5-МТТни 6 млрд 481 млн сўмга тез ва сифатли қуриб битказганидан сўнг бирин-кетин буюртмалар туша бошлади. Тадбиркор қурилишлар жараёнида бундай ишларни камҳаражатли бажариш учун ишлаб чиқаришни ҳам шакллантириш лозимлигини англайди. Шу мақсадда корхонаси таркибига АКФА цехи, шпатлёвка тайёрлаш цехи ва пайвандлаш сингари яна кўплаб қурилиш ашёларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган цехларни ташкил қилиб, мутахассисларни жалб этади.

Кейинги тўрт йил оралиғида Ховос, Гулистон шаҳарларида бунёд этган бинолари, шулар баробарида вилоят кардиология диспансерини мукамал таъмирлаш ҳамда қайта реконструкциялаш, Ховосдаги ИИБ профилактика инспекторларига хизмат уйлари, Гулистон шаҳридаги “Янги ҳаёт” МФЙ биноси,



Боёвут туманидаги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамда бошқа ўнлаб объектларни барпо этишда ўз цехларида тайёрланаётган қурилиш материаллари асқатишидан ташқари, харажатларнинг камайишига имкон бермоқда.

Манфаатдорлик бор жойда ишлаб чиқариш ҳам бардавом бўлади. Корхона раҳбарининг ҳаракати билан бугунги кунда 100 нафарга яқин қурувчилар туманларда турли объектларни муддатида ниҳоясига етказиш учун ҳаракат қилишяпти. Ишчи-хизматчилар уч маҳал корхона ҳисобидан иссиқ овқат билан таъминланган, шунингдек, ўртача 3-3,5 миллион сўм миқдорида маош олишади. Улар

қанча кўп ҳаракат қилишса, корхона томонидан шунга муносиб рағбат топишини яхши билгани учун ҳам ишнинг сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратишяпти.

Бош муҳандис Мансур Мустафоқуловнинг айтишича, корхона ишчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида меҳнат таътиллари жараёнида ихтиёрига қараб санаторияларга йўлланмалар берилади, тўй ва тадбирларда моддий рағбатлантирилади. “Давр” хусусий корхонаси жамоаси томонидан бажарилаётган бунёдкорлик ишлари давлатимизнинг ҳам назарига тушган, кўплаб ишчилар фидокорона хизматлари учун муносиб тақдирланишган.



Обод қишлоқ, озод ҳаёт меваси,
Янги уйда янги бахтнинг эгаси.
Халқ шукридан нурафшон Ўзбекистон,
Эл ризоси – Юртбошининг ғояси.
Юртимиз бунёдкорларини касб байрами
билан самимий қутлаймиз.

“Давр” хусусий корхонаси
жамоаси.

Ҳар бирида ўзига хос МИЛЛИЙЛИК МУЖАССАМ

Сирдарё вилоятининг қиёфаси бугун таниб бўлмас даражада ўзгарган. Нафақат қиёфаси, балки одамлари ҳам энди ўттиз йил аввалги агросаноат мажмуига “боғлаб қўйилган” кишилар эмас. Истиқлол шарофати билан улар ҳар соҳада ўзлигини намойиш этиб, юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишга, бугундан кўра, эртага янада яхшироқ яшашга интилишаётганини кузатиш мумкин.

“Мирзачўлагроқурилишлойиҳа” МЧЖ ташкилоти ҳам мустақиллик яратган имкониятлар туфайли вилоят қиёфасини замонавийлаштириш, янги-янги бинолар барпо этиш ва аҳолига муносиб шароитлар яратиб беришда ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Бундан саккиз йил аввал асос солинган корхонанинг қисқа даврда шу даражага эришишига дастлаб кўпчилик унчалик ишонишмаганди. Аммо борни бор, дейиш керак. Ўттиз нафар лойиҳачиларни ўз бағрига бириктирган жамоа асосий эътиборни замонавий иншоотлар лойиҳасини тайёрлашга қаратишди ва ҳар бир қилинган ишни тегишли комиссияга асослаб беришди. Самараси эса вилоят миқёсида кўриняпти.

Лойиҳалар мукамал бўлса, талаб ҳам шунга мос бўларкан. Бунинг жамиятнинг кейинги икки йил оралиғидаги жойлардан тушган буюртмаларни бажаргани мисолида кўриш мумкин. Сайхунобод ҳамда Гулистон туманларидаги саломатлик йўлаклари, Ширин шаҳридаги Ёнғиндан қўриқлаш қисмида бунёд этилган бинолар, “Микрокредитбанк” ва Чегара қўшинлари учун маъмурий бинолар, Гулистон шаҳри ва Мирзаобод туманида қурилган МТТлар, шунингдек, туманларда янги бунёд этилаётган ҳамда реконструкция қилинган 32 та мактаб, тўртта кичик саноат зоналари, бешта туманда ичимлик сув

таъминоти бўйича лойиҳалар шулар жумласидандир.

Албатта, мазкур ишлар замирида, энг аввало, изланиш ва ташаббуслар, инсонларнинг заҳматли меҳнатлари мужассам. Вилоят, ҳатто республика миқёсдаги бунёдкорлик ишлари лойиҳаларида муносиб ҳиссасини қўшаётган жамоанинг Дилмурод Эшмуродов, Тоҳир Абдуазимов, Абдурасул Сафаров, Бобомурод Эшонхонов, Сайёра Иргашева сингари ўз соҳасини пухта ўзлаштирган лойиҳачилари янгиликлар яратиш бўйича тинмай изланишяпти.

– Давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифи давомида бошқа соҳалар қатори жамоамиз тайёрлаган жуда кўп лойиҳаларни ҳам кўздан кечиргач, “вилоятдаги етакчи лойиҳа ташкилот” мақомини бергани жамоадошларимизни руҳлантириб юборди, – деди “Мирзачўлагроқурилишлойиҳа” МЧЖ раҳбари Дилшодбек Файзуллаев. – Эътирофга муносиб тарзда ҳаракат қилиш эндиликда барча ходимнинг шиорига айланган. Айни кунларда мустақиллигимизнинг 30 йиллик тўйига жамоамиз ҳам ўз ҳиссаларини қўшиш мақсадида 20 дан ортиқ ижтимоий объектларнинг лойиҳасини тайёрлаб, жойлардаги иш жараёнини назоратга олишган. Уларнинг аксарияти қурилиб, фойдаланишга топширилди, қолганлари ҳам ўз муддатида адо этилади.



**Барчангизни касб байрамингиз
билан табриклар, эзгу
фаолиятингиз ва шахсий
ҳаётингизда янги ютуқ ва
омадлар тилаймиз.**

**“Мирзачўлагроқурилишлойиҳа” МЧЖ
жамоаси**

Мақсадимиз, замонавий лойиҳалар яратиш, – дейди “Нанопроект ва технологиялар” МЧЖ бошлиғи Жасур Ботиралиев

Ушбу жамиятнинг “Нанопроект ва технологиялар” деб номланишида ўзига хос маъно бор. Уни ташкил қилиш аввалида жамоа аҳли вилоятда мустақилликгача бўлган даврда қурилган турли хилдаги иншоотлар ва биноларнинг лойиҳаларини чуқур таҳлил этишади.



сида қурилатган кўп қаватли уй-жойларда, Сардоба сув тошқинидан талафот кўрган МТТларни реконструкция қилишда ўз натижасини берди. Эндиликда барча турдаги лойиҳаларни тайёрлашда ушбу жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратиляпти.

Шу кунларда инвестиция дастури бўйича қишлоқларда оилавий поликлиникаларни реконструкциялаш ҳамда Гулистон шаҳар марказида тадбиркор ва хунармандлар маркази лойиҳаларини яратиш юзасидан ишлар олиб бориляпти ва уларда юқоридаги сингари материаллардан кенг фойдаланишга эътибор қаратилган.

Айтиш жоизки, ҳар томонлама талабга мос лойиҳани тайёрлашнинг ўзи бўлмайти, бунинг учун тажриба, вақт ва изланиш талаб этилади. Жами-



ят аъзоларининг бу жиҳатдан ҳам ўз режалари бор. Яъни ходимлар малака ошириш учун тегишли ташкилотларга бориб тажриба алмашиши қатъий белгиланган. Ана шу тартибда


фаолият кўрсатаётган лойиҳачилар вилоят аҳлининг йиллар давомидаги орзуларини рўёбга чиқаришга ўз ҳиссаларини қўшишни асосий мақсадга айлантиришган.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, уларнинг аксарияти бир хил лойиҳалар асносида бунёд этилган ҳамда ишлатилган қурилиш материаллари оғир конструкцияли бўлиб, табиий иқлим талабларига мос эмас. Ана шу хатоликларга барҳам бериш мақсадида мазкур ном билан 2015 йилдан жамият ўз фаолиятини бошлади.

Орадан ўтган олти йил унчалик кўп давр эмас, бироқ жамоанинг турли иншоотлар учун тайёрлаб берган лойиҳа ҳужжатлари-ю айтса арзигулик бошқа ишлари ҳам бор.

Замонавий лойиҳалар жуда

кўп жиҳатлари билан аввалгиларидан фарқ қилади. Масалан, лойиҳачилар энергия тежамкорлигига эътибор бериб, вилоятдаги ҳар бир туманинг ер структураси, шўрланиш ва захлик ҳолатларини инобатга оляпти. Шулар асосида енгил конструкцияли, базалт каби материалларни ишлатишга, шунингдек, плиталардан фойдаланмасдан, ўрнига монолитни қўллашни жорий қилишмоқда. Бу эса вилоят хомашё биржаси, Мирзаобод туманидаги Давлат хизматлари агентлиги бинолари қурилишида, Гулистон шаҳридаги Тошкент кўча-



ОБОД ВАТАНИМИЗНИНГ ЗАҲМАТКАШ
ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА
КАСБ БАЙРАМИ МУБОРАК БЎЛСИН!

“Нанопроект ва технологиялар” МЧЖ
жамоаси



Юртимиз қурилиш соҳасида ўзинини мукаммал лойиҳалари билан катта ҳисса қўшиб келаётган лойиҳачиларни, бир-биридан иўзал бинолар қуришда таҳонни лол қолдираётган дунёдорлар ва дарға соҳа ходимларини касб байрами билан табриклаймиз.

Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз тўғрисида дунун ватанимиз ўзгача чирой оғмоқда. Ижодий ишларингиз, машаққатли ва шарафли фаолиятингизга сўнмас таъриф тилаймиз!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

Термизнинг бугунги қиёфаси ҳеч бир даврда бўлмаганди

Сўнги марта Термизга қачон бордингиз? Очиғи, кўпдан бери бу шаҳарга йўлингиз тушмаган бўлса, воҳа марказини таний олмаслигингиз мумкин. Чунончи, бугунги Термиз очиқ қурилиш платформасига айланган. Худудда катта-кичик қурилиш корхоналари қизғин иш фаолиятини давом эттириш билан бир қаторда, қадим кентнинг – воҳанинг ландшафтини-да ўзгартиришмоқда.

“Бино Иншоот Меъмор Лойиҳа” масъулияти чекланган жамиятининг ташкил этилганига кўп бўлган эмас. Аммо корхона раҳбари ва серғайрат жамоа Сурхондарёнинг кўп-лаб шаҳар-қишлоқларидаги қурилиш-таъмирлаш ишларида астойдил қатнашмоқда. 2018 йилда ташкил этилган жамиятнинг асосий фаолият тури, албатта, қурилиш режалаштирилаётган объектларнинг топографик тасвирлари ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашдан иборатдир.

Охириги йилларда корхона вилоят миқёсидаги туманлар ва шаҳарларда бир қанча ободончилик ишларини олиб борди. Жумладан, Сариосиё тумани “Маржона” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 100 ўринли 23-сонли мактабгача таълим ташкилотини мукаммал таъмирлаш, шунингдек, Олтинсой тумани “Жобу” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 24-мактабгача таълим ташкилотининг 140 ўринли кўшимча қурилишининг реконструкцияси учун топография ишлари олиб борилди. Хусусан, Термиз шаҳар Ат-Термизий кўчаси, 19 манзилгоҳидаги 3 қаватли маъмурий бино учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, Бойсун тумани Инкабод маҳалласи Омонхона қишлоғида меҳмонхона қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, Узун туманидаги У. Шамиев кўчасида қурилиши

режалаштирилаётган намунавий лойиҳа асосида 2 сотихли 3 хонали турар жой биноларини қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрланиши кўзда тутилган.

– Термиздаги ўзгаришлар ҳеч биримизни ажаблантирмайди, негаки, бу ўлкамизнинг барча ҳудудларини қамраб олган жараён, – дейди жамият раҳбари Асқарали Адинаев. – Шу кеча-кундуздаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари келажақда мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти учун бошпана бўлиб хизмат қилади. Бизнинг вилоятда ҳам ҳозирги кунда иншоот-бинокорлик бир қадар кенгайди. Бизнинг “Бино иншоот Меъмор Лойиҳа” масъулияти чекланган жамиятимиз ҳам ҳудуддаги қурилишларга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жамоамизда 15 киши фаолият олиб борса, шуларнинг 3 нафари бошқарув ходимлари, қолган қисми ишчи-лойиҳачилардир.

Ҳозирда “Бино Иншоот Меъмор Лойиҳа” жамоаси Музработ тумани ИИБ ҳудудида ёпиқ спорт мажмуаси, стадион ва саф майдони объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, топографик тасвирга олиш ва геология ишлари хулосаси ҳамда Архитектура режалаштириш топшириғи (АПЗ) 1-2-қисмини олиш билан биргаликда бир қанча йирик объектларнинг лойиҳаларини тайёрлаб, қурилишга топширган.



Охириги йилларда корхона вилоят миқёсидаги туманлар ва шаҳарларда бир қанча ободончилик ишларини олиб борди. Жумладан, Сариосиё тумани “Маржона” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 100 ўринли 23-сонли мактабгача таълим ташкилотини мукаммал таъмирлаш, шунингдек, Олтинсой тумани “Жобу” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 24-мактабгача таълим ташкилотининг 140 ўринли кўшимча қурилишининг реконструкцияси учун топография ишлари олиб борилди.



Сифат – бош мезон

Сурхондарё тупроғи тарихан кўплаб маданиятларга бешик вазифасини бажарган. Минг йиллар аввал Жайхун бўйида шаҳарсозлик анъаналари тараққий этган эди. Ўзбекистоннинг жанубий текисликларида жойлашган мазкур ҳудуднинг шаҳарсозлик кўриниши бугун ҳам ислохотлар марказида. Бунга гувоҳ бўлиш учун бир маротаба Термиз шаҳрига бориб кўриш кифоя. Вилоятдаги қурилиш-бунёдкорлик жараёнларида “Minora art dizayn group” масъулияти чекланган жамиятининг ўз ўрни бор.

– Ажаб бино экан, – дедим ёнимдаги архитекторлардан бирига. – Мебеллар уйи бўлса керак?!

– Меҳмон, тўғри топдингиз, бу “Шаҳристон” мебеллар уйи биноти, – деди архитектор кўрсаткич бармоғини юқори нуқаб. – Яқинда очилди!

– Шунақами? Ишқилиб, Термизнинг кўркам кўр қўшади-ган бўлибди...

– Шундай, меҳмон, бу иншоотни “Minora art dizayn group” масъулияти чекланган жамиятининг серғайрат жамоаси қуриб битирди. Бутун Сурхондарёда уларнинг “изи” бор.


Ҳа, юртимизда ободликка ташна, ислохотларни қўллаб-қувватловчи жамоалар ҳар ерда топилади. 2019 йилда ўз фаолиятини бошлаган “Minora art dizayn group” масъулияти чекланган жамияти шулардан биридир. Жамият яқинда ташкил этилганига қарамасдан вилоятнинг кўплаб шаҳар ва туманларида катта-кичик қурилишларни олиб борапти. Жумладан, Термиз шаҳрида 3 қаватли мебеллар уйи, “Яшил бозор” ҳудудида йирик кўп қаватли автотурагоҳ, шунингдек, Денов шаҳридаги бир қанча кўп қаватли уйларнинг қурувчисидир.

– Жамиятимиз ташкил этилганига кўп бўлмади, аммо бажарилган ишлар етарли, – дейди корхона раҳбари Баҳриддин Шербўтаев. – Асосан, хусусий ташкилотлар учун объектлар қурамыз. Айтишим керакки, жамият ташкил этишдан ав-

вал “Хумо дизайн” масъулияти чекланган жамиятида кўп йил давомида иш фаолиятини олиб бордим. Бу давр мен учун ҳақиқий амалиёт мактаби бўлди. Ҳозирги кунда “Minora art dizayn group” масъулияти чекланган жамиятининг таъсисчиси сифатида Сурхондарё вилоятининг шаҳар ва туманларида маиший хизмат кўрсатиш ва аҳоли турар жой биноларининг қурилиш лойиҳаларини тайёрлаб келяпмиз. Шунингдек, жамиятимиз мавжуд қурилиш жараёнларининг жойларда бажарилишини ҳам назорат қилади.

Ўзбекистонда қурилиш соҳаси сўнгги йилларда бир қадар юксалди. Қурилишни лойиҳалаш ва назорат қилиш каби соҳаларнинг мураккаблиги ва сифат даражалари оширилди. Бу борада Сурхондарё вилоятида иш олиб бораётган қурилиш ташкилотларининг ҳам масъулияти ортди. Албатта, қурилишда бу каби назарий мониторинг ҳаракатлари амалда мавжуд лойиҳаларнинг мукамаллик даражасини оширади. “Minora art dizayn group” масъулияти чекланган жамияти лойиҳаловчи ҳамда назорат этувчи ташкилот сифатида кўплаб бино-иншоотларнинг қурилишида жонбозлик кўрсатмоқда.

Сурхон воҳасининг бир қанча туманларида ресторанлар, кўнгилочар маскан ва сайлгоҳлар, истироҳат боғларининг ландшафт архитектураси лойиҳалари билан шуғулланмоқда.



Қадрли ҳамкасблар, байрамингиз билан табриклаймиз. Хонадонларингизга доимо тинчлик-хотиржамлик, файзу барака ёр бўлсин!

“Minora art dizayn group” МЧЖ.

Дастурлар бўйича Сурхон воҳаси янгиликларга бурканади

2009 йилда ўз фаолиятини бошлаган “Термиз тезкор қурилиш” ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилоти бугунги кунда Сурхондарё вилоятининг иншоот комплекси ва саноатини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, жамият иштирокчилари ҳамда меҳнат жамоаси аъзоларининг касбий малакасини оширишда жонбозлик кўрсатмоқда.



Мазкур корхона бугун Сурхондарёнинг барча ҳудудларида ўзининг бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда. Корхонанинг иккита пишиқ ғишт ишлаб чиқариш, иккита бетон ғишт ишлаб чиқариш цехи, иккита йўлкабоп плиткалар ишлаб чиқариш цехи ва алюмин ҳамда пластик ромлари, МДФ эшиклари ишлаб чиқариш цехлари, 1 та брусчатка цехи, 1 та бетон тайёрлайдиган мини заводи, том устига қўйиладиган плита цехи, 1 та асфальт завод, “RISE KLASTER” шолини қайта ишлаш цехи, “Эверест” ёқилғи қуйиш шохобчаси, Фитнес клуб, “Фаридун” номли ресторан, “Денов” савдо мажмуаси, “ISEBERG” (муз сарой) кўнгилочар дам олиш масканлари мавжуд.

– Мақсадимиз Сурхон воҳасининг барча ҳудудларига бунёдкорлик олиб кириш. Корхонамизда 216 киши доимий иш билан таъминланган, – дейди корхона раҳбари Хайитали Алламуродов. – Буларнинг 41 нафари бошқарув ходими, 10 нафари муҳандис ва 165 нафари ишчилардан иборат. Фаолиятимиз фақат ишлаб чиқариш билан чекланмаган. Биргина қурилиш ишларини амалга оширишда Сурхондарёнинг марказий ва чекка ҳудудларида кўплаб амалий ҳаракатлар амалга оширилди. Жумладан, 0,6 га майдонда жойлашган Термиз давлат университети талабалар ётоқхонаси, Халқ банки маъмурий биноси,

0,85 га майдонда жойлашган Имом Термизий номидаги халқаро илмий изланиш маркази, Сирдарё вилояти Бойсун туманида мажбурий ижро ва прокуратура биноси, Термиз шаҳри марказида 1,3 га майдонга жойлашган 154 хонадонли кўп қаватли турар жой биноси, Термиз шаҳри Боғишамол маҳалласида жойлашган 1 540 ўринли Президент мактаби, Термиз шаҳри Тупроққўрғон маҳалласидаги 2,1 га майдонга жойлашган “ISEBERG” (муз сарой) кўнгилочар дам олиш маскани, Денов туманида 22,5 га майдонига жойлашган савдо мажмуаси ва шу каби бир қанча йирик объектлар бизнинг корхонамиз томонидан қурилиб фойдаланишга топширилган.

Замонавий қурилиш анъаналарида инсон омилидан кўра, техникаларнинг аҳамияти юқори. Бу борада “Термиз тезкор қурилиш” ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотининг моддий-техник базаси керакли техника воситалари билан таъминланган. Уч дондан “МАН” ва “КамАЗ” русумли самосваллар, икки дондан “ХОВА” русумли ва “ИСУЗИ” русумли самосваллар, тўртта экскаватор погрузчик ва тягач, иккита лепхир, еттита автокран, битта автокўтаргич, учта минорали кран, ўн битта енгил автомашина, бир бульдозер Т-130, трактор, шунингдек, 84 та хар хил турдаги қурилиш мосламалари мавжуд.



*Маннатмонанд
юртимизнинг
азиз лойиҳачилари
ва қадрли бунёдкорларини
касб байрами
билан самимий
қутлаймиз!*



*Сизларнинг
меҳнатингиз
туфайли халқимиз
обод ва шинам
хонадонларда яшмоқда,
фарзандларингиз кўркам
таълим муассасаларида
билим олмақда.
Бу йўлда сизларга улкан ғайрат,
сўнмас шижоат ёр бўлсин!*

«O'ZBEKKOMMUNALLOYIH AQURILISH»
давлат унитар корхонаси жамоаси

Меъморчилик – энг яхши санъат

Тошкент вилояти деганда, асосан, оғир саноат тармоқлари кўз олдимишга келади. Аммо ҳудудда жами индустриал зоналар қатори қурилиш-архитектура соҳаси ҳам тараққий топган. Бу ерда кўп йиллик тажрибага эга меъморчилик жамиятлари иш олиб боради. 2006 йилда ўз фаолиятини бошлаган “ANGREN ME’MOR” масъулияти чекланган жамияти вилоятнинг архитектура майдонида ўз ўрнига эга бўлган ана шундай ташкилотлардан биридир.



Архитектура-қурилиш соҳаси мамлакатнинг салоҳиятини белгилаб берувчи омиллардан биридир. Ўлкамизнинг кўп йиллардан бери давом этиб келаётган қурилиш анъаналари ва кўникмаси бор. Аждодларимиз ўзларининг яшаб турган ҳудуднинг ташқи кўринишига айрича эътибор қаратган. Мустақкам, асрлар силсиласидан бут ўтиб келаётган тарихий обидаларимиз мавжуд. Бу унсурлар ўтмиш ота-боболаримизнинг юксак меъморлик закосидан далолат беради. Албатта, аждодлардан қолган яратувчанлик ҳисси, ободликка ташналик бугунги замондошларимизнинг феъл-атворида ҳам намоён бўлмоқда.

2014 йилдан буён шу кунгача экспертиза, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш билан шуғулланиб келяпмиз. Ҳозирги кунда бунортмачиларга маълум категориядаги объект ва хизматларни кўрсатяпмиз. Ангрен шаҳридаги масжидлар, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, фабрикалар, йиррик савдо марказлари қатори ижтимоий соҳа объектларининг қурилишида бевосита иштирок этдик. Келажакда барча тоифадаги архитектура-қурилиш жараёнларини қамраб олган кенг тартибдаги иш фаолиятини йўлга қўйишни кўзлаганмиз.

Халқимиз тилидаги қимирлаган – қир ошар нақли бежиз айтилмаган. Тажриба ҳар қандай ишнинг юксалишини таъминловчи унсурдир. Бу бевосита “ANGREN ME’MOR” масъулияти чекланган жамияти ва унинг ёш раҳбари учун ҳам тааллуқлидир. Чунки ушбу жамият амалий қурилиш моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ташкилотдан, архитектуранинг нозик бўлими ҳисобланмиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга қадар бўлган узун йўлни босиб ўтди. Мазкур ташкилот шу кунга қадар 700 дан ортиқ катта-кичик лойиҳа ишларини бажарган.

Ҳозирги кунда “ANGREN ME’MOR” масъулияти чекланган жамияти объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича III тоифадаги объектлар учун А ва Б гуруҳидаги уй-жой қурилиши учун объектлар ва комплексларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш, қурилиш объекти учун муҳандислик-техник қидирувларни бажариш, архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларининг айрим бўлимларини ишлаб чиқиш бўйича фаолият турлари, шунингдек, объектларнинг металл конструкциялари бўлимини лойиҳалаштириш, қурилиш объектларини мукамал ва жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари, бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш ва лойиҳалаштириш каби ишларни олиб боради.

– Жамиятимизнинг ўзига хос тарихи бор, – дейди корхона раҳбари Дониёр Эрматов. – 2006-2014 йиллар оралиғида асосан қурилиш моллари ишлаб чиқа-



Обод ва озод юртимиз бунёдкорларини
Қурилиш соҳаси ходимлари кун
билан табриклаймиз.

Қўлингиз асло дард кўрмасин,
ҳамиша соғ-саломат бўлинг!



“ANGREN ME’MOR” МЧЖ

Малака – иш сифатини кафолатлайди

– 1980 йил Паркент тумани ташкил этилди, – дейди “Меъмор” фирмаси раҳбари Манзирвай Сарбоев, – Ўша йили мазкур туманнинг архитектура бўлимида иш бошладим. Уч ярим йиллик фаолиятим давомида ҳудуд аҳолисининг шахсий уй-жой лойиҳасини тайёрлашда кўплаб мушкулотларга дуч келаётганининг шохиди бўлдим. Афсуски, ўша пайт туманда бу каби лойиҳаларни тайёрлашга ихтисослашган бирор ташкилот йўқ эди. Аҳоли шахсий уй-жойларини билганича лойиҳалаштирар, қураар эди. Бундай вазиятда менда аҳоли учун шахсий уй-жой лойиҳалари тайёрловчи гуруҳ ташкил этиш фикри пайдо бўлганди...



Малака ҳар бир ишнинг сифатини кафолатловчи унсур. Бунини “Меъмор” фирмаси раҳбари, “Шухрат” медали соҳиби Манзирвай ака Сарбоевнинг кўп йиллик фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Бўлажак фирма таъсисчиси 1978 йилда Тошкент Политехника институтини тугатгач “Узгипросельхоз” лойиҳалаш институти ҳамда Паркент туманига қарашли “Гулбоғ” давлат хўжалигида масъул лавозимларда иш олиб борди. Бу муддатни у кишининг ўзи “Қурилиш соҳасини амалда чуқурроқ ўрганиш учун”, дея эътироф этади. Касбини севган, қурилишнинг бор мушкулотларини англаган Манзирвай ака 1986 йилдан то 2008 йилга қадар Паркент тумани бош архитектори лавозимида фаолият юритди.

1988 йилда “Меъмор” кооперативини ташкил қилдим, – дейди у. – Кўп йиллик тажрибага эга архитекторларни ишга жалб қилдим. Бу кооператив уч йилдан кўпроқ вақт давомида аҳолига шахсий уй-жой лойиҳаларини тайёрлаб, қурилиш устидан назорат ишларини олиб борди. 1991 йилда лойиҳалаш кооперативлари ва шулар қатори “Меъмор” кооперативи ҳам тугатилди. 1994 йилда “Меъмор” фирмасини ташкил қилдим.

Фирма фаолиятининг дастлабки даврларида, асосан, яқка тартибда қурилган турар жой лойиҳалари тайёрланди. Секин-аста уй-жой лойиҳалари билан бир қаторда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кичик ишлаб чиқариш бинолари, совуқ-кичи омборхона (холодильник)лар, дала шийпонлари, чорвачилик ҳамда паррандачилик фермалари ва бошқа кўплаб шу каби бино-иншоотларнинг лойиҳалари ҳамда умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, коллежлар, касалхоналар ва бошқа бюджет ташкилотлари объектларини мукамал ва жорий таъмирлаш харажатлари қийматларини аниқлаш лойиҳалари тайёрланди.

Юқоричирчиқ тумани маркази бўлган Янгибозор қўрғониди, Қуйичирчиқ туманида ва Паркент шаҳрининг марказий қисмида нотариал идора ва ФХДЁ бўлими бинолари лойиҳалаштирилди. Шунингдек, Паркент шаҳри ва Янгибозор қўрғонининг марказий қисмида қад ростлаган 3-4

қаватли савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш шохобчалари, дорихоналар, туман шаҳар ва қишлоқларида ёшлар меҳнат гузарлари, Навбахор, Қорақалпоқ ва Чанги қишлоқларида эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари лойиҳалари ишлаб чиқилди.

– Фирмада 2010 йилдан буён раҳбар лавозимида ишлаб келаяпман. Бизда устоз-шогирд анъаналари юксак қадр топган, – дейди Манзирвай ака. – Бу ерда 15 нафар ходим фаолият юритади. Иш жараёни давомида мутахассислар амалиёт ва малака кўникмаларига эга бўлмоқда. Айрим ходимларимиз давлат бошқаруви ҳамда архитектура соҳасида масъул лавозимларни эгалляпти. Бундай саъй-ҳаракатларимиз давлатимиз томонидан эътироф этилиб, ўтган даврда “Шухрат” медалига лойиқ кўрилдим.

“Меъмор” фирмасининг ўзига хос мемуари бор. Уйлаймизки, бу жараён ҳали узоқ давом этади. Паркент шаҳрининг Бешкаппа маҳалласида 3 босқичда қурилган “Бешкаппа” жоме масжиди, Юқоричирчиқ туманининг Кавардон қишлоғида қурилаётган жоме масжид ва Паркент шаҳрининг Хўжа маҳалласида қурилиши бошланган “Бобо Мочин” жоме масжиди лойиҳалари ҳам “Меъмор” фирмаси ходимлари томонидан тайёрланди.

Ҳозирги кунда фирма мутахассислари томонидан хусусий тадбиркорларнинг буюртмалари асосида туманнинг “Шампан-Санганак” МФЙ ҳудудида “Соғломлаштириш маркази”, Номданак қишлоғи ҳудудида аҳолига маиший ва тиббий диагностика хизматлари кўрсатиш шохобчалари бўлган “Ёшлар меҳнат гузари”, Паркент шаҳри “Чуккайма” МФЙ ҳудудида оилавий мактабгача таълим муассасаси, “Бойқозон” МФЙ ҳудудида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахоналари, “Ёшлар меҳнат гузари”, Юқоричирчиқ туманининг Янгибозор қўрғониди 1-қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бўлган 2 қаватли турар жой биноси, Тошкент туманининг “Чигатой” МФЙ ҳудудида ишлаб чиқариш цехи ва омборхоналарнинг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жамиятнинг Фарғонадан Тошкентгача узун йўли бор

– Даставвал фаолиятимизни Фарғонада бошлаганимиз, – дейди “Раҳмон Умар Файз” масъулияти чекланган жамияти раҳбари ўринбосари Баҳром Аҳмедов. – Кейинчалик жамиятимизни Тошкент вилоятига кўчирдик. Ҳозирда вилоятнинг Нурафшон шаҳрида бино-иншоотлар қуриш ва таъмирлаш, шунингдек, қурилиш моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қувватларимиз мавжуд.

– Ака, Нурафшонга боришим керак, – йўл-йўлакай тўғри келган ҳайдовчига дедим. – “Раҳмон Умар Файз” қурилиш корхонасини биласизми?

– Нурафшонга борамиз, – ҳайдовчи шошиб жавоб берган бўлди. – Нурафшонда қурилиш корхонаси кўп, ўзингиз бориб кўрасиз. Эй, одамзод сўраб-сўраб Маккани топган экан. Ўтиринг, етказиб қўяман.


Ҳайдовчининг деганича бор экан. Нурафшон шаҳрининг ўзи бир кўрк-у, худуддаги катта-кичик корхоналарнинг залвори бир кўрк. Буларнинг орасида “Раҳмон Умар Файз” масъулияти чекланган жамияти ва унинг кўп сонли жамоасининг ўрни бўлакча. Мазкур жамият шу кеча-кундузда нафақат Тошкент вилояти, балки Тошкент шаҳридаги бир қанча объектларнинг қурувчиси ва таъмирловчиси ҳисобланади. 2009 йил тадбиркорлик субъекти сифатида Фарғона вилоятида рўйхатдан ўтган жамият 2016 йил Тошкентга кўчади.

– Жамиятимиздаги ишчиларнинг малака даражасига алоҳида эътибор қаратамиз, – дейди Баҳром Аҳмедов. – Малакали ишчилар ҳар доим сифат-

ли ишнинг таъминотчиларидир. Жумладан, жамиятимизда иш олиб бораётганлар орасида ўнлаб олий маълумотли мутахассислар бор.

Бугун мазкур корхона Тошкент вилоятидаги энг йирик қурилиш-таъмирлаш ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган муассасалардан бирига айланди. Биргина қурилиш моллари ишлаб чиқариш цехида йирик қувватларда бетон, плита, сув ва бошқа канализация тармоқлари учун қувур маҳсулотлари тайёрланапти. 10 та самосвал ва юк ташишга мўлжалланган техникалар, кранлар корхонанинг амалий иш жараёнларида қўлланилмоқда. Корхона, ўз ўрнида, Тошкент вилоятида кўплаб мактаб ва мактабгача таълим масканларининг қурувчиси бўлди. 70 нафар ишчи фаолият олиб бораётган корхона, нафақат Тошкент вилояти учун, балки Тошкент шаҳри миқёсида ҳам бир қанча қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб борапти. Жумладан, пойтахтимиздаги Хореография олий мактаби ва Цирк биналарининг мукамал таъмири “Раҳмон Умар Файз” масъулияти чекланган жамияти томонидан бажарилди.

Сергайрат ҳамюртларимиз орасида ишбилармонлар, эл-юрт равнақи ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш йўлида хизмат қилаётганлар бисёр. “Раҳмон Умар Файз” масъулияти чекланган жамияти ва унинг таъсисчилари ҳам бу йўлда кўплаб ижобий ишларни амалга ошириб келишмоқда. Ўйлаймизки, бу каби ҳаракатлар келажакда миллий ривожланишимизда аҳамиятли бўлади.



Барча қурувчиларни, лойиҳачи ва меъморларни
Ўзбекистон Республикаси
қурилиш соҳаси ходимлари кuni
билан муборакбод этамиз.

“Раҳмон Умар Файз” МЧЖ
жамоаси

Таромушликларни танимаганлар ҳам “Таромуш” МЧЖни яхши билади

Самарқанд вилоятига қарашли Таромуш қишлоғини ҳар ким ҳам билмаса керак. Аммо қурилишга алоқадор, архитектурани таниган киши борки, Тошкент вилоятида жойлашган “Таромуш” масъулияти чекланган жамиятини яхши билади. Жамият мазкур вилоятдаги бир қанча объектларнинг қурувчиси, қолаверса, кўп турдаги қурилиш моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхона ҳисобланади.

Самарқанд вилоятининг Таромуш қишлоғидан келган Болтабой Бозоров 1999 йил азим Тошкентда янги қурилиш корхонасини ташкил этади. Воҳанинг долғали ҳавосидан тўйинган бўлажак қурилиш корхонаси таъсисчилари корхонанинг номини ўз қишлоғи оти билан “Таромуш” деб атайди. Бугун қурилишга алоқадор шахслар “Таромуш” масъулияти чекланган жамиятининг серғайрат, камтарин жамоасини яқиндан танийди.

Қурилиш мураккаб жараён. Ҳар қандай иншоот пойдевордан тортиб, битгунига қадар кишидан матонат-у юксак масъулият талаб этади. Буни тушуниб етган, тўғри англаганлар бугун

доимий эътиборда. “Таромуш” масъулияти чекланган жамияти жамоаси ва таъсисчилари ҳам шундай тақдир соҳибларидир.

Жамият фаолиятида қурилишларнинг ўрни катта. Бугунгача Тошкент вилояти ёшлар маркази, Фавқулудда вазиятлар бошқармаси ходимлари учун хизмат уйлари, иш биноси ҳамда базаси, Тошкент шаҳрига алоқадор туманлардаги Ички ишлар бошқармасининг махсус иншоотлари, шунингдек, Ислоҳ тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан бир қанча мактаб ва коллежлар қуриб битказилди.

– 1994 йил Тошкент архитектура-қурилиш институтини тугатганман. Кўп йиллар қурилиш соҳасида иш олиб бордим.



Яқиндан мазкур жамият раҳбари сифатида ишлаб келяпман. Фирмаимиз бир турдаги фаолият билан чекланмайди, – дейди корхона раҳбари Аҳмад ака Жўраев. – Қурилишдан ташқари алоҳида қурилиш моллари ишлаб чиқариш платформамиз ҳам бор. Жумладан, кунлик 20 000 дона пишиқ ғишт, ҳар хил турдаги плиткалар, бетон маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган қувватларимиз мавжуд. Корхонаимизда 100 га яқин киши доимий иш билан

таъминланган. Шунингдек, қурилиш-ишлаб чиқариш жараёнларига мавсумлар оралиғида бозор шароитида талаб ва таклифнинг ортиси билан ёлланма ишчи кучини ҳам жалб қиламиз.

Корхонанинг моддий-техник базасини Россия, Хитой ва Европада келтирилган миксерлар, самосвал ва кранлар, юк автомобиллари ташкил этади. Ишлаб чиқариш цехида тайёрланган қурилиш моллари, асосан, корхонанинг ички ис-

теъмоли учун йўналтирилса-да, бир миқдордаги материаллар маҳаллий бозорга чиқарилади.

Ўзбекистоннинг архитектуравий кўриниши, қурилиш соҳаси сўнгги йилларда бир қадар юксалди. Бу мавжуд соҳа тизимида фаолият олиб бораётган корхоналарга кенг иш майдонларининг очилишини таъминлаб, иккинчи томондан уларга масъулият юклайди. Бу келажақда миллий қурилиш тизимимизнинг сифатини кафолатлайди.



Мамлакатимизнинг қурилиш соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизни касб байрами билан чин қалбдан табриклаймиз!

“Таромуш” МЧЖ жамоаси

Эзгу ишлар давом этяпти

Яқиндагина ўзининг қирқ ёшени қаршилаган Илҳомжон Алимов Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида туғилган. 2003 йили Самарқанд Олий ҳарбий билим юртини тамомлагач, Мудофаа вазирлигининг йўлланмаси билан Фарғонадаги ҳарбий қисмлардан бирига ҳарбий қурувчи-муҳандис сифатида хизматга юборилган. 2014 йили нафақага чиққан Илҳомжон ота касбини танлади ва мана беш йилдирки кўп тармоқли “Vodiy yukcak omad ta’mir” МЧЖни бошқариб, вилоятнинг турли туман ва худудларида бири-бирдан гўзал бинолар қуриб, юртдошларимизга қувонч улашмоқда.



Ўтган вақт ичида у қилган ишлар сифатлилиги билан раҳбарларнинг эътиборига тушди. Фарғона вилояти ҳокими унга Бағдоднинг “Мурувват” массивидаги турар жой бинолари қурилишини охирига етказиш юзасидан ишонч билдирди. Мазкур массивда тадбиркор ҳисобидан 5 қаватли 20 хонадонли ҳамда давлат бюджетидан ажратилган маблағга 420 ўринли мактаб қурилиши жадаллик билан олиб бориляпти. Ушбу объектлардаги ишларнинг 80 фоизи якунига етказилди. Уйларни республикамиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Бундан ташқари Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли “Тез тиббий ёрдам” биносида реконструкция ишлари амалга ошириляпти. Мазкур объект учун давлат ҳисобидан 15 миллиард сўм молиялаштирилган. Шундан 3,5 миллиард сўми ўтган йили сарфланган бўлса, жорий йил охиригача объект тўлиқ топширилиши лозим эди. Лекин бунёдкорлар буни ҳам мустақиллик арафасида топширишни режа қилишмоқда.

Ҳозирги кунда жамият вилоятнинг Фарғона ва Сўх туманлари ҳамда Қўқон шаҳридаги объектларда иш олиб боряпти. Жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақ-

садида битта 5 қаватли, 48 хонадонли ва 1 та 36 хонадонли, барча қулайликларга эга комплекс уйлар, шунингдек, 30 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ва ҳарбий хизматчиларнинг аёлларини иш билан таъминлаш мақсадида чевархона ҳам қуриляпти.

“Vodiy yukcak omad ta’mir” МЧЖ вилоятдаги “Ягона буюртмачи хизмати” ҳамда “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниялари буюртмалари асосида ўтган йили Қўқон шаҳридаги Миён ҳазрат мадрасасини жорий таъмирлади. Шунингдек, Данғара туманидаги Увайсий ёшлар маркази биноси, Фарғона шаҳридаги Халқаро Корея-Ўзбекистон универ-

ситети талабалари учун ётоқхона ҳамда намунавий лойиҳалар асосида ҳарбий хизматчилар учун кўп қаватли бино-иншоотлар қурилди.

– Жамиятимизда ёшларга катта эътибор берилади, – деди ҳисобчи-муҳандис Рима Хобилова. – Ана шуни эътиборга олиб бу йил янги объектларда уларнинг сафини яна юзлаб мавсумий ёшлар билан тўлдиришни мақсад қилдик ва асосан қурилиш коллежларини битирган, соҳадан хабардорларни ишга қабул қилиб, мураббийларга бириктириб қўйяпмиз. Ҳозир жамиятда доимий 100 нафар ва мавсумий 550 нафар ёшлар иш билан таъминланган.

Улкан қурилиш майдонида
меҳнат қилаётган
қадрли қурувчиларга
байрам муборак бўлсин!



“Vodiy yukcak omad ta’mir” МЧЖ жамоаси



*Ҳурматли қурилиш
соҳаси ходимлари,
барчанизни
касб байрами
билан самимий
қутлаймиз!*

**«ToshuyjoyLITI» АЖ
жамоаси**

“Боғотмахсуссупудрат” ИШОНЧНИ ОҚЛАЯПТИ

Табиат инжиқликларига ҳамоҳанг бўлиб қолган Шимол шиддатининг беўхшов қилиқлари Хоразм вилоятининг меҳнаткаш халқи учун янгилик эмас. Орол денгизи муаммоси йил сайин кучайиб бораётгани воҳа табиатини кескин ўзгартиришга интилмоқда. Бироқ мана шу замин аҳолисининг ишбилармонлиги ва тадбиркорликка катта аҳамият бераётгани туфайли ҳар қандай хавф-хатарнинг олди олинапти. Фидойи халқнинг заҳматли меҳнатлари туфайли бугун вилоят маркази ҳамда туманлар қиёфаси тубдан ўзгариб борапти, ҳар қадамда бири-бирини такрорламайдиган, миллийлик асосида қад ростлаган турар жойлар-у кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхоналари, маиший марказларни учратиш мумкин.

Бошқа соҳалар сингари вилоят агросаноат мажмуида ҳам кейинги йилларда ислохотлар изчил давом этапти. Маълумки, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг тупроқ таркиби республикамизнинг бошқа минтақаларидан кескин фарқланади. Ерости суви яқин бўлгани учун экин майдонлари катта меҳнат талаб этапти. Айниқса, ўтган асрнинг саксонинчи йилларидан бошлаб асосий ерларнинг кескин шўрланиш ҳолатига киргани инсонлар организмига ҳам салбий зиён кўрсатди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан ҳукуматимиз бу офатнинг олдини олиш учун барча чора-тадбирларни қўллаб, экинзорлар ҳолатини меъёрлаштириш қаторида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга жиддий эътибор қаратиб келмоқда ва бунга қанча маблағ зарур бўлса, аямаяпти.

“Боғотмахсуссупудрат” масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сонли қарорига асосан “Ўзсувқурилиш” АЖ таркибидан



ги ихтисослаштирилган корхоналардан бири сифатида қайта ташкил қилинган. Аслида у шу пайтгача Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилдаги қарорига кўра, “Боғотдавсуммахсуссупудрат” давлат унитар корхонаси сифатида ичимлик суви таъминоти ҳамда суғориш иншоотлари ва бошқа соҳаларни обиҳаёт манбаига бўлган талаб-эҳтиёжларини узлуксиз таъминлаш, мавжуд ирригация-меллиорация тизимларини замон талабларига мослаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшди.

Жамият раҳбари Орифжон Тоировнинг таъкидлашича, давлатимиз раҳбарининг қарорларидан сўнг жамият иш фаолияти қайта кўриб чиқилиб, талаб даражасига келтирилди. Ҳозирги кунда жамоада 93 нафар ишчи-ходим бор. 13 та экскаватор, 3 та бульдозер, 2 та юк ташувчи машина, 5 та трактор ва бошқа техникалар жамоанинг асосий таянчи. Улар кўмагида барча буюртмалар ва “Обод қишлоқ” ҳамда “Обод маҳалла” давлат дастурларига киритилган ҳудудларда зовурларни тозалаш, ичимлик суви йўлларини тар-



тибга келтириш, маҳаллалар, қишлоқлар атрофини ободонлаштириш ишлари оби-тобига келтирилмоқда.

Айни кунларда “Боғотмахсуссупудрат” корхонасида ишлар янада қизғин паллага кирган. Бунга сабаб шуки, жамоа жорий йил бошида ўтказилган тендер савдоларида фаол қатнашиб, тўққизта ирригация ва меллиорацияга ихтисослашган асосий объектларда бажарилиши керак бўлган 20 млрд сўмлик ишларни ютиб олди. Ҳисоб-китобларга қараганда, шу кунгача объектларда 60 фоиз ишлар сифатли

қилиб бажарилган, қолганлари ҳам меъёрига етказилаяпти.

– Мақсадга тезроқ эришиш учун ишлар икки сменада ташкиллаштирилиб, механизатор ва ишчилар учун кўчма ётоқхона, озик-овқат маҳсулотлари ҳозирланган, – деди жамият раҳбари Орифжон Тоиров. – Чунки бажараётган юмушларимизни кўрган айрим корхоналардан яна кўплаб буюртмалар оляпмиз, уларнинг барчасини йил охиригача удаллашимиз керак. Ана шунда ишончни оқлаймиз ва бунга имкониятларимиз етарли даражада.



Ирдимзонлик қурувчи

Кейинги йилларда мамлакатимиз катта қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланди, десак муболаға бўлмайди. Чунки, тадбиркорлик, саноат, таълим, тиббиёт, ҳуқуқий соҳа ёки мудофаа тизими, фуқароларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи учун қанчадан-қанча бино ва иншоотлар, уй-жойлар қурилди. Ҳатто, иморат қуришга қурби етмайдиган оилаларга ҳам уйлар берилди.

Шунча бунёдкорлик ишлари қандай амалга оширилди? Албатта, қўли гул қурувчиларнинг ёрдами, меҳнати билан. Ана шундай қурувчилардан бири – хивалик бунёдкор Шохназар Рўзметовдир. У “Ирдимзон қурилиш” хусусий корхонасининг раҳбари. Айни дамда унинг корхонасида

вилоятининг тўртта ҳудудида жойлашган катта объектларда бир вақтнинг ўзида таъмирлаш, қурилиш ишларини олиб бормоқда.

– Мен болагимдан қурилиш соҳасига қизиққанман, – дейди Ш. Рўзметов. – Ҳовлимизда уй ҳайвонлари учун турли

қурилиш соҳасида меҳнат қилдим. Катта лойиҳалардан энг биринчиси Қўшқўпир туманида мактаб қурилиши бўлди.

“Ирдимзон қурилиш” хусусий корхонаси шу кунга қадар юзга яқин санъат ва мусиқа мактаблари, тиббиёт муассасалари, болалар боғчалари, бир ва кўп қаватли уйларни қуриб фойдаланишга топширган. 2012-2013 йилларда Хивада яна бир хайрли ишга қўл урилди. Шаҳарга кираверишда “Болалар меҳрибонлик шаҳарчаси” қурилиши бошланди. 7 гектардан ошиқ майдонни эгаллаган бу шаҳарчада 18 та икки қаватли уйлар бунёд этилди. Кенг хонали уйларнинг барчаси замонавий жиҳозлар билан жиҳозланди. Бу уйларнинг ҳаммаси Хива шаҳридаги 20-сон меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар учун қурилди. Ушбу шаҳарчанинг қурилиши учун давлат томонидан 13 миллиард сўмдан ошиқ маблағ ажратилди ва бу шаҳарча қурилишини “Ирдимзон қурилиш” хусусий корхонаси бунёдкорлари амалга оширди. Шаҳарчада болалар учун барча шароитлар яратиш мақсадида спорт иншоотлари, маданий-маърифий масканлар,

сув ҳавзалари ҳам ишга туширилди. Бу ҳам Хиванинг янги шаҳарсозлиги намуналаридан бирига айланди.

Ҳозир Янгиариқ туманида МИБнинг янги биносини, Урганч тумани марказида мақом мактаби, Қорамон маҳалласида эса беш қаватли кўп квартирали хонадон, вилоят перинатал маркази, онкология маркази каби объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ҳар қандай бино ёки иншоотни қуришда тажрибали моҳир усталар зарур. Ёши тегурвчилар бригадасининг раҳбари Ўктам Авезов эса қўл остидаги саккиз нафар ишчиси билан ҳар бир объектни сифатли ва ўз мудда-

Сифат доимий равишда текшириб борилади. Уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланганмиз. Бунёдкорликда анжоминг бут бўлса, ишингда унум бўлади. Шунинг учун раҳбарият ҳамisha асбоб-ускуналаримизни янгилаб боришга ҳаракат қилади. Юртимизнинг гўзал ва кўркем бўлиши учун бинолар қуришдан чарчамаймиз.

Шохназар аканинг уч нафар ўғли бор, уларнинг иккитаси ёнида бўлса кенжаси хорижда талаба. Уларни вояга етказишда эса Шохназар ака турмуш ўртоғи Фотима опага суянади.

Ўзбекистонни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида бунёдкорлик, яратувчилик,



юздан ортиқ фуқаро доимий иш билан таъминланган. 2003 йилда янги иш бошлаган пайтда корхонада 10 нафар ишчи бўлган. Шу сабабдан фақатгина кичик объектларни олиб, таъмирлашган. Айни дамда Хоразм

кўринишда бошпаналар қураддим. Мактабни тугатгач, қурувчилик касбини танладим. Тошкент темир йўл институтининг қурилиш факультетида таҳсил олдим. Олийгоҳни тугатиб қайтганимдан сўнг, туманимизда



тида қуриб битказишга ўрганган.

– Қарийб ўн йилдан буён шу ерда ишлайман, – дейди Ўктам Авезов. – ойлик маошимиз ҳам жойида. Йигитларим ҳар қандай усулда ёши тегурвчилар билан

қайта қуриш ишлари, уни обод, кўркем, ҳар жиҳатдан тараққий этган мамлакатга айлантириш учун меҳнат қилаётган “Ирдимзон қурилиш” хусусий корхонасининг ишларига муваффақиятлар тилаб қоламиз.



Отасидан меъморликни ўрганган Қувондиқ Рўзметов ҳикояси

Ота-она оламдан ўтар экан унинг давомчилари бўлган фарзандларига уй-жой, мол-мулк ёки бошқа моддий-номоддий мерос қолдириши бор гап. “Хоразм архитектура лойиҳа қурилиш” хусусий корхонаси раҳбари Қувондиқ Рўзметовга эса икки ёшида отасининг орзулари, мақсадлари ва шу билан бирга меъморлик касбига бўлган иштиёқи энг олий мерос бўлиб қолди.

Суҳбатда Қувондиқ Рўзметов отасининг касбини эгаллашга туртки бўлган омиллар ҳақида гапириб берди.

– Отам Тошкент шаҳридаги олийгоҳнинг архитектура йўналишида ўқиб юрган пайтида автохалокат туфайли вафот этган. Ўша пайтда мен икки ёшда бўлганман. Ушбу мудҳиш воқеадан сўнг онамнинг армонли ва мунгли аллалари орқали, балким унинг бағрида ётарканман қайноқ меҳри билан бирга “Отангни давомчиси бўлгин, болам!” деган ўтинчини мурғак қалбим билан ҳис қилгандирман. Мактабга чиқмасимдан олдин расм чизишни бошлаган эканман. Мактабда ҳам ушбу истеъдодимни устозларим пайқаб қолишган. Бир марта кўрган нарсаларимнинг барча деталларини эслаб қолардим ва тасвирлашга ҳаракат қилардим. Кейинчалик сездимки, отамнинг истеъдоди ва қобилияти ҳам менга мерос қолган. Мактабда ҳам олийгоҳда отам каби архитектор бўламан, деган мақсад билан ўқидим. Шу касб сирасорларини қунт билан ўрганишга ҳаракат қилдим ва ҳозир ҳам ўрганипман.

– Архитектура соҳасидаги меҳнат фаолиятингиз қачон ва қандай бошланган?

– 1990 йилда Тошкент политехника институтининг архитектура факультетини тугатиб келганимдан сўнг, Урганч шаҳар архитектура бўлимида архитектор бўлиб ишга жойлашдим. Қарийб ўн йил давомида шу бўлимда мутахассисликдан то шаҳар бош архитектори вазифасигача меҳнат қилдим. Икки йил Хоразм вилояти архитектура бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ва 2012 йилгача Урганч шаҳар ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари вазифасида ишла-

дим. Шундан сўнг давлат ишидан бироз чекиниб, хусусий лойиҳа ташкилоти ташкил қилиб, шу йўналишда ўз фаолиятимни давом эттира бошладим.

– Давлат органида шунча йил турли лавозимларда ишлаб, бирданига хусусий секторга ўтишингизга нима сабаб бўлган?

– Бунинг ҳаммаси бирданига бўлмаган. Вилоят ва шаҳар архитектура тизимида ишлаган пайтларимда ҳам турли бино ва иншоотларнинг лойиҳасини ишлашда лойиҳа ташкилотла-

ғўзал меъморчилик объектиларини яратишга киришдим.

– “Хоразм архитектура лойиҳа қурилиш” хусусий корхонасини ташкил қилганингизда мутахассисларни қандай танлагансиз?

– Хусусий корхонамиз фаолиятининг бошида 10 нафар ходим билан бошлаган бўлсак, айни дамда уларнинг сони 26 нафарга етди. Уларнинг барчаси олий маълумотли. Алоҳида йўналишлар бўйича архитекторлар, дизайнер, конструкторлар,



ри томонидан тақдим этилаётган ишланмалардан қониқиш ҳосил қилмасдим. Ҳатто, бир қанча объектиларнинг лойиҳасини ўзим тайёрлаб, “лойиҳа муаллифи” деган жойига бошқаларнинг номлари ёзилган. Ўша даврдаги вилоят раҳбарлари ҳам қайсидир лойиҳадан кўнгли тўлмаса, менга топширадиган бўлиб қолишди. Қурилиш объектининг лойиҳасини тузиш, қайсидир маънода ўзимга ҳам ёқарди. Негаки, лойиҳа тузишда ижод қилиш мумкин. Меъморчилик соҳасида лойиҳачи нафақат билимли балки, иқтидорли ижодкор ҳам бўлиши лозим. Кунларнинг бирида мен касбий йўналишимни ўзгартирдим ва

сантехник, электрик, иссиқлик технологи, бош режа тузувчи ходимларимизнинг кўпчилиги жуда тажрибали мутахассислар. Хуллас, корхонамизда қурилиш объектининг барча қисмларига алоқадор мутахассисларимиз фаолият юритишмоқда.

– Қурилиш объектининг лойиҳасини тайёрлашда асосий эътиборни нималарга қаратасиз?

– Бирон бир объектининг қурилиш лойиҳасини тендерда ютиб олганимиздан сўнг, барча мутахассисларимиз ушбу объектининг эскизларини тайёрлайди. Объектининг жойлашув архитектура-си тегишли ташкилотлар билан



келишилганидан кейин пойдевори, конструкцияси ҳисоб-китоб қилинади. Албатта, ҳар бир лойиҳани яратишда объектининг биринчи навбатда мустақкам бўлиши, сифатли ва унинг қиймати ҳам нормада бўлишига ҳаракат қаламан. Лойиҳанинг мукамал бўлиши учун жойлашган ҳудуди, остидаги тупроқ қатламнинг геологик тузилиши, ҳудуднинг инфратузилмаси, яъни газ, электр, сув, канализация тармоқларига қандай уланиши, йўлга нисбатан жойлашиши, қуёш тушиши, шамол эсиши барчаси инobatга олиниши шарт. Айниқса, мактаб, мактабгача таълим ташкилотларининг биноси, тиббиёт муассасалари каби ижтимоий объектиларда хоналарнинг жойлашишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

– Сиз яратган лойиҳаларда замонавий ва тарихий меъморчилик услублари қандай ўрин тутуди?

– Албатта, бугунги куннинг талаби замонавий технологиялар билан ишлашни тақозо этмоқда. Айниқса, ақлли уйлар ва уларга жорий этилаётган замонавий технологиялар лойиҳага ўзгача ёндашув талаб этади. Мисол, учун ҳозирда барпо этилаётган Урганч давлат

университетининг янги биноси, Урганч шаҳри марказидаги кўзи ожизлар учун замонавий кутубхона биноси тўлиқ замонавий АКТлар билан жиҳозланган. Қадимий услуб борасида эса мен ҳамма лойиҳаларимизда дизайн жиҳатидан шаҳарсозлик ва миллий меъморчилигимиз уйғунлигини таъминлашга ҳаракат қиламан. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Хива шаҳрига ҳар сафар борганимда ўзим учун янги бир нарсани ўрганиб қайтаман. Аждодларимиз меъморчилик соҳасида бизга жуда катта мерос қолдирган. Уларнинг илмига ва маҳоратига бутун дунё тан беради. Яқинда Хива шаҳридаги “Ичан” ва “Дешан” қалъа атрофида жойлашган ҳозирда фуқаролар яшаётган маҳаллалар ўрганилди. Ишонасизми, узоқ йилдан буён қад ростлаб, ўз ҳолатини йўқотмаган уйлар бор экан. Уларда олтинчи, еттинчи авлод вакиллари истиқомат қилмоқда. На емирилиш, на шўрланиш бор. Шу сабабдан аждодларимиз меросини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қиламан. Ҳар бир лойиҳа миллий руҳда тайёрланиб, замон талабларига жавоб бериши керак. Биз, соҳа вакиллари бу йўлда тинимсиз меҳнат қилишга ва яхши натижага эришишга ҳаркат қиламиз.



Мақсадлари, Янги Ўзбекистонга янги иморатлар қуриш

Азалдан бунёдкор халқмиз. Бунёдкорлик фазилати қон-қонимизга сингиб кетган. Бир неча минг йилларга бориб тақаладиган қадимий обидаларимиз бунга мисолдир. Хоразмлик қурувчи Азимбой Ёрматов ҳам ота-боболари шарқ дурдонаси Хива шаҳрининг қурилишида ҳиссалари бор эканига ҳечам шубҳа қилмайди.

Унинг ўзи ҳам қураётган ҳар бир биноси бир неча йил эмас, балки бир неча асрлар қад ростлаб туришини хоҳлайди. У раҳбарлик қилаётган “Шовот темир бетон” хусусий корхонасида бир юз йигирма нафар ишчи ишлайди. 2002 йилда ўз фаолиятини бошлаган корхона қарийб йигирма йил мобайнида турли кўриниш ва аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриб фойдаланишга топширди.

Айни дамда эса Ўзбекистон миллий гвардияси Хоразм вилояти бошқармаси учун янги бино барпо этмоқда. Умумий ҳажми 12 миллиард сўмни ташкил қиладиган қурилиш объектига 17 та қурилиш техникалари жалб этилган.

Айни дамда хусусий корхонада тўрт нафар олий маълумотли қурувчи-муҳандис бунёдкорлик жараёнлари бекаму кўст бўлиши учун кеча-кундуз назорат олиб бормоқдалар.

– Бунёдкорлик ишлари ҳам қатъий назорат остида бажарилиши лозим, – дейди қурувчи-муҳандис Бекпўлат Бобожонов. – Чунки қурилиш жараёнида йўл қўйилган кичик хатолик ҳам бир кун келиб, ўз таъсирини кўрсатади. Биз аждодларимиз каби буюк иморат қуришни истасак албатта, пухта ва аниқ ишлашимиз керак. Менга 2017 йилда берилган “Фидокорона меҳнатлари учун” ордени кичик меҳнатимга давлатимизнинг берган катта эътибори деб биламан. Ёш қу-

рувчиларни тарбиялашдан, мустақкам бино ва иншоотларни барпо этишдан асло чарчамайман.

“Шовот темир бетон” хусусий қурилиш корхонасида ишлаётган қурувчиларнинг ўртача ойлик маоши уч ярим миллионни ташкил қилади.

Ёш қурувчи Шокир Отажонов эса жамоасининг ютуқларига маошининг асло алоқаси йўқ, барчасига сабаб “оғзибирчилик”да деб билади.

– Ташкилотимизнинг саксон фоизини ёшлар ташкил қилади, – дейди Ш. Отажонов. – Ишга яхши кайфиятда келиб, яхши кайфиятда қайтамыз. Раҳбарият иссиқ овқат, кийим-кечак билан таъминланишимиз ва дам олишимиз учун ҳамisha шароит яратиб беради. Шароит яхши бўлса, меҳнат қилиб роҳатланасан, киши. Ишингда ҳам унум бўлади.

Дарҳақиқат, юртимизнинг қайси гўшасига борманг, қурилиш материаллари ташиб кетаётган улкан юк машиналарига, тинимсиз ишлаётган кранларга кўзингиз тушади. Ўзимиздан қиёс – қайси шаҳарда яшашимиздан қатъи назар, унинг бирор кўчасига бир-икки йил бормасак, ногоҳ йўлимиз тушганида адашиб қолишимиз рост. Янги қад ростлаган бинолар эски тасаввурдаги мўлжални бузиб юборади. Муҳташам саройлар, бино ва иншоотларнинг барпо этилишида эса бунёдкорларимизнинг ҳиссалари беқиёс.




Барча қурувчиларни, лойиҳачи ва меъморларни
Ўзбекистон Республикаси
қурилиш соҳаси ходимлари кунини
билан муборакбод этамиз.

“Шовот темир бетон” МЧЖ

Афсонавий шаҳарнинг иқтидорли меъморлари

Иморат асоси пойдевор ҳисобланади. Аммо ўша пойдеворнинг мустақамлиги, мукамал ва пухта қурилиши, ўз навбатида, унинг лойиҳасига боғлиқ. Афсонавий Хоразмнинг кўҳна Урганч шаҳрида “Лойиҳа қурилиш люкс” хусусий корхонаси томонидан яратилаётган мукамал лойиҳалар асосида қад ростлаётган иншоотлар ўтмиш билан келажакни ўзаро тўлдириб тургандек гўё. Бир томонда олис ўтмишнинг гувоҳи бўлмиш минораю мадрасалар, бошқа томонда эса шаҳарга ўзгача гўзаллик бағишлаб турган замонавий бинолар Урганчнинг бугунги қиёфасини яратишда бош омилга айланган.



тектураси билан шуғулланиш, топографо-геодезик муҳандислик қидирув ишларини олиб бориш, лойиҳа пешҳисоб ҳужжатларини тайёрлашдан иборат.

Сўнгги уч йилда юртимизда қурилиш ҳажми ҳар доимгидан ортганига барчамиз гувоҳ бўлиб келяпмиз. Қувонарлиси, бундай ўзгариш юртимизнинг ҳар бир ҳудудида кўзга ташланмоқда. Жумладан, Урганч шаҳри ҳам бугун улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган масканга айланди.

Қурилиш ҳажмининг ортиши эса “Лойиҳа қурилиш люкс” каби лойиҳа ташкилотлари фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Охириги йилларда пешма-пеш яратилаётган лойиҳалар асосида эса бир-бирдан чиройли бинолар қад ростлаб, шаҳар кўрмига ўзгача гўзаллик бағишламоқда. Ушбу лойиҳа ташкилоти ижодкорлари томонидан сўнгги 3 йилда 120 дан ортиқ объектларнинг лойиҳа-ҳужжатлари ишлаб чиқилгани ҳам фикримизнинг исботидир.

Бундай кўркем бинолар лойиҳасининг аксарият ижодкорлари эса 2008 йилдан буён фаолият юритиб келаётган “Лойиҳа қурилиш люкс” хусусий корхонасининг мутахассисларидир. Корхона ўз фаолияти давомида соҳага тегишли қонунлар, фармон ва бошқа нормаларга асосланиб ишлашга одатланган. Хусусан, “Хусусий корхона” ва “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлар асосида иш олиб бориши натижасида бугунга қадар фаолияти юзасидан бирор камчилик аниқланмаган.

– Корхонамизда бир-бирдан мукамал, замонавий технологиялар асосида лойиҳалар яратиб келаётган 39 нафар ишчи-ҳодимларнинг 85 фоизи олий маълумотли малакали кадрлардан иборат, – дейди фахр билан ташкилот директори Хушнуд Ибрагимов. – Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашида ташкилотимиз томонидан яратилаётган қўпгина лойиҳаларнинг фойдаси тегаётганидан қувонамиз. Билимли мутахассислар жамланган жамоада доимо янги ғоялар, ноёб фикрлар туғилиши бор гап. Зеро, яратилаётган ҳар бир лойиҳага ўзига хос янгилик киритиш ҳодимларимиз шioriга айланган. Шу боис, лойиҳаларни яратишда бир-бирига

ўхшамайдиган жиҳатларини топшига, аввалгисида қўлламаган усулларни қўллашга интиламиз. Миждозларимизнинг ишимиздан розилиги биз учун энг муҳимидир.

Бугун Урганч шаҳри, умуман, Хоразм вилоятида ушбу корхона мутахассислари яратган ижод намуналари асосида бунёд этилаётган турар жойлар,

ишлаб чиқариш бинолари, ирригация иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Муҳими, ҳар бир иншоотнинг дизайни ва архитектураси ўзига хос бўлиб, бир-бирини асло такрорламайди.

Айнан мана шу хусусияти орқали “Лойиҳа қурилиш люкс” ўтган 13 йил мобайнида йирик қурилиш лойиҳа ташкилотлари

орасида ўз номи ва ўрнига эга бўлиб келмоқда.

Корхона фаолиятининг асосий йўналишлари турар жой, жамоат ва саноат ишлаб чиқариш бинолари, ирригация тизимлари ҳамда ерларни капитал текислаш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, бинолар архитектураси ва дизайнини ишлаб чиқиш, ландшафт архи-



“Мақсадимиз – ободонлаштиришга ҳисса қўшиш”, – дейди “Чинобод қурилиш” корхонаси ишчилари

2004 йилнинг баҳори эди. Ҳукуратимиз сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтириш, туризмга ихтисослашган қадимий ёдгорликлар ва шаҳарларни ободонлаштириб, у жойларда саёҳатчилар учун муносиб шароитлар яратиш бўйича жиддий саъй-ҳаракатларни бошлаб юборди. Айти шу жараён бошланишидан бироз аввал Хива шаҳрида “Чинобод қурилиш” хусусий корхонаси ҳам энди ташкил этилганди.



Тадбиркорлар аксарият ишларга таваккалчиликка таяниб, ишга киришиши бор гап экан. Мазкур жамоа аҳли ҳам ана шу ақидага амал қилиб, Хива шаҳридаги айрим обидаларни реконструкциялаш ва ободонлаштириш бўйича ўтган тендерларда қатнашиб, ўнга яқин объектда ғолиб бўлди. Ўзига ишонмаган баъзи рақобатчилар “бу ташкилот тадбирларда бекор қатнашди,

ҳали кўрамиз, ишни аро йўлда ташлаб кетишади”, дейишди.

102 нафардан иборат жамоа ён-атрофда бўлаётган гапларга берилмасдан ишга жиддий киришди. Зарур қурилиш материаллари пешма-пеш етказилиши таъминланди. Кези келганида, иш жадвали икки сменага ўтказилди. Бунёдкорларнинг тўла қувват билан ишлашлари учун неки керак бўлса, барчаси раҳбар томонидан етказилди.

Самараси ҳам шунга лойиқ бўлди, саккиз ой давомида режалаштирилган ишларнинг деярли барчаси сифатли қилиб удрланди. Хива шаҳри атрофини ободонлаштиришда бу жамоанинг кўрсатган хизматлари айти пайтда нафақат юртимиз аҳлини, балки чет эллардан келаётган сайёҳларни ҳам ҳайратга соляпти. Миллийликни тўла ўзида акс эттирган хизмат кўрсатиш корхоналари ва савдо расталари, меҳмонхона кабилар жамоанинг изланишлари самарали ҳамда ўз соҳасини пухта ўзлаштирганликдан далолат беради.

Ҳозирги кунда хорижликниқидан қолишмайдиган замонавий бинолар қуриш давр талаби. Бунёдкорлар олдиға қўйилаётган бу талаб “Чинобод қурилиш” корхонаси қурувчи-

ларини ҳам соҳада изланишлар қилиб, буюртмачилар талабига мос иморатларни барпо этишга ундаб келяпти. Бу борадаги тажрибаларни мукамал ўзлаштириш учун зарур бўлганда, хорижликлардан ҳам ўрганишга эътибор қаратилмоқда. Масалан, биргина 2020 йилда амалға оширилган 13,878 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари асосан хорижликлар тажрибаси асосида бўй кўрсатди.

Қурилиш соҳасида азалдан битта ақида бор: “ҳақиқий қу-

бино қуриш, Бош прокуратура ҳузуридаги ИЖҚК Департаменти Хоразм вилояти бошқармаси маъмурий биносини жорий таъмирлаш сингариларда олиб борилган иморатсозлик юмушлари замонавий шаклда қурилгани ва таъмирлангани жамоа обрўйини оширяпти. Булардан ташқари, ўтган йилларда мазкур корхона томонидан Хоразм вилоятининг бир қанча туманларида ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий объектлар, мактаблар ҳамда МТТ бинолари қад ростлаган.



рувчи иш изламайди, аксинча, ишнинг ўзи қурувчини излаб келади”. Жамоа бунёд этган сифатли объектлар уларнинг шу даражага эришишларига шароит яратди. Бугунги кунда буюртмачилардан тушаётган илтимослар фикрга яққол мисолдир. Жумладан, Ҳазорасп туманидаги марказий ичимлик сув тизимларини қуриш ва қайта реконструкция қилиш, Хива шаҳридаги Қиёт маҳалласи аҳолисининг фарзандлари учун 180 ўринли мактабгача таълим ташкилотини барпо этиш, Тошкент вилояти Касаба уюшмалари бирлашмасига маъмурий

Президентимизнинг ташаббуслари билан бошланган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини талаб даражасидек удралашдан мана шу корхона аъзолари ҳам бошқа турдош ҳамкасбларидан ортда қолмаяпти. Йилнинг ўтган даврида вилоятдаги Қўшқўпир, Хонқа, Урганч ва Гурлан туманларида ўнга яқин мактабларнинг бинолари таъмирланиб, қўшимча синфхоналар қуриб битказилди. Шунингдек, мана шу туманлардаги кўпгина ички йўлларга ишлов берилиб, у ерда истиқомат қилувчи аҳоли учун қулай шароитлар яратилляпти.





*Монажон ватанимизнинг барча бунёдкорларини
касб байрами билан тадриклаймиз.*

*Меҳнатингиз тўғрисида бунёд этилаётган осмонулар бинолар,
муҳташам иншоотлар, кўркам боғлар, равшан йўллар, кўприклар
юртингиз чиройли чирой қўймоқда.*

*Амалга ошираётган бунёдкорлик ишларингизда сизларга ҳамisha
омад ёр бўлсин. Шарафли ва масъумиятли касбингиз ортидан эл
назарига тушиши бахти насиб этсин!*

Тошкент шаҳар
Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат
инспекцияси жамоаси

“Мен учун ишнинг сифати биринчи ўринда”

– дейди “Bunyod Plyus Rivoj” МЧЖ раҳбари Ғайрат Мусамуҳамедов

Куннинг айна қизиган палласига қарамай биз борган объектда иш авжида экан. Қурувчи усталарни ишдан қолдирмаслик мақсадида энг аввал мактаб директорига учрашдик. Олмазор туманида жойлашган Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернатда 2019 йилдан буён катта ҳажмдаги қурилиш-реконструкция ишлари олиб борилмоқда.

– Мактаб-интернатни 2019-2020 ўқув йилига тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 3 628 717,5 сўм маблағи ҳисобига “Bunyod Plyus Rivoj” МЧЖ томонидан ўқувчилар турар жойининг бир қисми (200 ўрин) жорий таъмирдан чиқарилган эди, – дейди биз билан суҳбатда таълим маскани директори Жамолдин Камолов. – Шундан сўнг, Бош буюртмачи – Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси томонидан молялаштирилган 4,3 млрд сўм маблағ ҳисобидан мактаб-интернатнинг А блок асосий ўқув биносининг барча қаватида жамият томонидан мукамал реконструкция ишлари амалга оширилди.

Айни пайтда 2021 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ ажратилган 15,0 млрд сўм маблағ эвазига мактабда чала қолган ишлар жадаллик билан давом эттирилмоқда. Асосий ўқув биносидан таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари, ётоқхонанинг 2-ярим қисмида реконструкция ишлари, спорт майдонида замонавий мини-футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, югуриш йўлаклари барпо этиш ишлари ўз натижасини кўрсата бошлади. Реконструкция ишлари 2022 йилда бутунлай якунланиши режалаштирилган.

2010 йилда ташкил қилинган “Bunyod Plyus Rivoj” МЧЖ жамоаси мана, ўн йилдирки

ана шундай ишларни амалга ошириб келмоқда. Асосан ижтимоий соҳа объеклари қуришга ихтисослашган жамият илк ташкил қилинганда ишни атиги беш нафар киши билан бошлаган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 50 дан ошган.

Аслида, Ирригация институтининг автомобилларга хизмат кўрсатиш факультетини битирган Ғайрат ака қурилиш соҳасига тасодифан кириб келмаган. У 1997 йилдан буён қурилишда ишчидан тортиб бригадир, мастер ва прорабикни ҳам қойилмақом қилиб бажарган. Соҳада тажрибаси ошгач, раҳбар сифатида каттагина жамоани бошқариб келмоқда.

Пойтахтимизда ушбу жамият меҳнати эвазига бунёд этилган объектларни санаб адоғига етмайси. Жамоа 10 йил давомида Ўзбекистон ҳаво йўллари объеклари, шаҳар прокуратураси биноси, Миллий банк ва Ўзсаноатқурилишбанк филиаллари каби юзлаб давлат идоралари биносининг кўркамлигига ўз ҳиссасини қўшган. Нафақат қурилиш, балки таъмирлаш, реконструкция ва капитал реконструкция ишларини ҳам сифатли бажариш бўйича уларга тенг келадиган жамоа кўп бўлмаса керак.

– Ушбу мактабдан ташқари, фаолиятимиз давомида яна кўплаб таълим муассасаларини капитал таъмир ва реконструкция қилганмиз, – дейди Ғайрат Мусамуҳамедов. – 2015 йилда



Яшнобод туманидаги 147-мактабга таълим ташкилотини реконструкциядан чиқардик. 2016 йил эса худди шу туманда жойлашган Темирийўл коллежини тўлиқ ва Юнусобод тумани суд биносининг фасад қисмини таъмирладик. 2017 йили Яшнобод туманидаги 416-МТТ реконструкция ишларини 500 та боғча ичидан энг биринчи бўлиб якунлаганимиз учун ҳатто туман ҳокимининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландик. 2018 йили Мирзо Улуғбек туманидаги Мудофаа ишлари бўлими ва Миробод тумани ёшларни чақиривга тайёрлаш пункти ҳам реконструкция қилинди. Юнусобод туманидаги 1-боғча янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди ҳамда 202- ва 253-МТТ бинолари реконструкциядан чиқарилди. Қарерда, қандай ишни қилмайлик, мен учун биринчи ўринда сифат туради. Ишчилардан ҳам доимо шуни талаб қиламан.

Пойтахтимиз қиёфасининг кўркамлиги учун чин дилдан меҳнат қилиб келаётган Ғайрат Мусамуҳамедовнинг отаси ҳам шу соҳа вакили бўлган. Мақо-

ламиз бошида айтганимиздек, Ғайрат ака ҳақиқатан ҳам бу соҳага тасодифан кириб келмаган. Бунда у кишига устозлик қилган, қурувчилик касбига қизиқтирган инсон унинг отаси бўлади.

– Қўлимдан иш келгандан буён отамнинг ортидан қолманман, – дея болалигини хотирлайди у. – Мактабдан таътилга чиқишим билан отамга эргашиб, объектма-объект юриш менга катта завқ бағишларди. Отам қурувчи, кафелчи, бригадир бўлиб кўп йиллар меҳнат қилган. У кишидан кафель теришни ва молярчилик ишларини ўрганман. Улғайганим сари шу соҳада суягим қотди. Мактабни битирганимда ўзим бемалол қурилишда ишлай оладиган даражага етгандим. 1997 йили ҳарбий хизматдан қайтиб келгач, ганч ишига қизиқиб қолдим ва дўстим билан Нурулла уста ва Муҳиддин усталардан ганчкорлик сирларини ўргандик.

Қачон одамнинг ўз ишидан кўнгли тўлади? Қачонки, унинг меҳнати туфайли бошқалар қувонса ёки ўзгаларга нафи тек-

канини ҳис қилса. Қаҳрамонимиз Ғайрат Мусамуҳамедов эса бу борада жуда омадли. Чунки ҳар бир қурилган ёки таъмирдан чиқарилган объект ўз эгаларига топширлар экан, улар миннатдор бўлиб, “Умрингиздан барака топинг!”, “Шу бинони қурган қўлларингиз дард кўрмасин!” деб дуо қилишади. Ғайрат аканинг айтишича, худди ана шу вазиятда ойлаб, йиллаб қилган меҳнатининг роҳатини ҳис этаркан...

Ҳа-я, яна бир гап, “Bunyod Plyus Rivoj” МЧЖни юртдошларимиз нафақат қурилиш-таъмирлаш ташкилоти, балки қўли очик, сахий ҳомий сифатида ҳам танишади. Боиси, жамоа ҳар бир қурган ёки реконструкция қилган объектнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, иш охирида совғалар билан “сийлаш”га одатланган. Айниқса, болажонлар қувончи учун, қолаверса, чин кўнгиладан совға сифатида боғчаларга кондиционер, музлатгич, телевизор, ўйинчоқлар ва керакли жиҳозларни совға қилиш анъанага айланган.



Ўз ишининг усталари йиғилган жамоа

– Кечирасиз, Олмос маҳалласига тўғри келдимми?

– Ҳа, мана шу маҳалланинг номи Олмос.

Хайрият, адашиб қолдимми деб ўйлаётгандим. Чунки атиги икки-уч йил олдин келганимда маҳалла бутунлай бошқача қиёфада эди-да. Ўшанда ҳайрон бўлгандим, “Наҳотки, пойтахтимизда ҳамон шундай эски, кўримсиз маҳаллалар бор бўлса?” деб. Аммо унинг бугунги кўркамлиги аввалги таассуротимни йўққа чиқарди.



Текис ва равон кўчалар қурилиб, бир-бирдан замонавий кўп қаватли уйлар қад ростлабди. Янги иншоотлар орасида қуриляётган яна бир бино эса ўтган-кетганининг эътиборини тортмай қолмайди. Чунки унинг ташқи дизайни оддий уй эмас, балки қандайдир ижтимоий объект эканлигидан далолат бериб турибди.

Адашмаган эканмиз, янги уйларга ярашиб турган бу янги бино “Қойир бобо” МЧЖ томонидан қуриляётган замонавий поликлиника экан.

Яшнобод туманидаги Олмос маҳалласида қад ростлаётган ушбу поликлиника биноси 4 қаватдан иборат бўлиб, 250 беморни қабул қилишга мўлжалланган. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмасига кўра, бунёд этилаётган ушбу объект қурилиши шу йилнинг январь ойида бошланган бўлиб, тўртта қаватда 110 та хона бўлиши режа қилинган. Поликлиникада лаборатория, УЗИ, дезинфекция, даволаш, ВОП, тез ёрдам хонаси ва стоматология каби йўналишларга мос алоҳида хоналар қурилиб, жиҳозланиши кўзда тутилган. Умумий майдони 3 368 квадрат метрни ташкил қиладиган ҳудудда қуриляётган поликлиника биноси майдони 713,8 метр квадратдан иборат. Иш сўнггида бино атрофидаги 1 070 метр квадрат майдон кўк-ламзорлаштирилади. Ушбу объект сентябрь ойида топширилиши режалаштирилган.

– Фирмамизда 85 нафар доимий ишчи фаолият кўрсатади, – дейди “Қойир бобо” МЧЖ раҳбари Эргаш Тоиров. – Ушбу объектда эса айтилган 70

нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Ишимизнинг кўпчилигига ёққан жиҳати шуки, ишчиларнинг барчаси ўз йўналиши бўйича моҳир усталар. Шу боис, буюртмачилар ҳозирга қадар қурган бирор-та иморатимиздан камчилик топиб, шикоят қилган эмас. Ўз навбатида улар учун яхши шароит яратишга, моддий ва маънавий таъминлашга ҳаракат қиламиз. Ишчилар ётоқ жой, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Керак пайтда яхши ишлагани учун рағбатлантирамиз. Бу ҳам уларга янада куч-ғайрат бағишлайди.

Ишнинг кўзини билган одамга, муаммонинг ўзи йўқ. Жамоанинг тўғри ташкил қилинган иш фаолияти улар қурган биноларда ўз аксини топган. Яъни, “Қойир бобо” МЧЖда ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида жамоалардан иборат усталар гуруҳи меҳнат қилади. Ҳар бир объект қурилишида уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиб келинмоқда. Бу вақтни тежаб, имкониятни янада оширади. Чунки бир жамоа битта объектда ишини тугатгач, бемалол бошқасида янги ишни бошлаши мумкин. Хусусан, вентиляция жамоаси, 30 кишидан иборат пардозчилар, кафелчилар, замонавий услубда ишловчи гипсокартончилар, фасадчилар, алкафончилар каби жамоалар ҳар бир объектнинг юқори сифат ва чиройли кўринишда қурилишини таъминлаб келмоқда.

Тадбиркор бир соҳа билангина чекланиб қолмаслиги керак, деган ширга амал қилиб келаётган Эргаш ака бошчилигидаги ушбу жамоа аксарият маҳсулотларни фирма таркибидаги цехларда ўзлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган. Хусусан,



махсус акфачилар жамоаси цехда ҳар бир қуриляётган объектга мос ҳолда эшик-ромлар ишлаб чиқаришади. Бундан ташқари, фирма таркибида “Феруз” мебель ишлаб чиқариш цехи фаолият ҳам йўлга қўйилган.

– Корхонанинг асосий фаоли-



ят тури ижтимоий объектларни бунёд этиш ҳисоблангани учун, ишчиларнинг тажрибасига катта эътибор қаратамиз, – дейди иш юритувчи Асилбек Бобоқулов. – Ўзим Россиянинг Белград шаҳридаги “Айсберг” фирмасида 6 йил давомида иш юритувчи бўлганман. Ўша ерда орттирган тажрибам юртимиздаги қурилишларда қўл келмоқда. Қурувчилик ишида назариядан кўра, тажриба муҳимроқ. Жамоадаги йигитларнинг орасида хорижда тажриба орттириб қайтганлари анчагина. Ўз ишининг устаси билан ишлаш осон. Бир марта тушунтирсангиз, қолганини ўзи билиб қилаверади. Бегзод Эркинов билан Икром Лутфуллаев кафель теришда жуда моҳир, гипсокартон бўйича эса Абдор Рўзмуродовнинг олдида тушадигани йўқ.

Жамият ҳисобидаги 1 та экскаватор, 1 та кран, 2 та “КамАЗ”, “Кia” русумли юк машиналари ишчиларга беминнат ёрдамчи. Объектлар қурилишида асосан юртимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларидан фойдаланилмоқда. “Кнауф” гипсокартонлари, “Мехмаш”, Бекободнинг металл, “Durable beton”, “Ангрен керамика”, Сирдарё “Пенгшен” заводи маҳсулотлари туфайли жамоа қурган иношоотлар пойтахтимиз чиройига янада чирой қўшиб келяпти.

“Қойир бобо” МЧЖ шу кунга қадар пойтахтимиздаги бир қанча объектларни сифатли қуриб, фойдаланишга топширган. Чинобод санаторийси ёнида ҳозирги қуриляётган объект лойиҳаси асосида 49-оилавий поликлиника биносини қуриб, шу йилнинг март ойида фойдала-

нишга топширишди. Шунингдек, 246-, 12-, 219-, 240-мактабларда ҳамда 253-, 314-, 500-сонли МТТларда реконструкция ва қурилиш ишлари олиб борилган. Ангрен ФХДЁ ва Зангиота тумани нотариус бинolari ҳам айнан мана шу жамоа “маҳсулоти” ҳисобланади.

– Иш жараёнида лойиҳага баъзи ўзгартиришларни киритишга тўғри келади, – дейди прораб Маъмур Рўзмуродов. – Масалан, пойтахтимиздаги 219-мактабнинг ички дизайнини яратишда шундай вазиятга дуч келганмиз. Фирмамиз дизайнери билан маслаҳатлашган ҳолда яратган янги қиёфамиз буюртмачига ҳам маъқул келган. Ҳар бир ишга ижодий ёндашиш ишчиларга қўядиган илк талабимиздир.

1994 йилда Бухорода очилган фирма 2010 йилда “Қойир бобо” МЧЖ сифатида фаолият бошлаган. Шу боис, жамоа нафақат пойтахтда, балки Бухоро вилоятида ҳам бир қанча ижтимоий соҳа объектлари қурилиш-таъмирлаш ишларида бош-қош бўлган. Айтилган пайтда эса жамоа ишчиларининг бир қисми Қорақўл туманида 180 ўринли мактабгача таълим ташкилотини қуриш ишлари билан банд.

Кейинги режалар ҳақида сўраганимизда Эргаш Тоиров бизга шундай маълумотларни айтди:

– Республика архиви агентлиги учун учта ангар биносини қуриб бериш ишларини бошлаш арафасидамиз. Шунингдек, йигитлар Юнусобод тумани 13-, 14-, 15-мавзелада “Обод маҳалла” давлат дастури бўйича қурилиш-ободонлаштириш ишларини олиб бормоқда. Аҳилбод, Севинч, Юнусота маҳаллаларидаги кўп қаватли уйлар фасади, ўриндиқлар, йўлаклар жадаллик билан таъмирланаяпти.

Қачонки, бир ишнинг бошидан тутдингизми, ўша соҳанинг энг моҳири бўлиб етишишигиз керак. Ана шунда сизни бошқалар тан олишади, танишади. Ҳар соҳада ижодкор, ўз ишининг усталари жамланган “Қойир бобо” МЧЖ жамоасини ҳам 11 йиллик фаолияти давомида қурган, қуриб келаётган иморатлари уларни юртимиз бўйлаб янада кўпроқ танитишига шубҳа йўқ.

Инновацион йўл лойиҳалари – замон талаби

Аввалги йўллар билан бугунгисини асло таққослаб бўлмайди. Бир пайтлар қишда лой, ёзда чангдан “боши” чиқмаган кўчалар бугун ойнадек товланиб, йўловчилар узоғини яқин қияпти. Йўлсозларнинг ютуқлари замирида эса йўл лойиҳалари яратувчиларининг меҳнати катта. Улардан бири, “Йўл-Лойиҳа бюроси” МЧЖ 20 йилдан зиёд вақт мобайнида бош лойиҳа ташкилоти сифатида минглаб йўллар лойиҳасини яратиб келмоқда. Тузилган пайтида атиги 20 кишидан иборат бўлган МЧЖда бугун 275 нафар мутахассис 21 та бўлимда фаолият юритади. Ташкилотнинг республика бўйича 14 та филиали мавжуд.

МЧЖнинг бу йилги фаолияти билан танишиш жараёнида ҳамма соҳада бўлгани каби энг биринчи навбатда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида бажарилаётган лойиҳаларга қизиқдик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5048-сон қарори билан тасдиқланган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ички йўлларни қуриш ва таъмирлаш параметрлари тасдиқланган. Ажратилган маблағлар ҳисобидан 10 114,4 км ички йўллар қурилиши ва таъмирланиши белгиланган. Ушбу давлат дастурлари доирасида бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудуди, ҳар бир қишлоқ ва маҳалласидаги йўллар МЧЖ мутахассислари томонидан яратилган лойиҳалар асосида жадал суръатда таъмирланмоқда. Биргина Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятидаги 264 км йўл айнан шу дастурга кўра таъмирланиши кўзда тутилган.

белгилаб қўйилди. Автомобиль йўллари тармоғининг ўзгариши хатловдан олдин 184 минг, хатловдан кейин 209 496 км эканлиги аниқланди. Ички хўжалик йўллари хатловдан олдин 16 560 км, хатловдан кейин эса 141 882 км эканлиги маълум бўлди. Уларнинг 74 218,6 км қисми таъмирталаблиги аниқлангач, катта миқдорда маблағ ажратилди. Иш ҳажми ҳам шунга яраша. Айни пайтда дастур бўйича, маҳалла ва қишлоқлар йўлларини асфальтбетон қилиш ва грунт йўлни шағалга ўтказиш ишлари қизгин давом этмоқда.

– Айни пайтда юртимизнинг ҳар бир ҳудудида инновацион йўл лойиҳалари асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда, – дейди “Йўл-Лойиҳа бюроси” МЧЖ бош мутахассиси Беҳзод Холиқов. – Самарқанддаги М37 йўлининг 0-3,5 км.да жорий таъмирлаш (мукамал таъмирлаш элементлари билан), М37А йўлининг 33-41 км.и (8 км),

вий мустаҳкамловчи моддалар қўшиб, майдалаб, барабан ичида аралаштирилади, қайтадан ўша ернинг ўзига ётқизиб, текислаб чиқилади. Деярли йўл тайёр. Бюро томонидан тақлиф этилган лойиҳаларда бу усулнинг афзалликлари, қанча маблағ тежалиши аниқ белгилаб берилган. Илмий тадқиқот институти ходимлари томонидан битта участкада синовдан ўтказилганда, бу усул ўзини яхшигина оқлади. Ушбу технология ёрдамида келажакда юртимиздаги 500-600 км йўл таъмирланиши режалаштирилмоқда. Бу айниқса, қум-шағал каби йўл қуришда кўп ишлатилган материаллар камёб бўлган Хоразм ва Қорақалпоғистондаги 3-4-категорияли йўлларни қайта қуришда асқатиши шубҳасиз.

Яна бир инновацион усул Самарқандда қурилаётган учта йўлнинг лойиҳасида қўлланилмоқда. Бу йўллар асфальтбетон устига яна шундай қоплама ётқизиб, таъмирланиши режалаштирилган. Лекин йўлнинг айрим жойларида ёриқлар бор. Шу сабаб базальт сетка (геосетка) қўлланилган. Агар пастдаги ёриқ устидан янги қоплама ётқизилса, бир оз муддатдан кейин ёриқ яна тепага чиқиб қолади. 10 йил хизмат қилишга мўлжалланган йўл икки йилда таъмирталаб аҳволга тушади. Янги усулда ёриқ устидан базальт сеткани қўйиб, сўнгра асфальтбетон ётқизилмоқда. Базальт сетка ёриқни тепага кўчиб ўтишини секинлаштиради. Мутахассиснинг айтишича, бундай геосеткалардан хориқлик йўлсозлар анчадан буюн фойдаланади. Бизда бу бўйича маблағ, маълумот ва тажриба етишмагани учун шу пайтгача қўлланилмаган.

Бундан ташқари, геосинтетик материаллардан қумли йўлларда ҳам кенг фойдаланиш мумкин экан. Масалан, Қорақалпоқ ва Хоразм вилоятидаги йўлларни қуришда бу усул қўл келади. У ерга тош материалларини бошқа жойдан ташиб келиш қimmatга тушади. Агар қумга тўғридан-тўғри тош материаллари ётқизилса, сурилиб кетади. Геосетка эса уни мустаҳкам ушлаб туришга ёрдам беради ҳамда қатлам қалинлигини камайтиришга имкон яратади.

Самарқанддаги йўлларда эса сув қочириш тизими бўйича илк бор янги усулдан фойдаланилди. Олдин йўл четларида лотоклар бўларди. “Йўл-Лойиҳа бюроси” МЧЖ мутахассислари томонидан ўша лотокларни ер остидан ўтказиш лойиҳаси яратилди. Ушбу ёпиқ дренаж тизими ёрдамида йўллар четида эндиликда умуман лотоклар кўзга ташланмайди. Сув бордюргача келиб, махсус ўрнатилган қувурлар орқали ер ости қудуқларига тушиб тўпланади. Бу усул Тошкент шаҳридаги Фарғона ва Юнусобод йўли лойиҳаларида ҳам қўлланилган.

Инновацион йўл лойиҳаларида қўлланилган геотекстил материаллари ҳам юртимиз йўл қурилишида ҳали янгилик ҳисобланади. Бу усулдан Назарбек ҳудудидан ўтувчи 4Е253 йўли лойиҳасида илк бор фойдаланилди. Ушбу йўналишда поезд йўли билан автомобиль йўли кесишмаси мавжуд. Янги лойиҳадаги йўл темирйўл остидан ўтказилган бўлди. Ер ости йўлидаги намликни камайтириш, сув ўтишини олдини олиш мақсадида қўлланилган геотекстил материаллари худди елим идишни майдаланганига ўхшайди. Қуртқаларни ичида сув ўтказмайдиган матоси бўлганидек, бу геоматолар ҳам йўлни сув ўтказмаслигини таъминлаб беради.

Бу каби янги усуллардаги лойиҳалар асосида бунёд этилаётган равон ва кўркам йўллар юртимиз фаровонлиги учун ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Хусусан, Дўрмон йўлида грунтдан 2,5 метр девор қўтарилиб, йўл четида тўсиқ қилинган ҳам йўлсозликдаги сўнгги янгиликлардан бўлди. Тошкент вилоятининг Қибрай ҳамда Юқори Чирчиқ туманларидан ўтувчи 19,2 километр узунликдаги янги автомобиль йўли ана шундай илғор ёндашувлар асосида барпо этилди. Ўзбекистон автомобиль йўллари давлат кўмитасининг “Йўл-Лойиҳа бюроси” МЧЖ ходимлари ҳам янги йўл лойиҳаси устида кунларни тунларга улаб, қунт ва ижодкорлик билан ишлашига тўғри келди.

– Аксарият йўлларимизда тасмалар 3,75 метр кенгликда бўлгани боис, кўпинча, ўша ерда турган автомобиль ёнига бошқаси ҳам келиб қўшилади, – дейди Беҳзод Холиқов. – Боиси, енгил машинанинг кенглиги ўртача 1,80 метр, автобусларники эса 2,5 метр эканини ҳисобга олсак, шаҳар йўлларида одатий тасмалар кенглиги битта автоулов учун катталиқ қилади ва бундан бошқалар фойдаланишга уринади. Натижада, шу жойнинг ўзида тирбандлик юзага келиб, чорраҳанинг ўтказиш қобилияти тушиб кетади. Автоҳалокат содир



Бош мутахассиснинг айтишича, бу усул бошқа йўлларда ҳам қўлланилаётган экан. Масалан, М39 йўлининг 44 км.да цементбетон қопламадан олдин геоматодан фойдаланилган. 4Р253 йўлида қўллаш бўйича лойиҳа тайёр.

– Ер остидан ўтувчи лотоклар, сув шимувчи матолар (геотекстил), геосеткалар (базальтсетка) ва совуқ ресайклер каби инновацион йўл лойиҳалари ҳозирча юртимизда унчалик кенг ривожлангани йўқ, – дейди Беҳзод Холиқов. – Биринчидан, бу соҳада тажриба етарли эмас. Иккинчидан, бу йўналишларда мутахассислар деярли йўқ. Шу боис, кўпгина лойиҳачилар бу инновацион усулларни ҳали қўллашга чўчийди. Натижада, вилоятларда ҳам аъёнавий усулда йўллар қурилиши ҳамон давом этмоқда. Бизнинг ташкилотимиз ходимлари охириги яратган ишларида асосан инновацион усулларни қўллаяпти. Лойиҳада бундай усулларнинг афзалликларини кўрсатамиз. Масалан, геосеткадан фойдаланганда мустаҳкамлик қай даражада бўлади-ю қўлламасак конструкция қандай ҳолатда бўлишини таққослаб, ечимни, нархигача чиқариб берамиз.

бўлиш эҳтимоли янада ортади. Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, йўл тасмалари кенглиги 3,5 метр бўлишига қарор қилдик. Бу тажриба Европада ҳам оммалашган. Уларда ҳатто 2,75-3,25 метр кенгликдаги йўл тасмалари ҳам бор. Бироқ 3,5 метр кенглик энг мақбул танлов сифатида кўпроқ қўлланилади.

Бир гап бор: қайси соҳани эгалласанг ҳам, ўшаларнинг орасида энг зўри бўлишиг керак. Шунда қилган меҳнатинг бекор кетмайди. Жамоада Шухрат Солиев, Баҳром Усмонов, Беҳзод Холиқов, Ғуломхўжа Муҳиддинов, Шаҳноза Расилова, Даврон Баракатуллаев каби янгиликка ўч, замонавий билимларни пухтаб эгаллаб, фаолиятида қўллаётган меҳнаткаш ходимлар туфайли юртимиз тараққиётига ҳисса қўшувчи йирик лойиҳалар яратилмоқда. Мутахассисларнинг билим даражаси юқорилиги, чет давлатлар билан доимий равишда ҳамкорликни йўлга қўйиб, тажриба алмашиб туриши, янги программаларни энг биринчилардан бўлиб қўллаши, сўнгги русумдаги техникаларнинг мавжудлиги ҳам “Йўл-Лойиҳа бюроси” МЧЖнинг бу даражага етиб келишига сабаб бўлмоқда.



– Шу пайтга қадар ички йўллар асосан ҳокимиятга қарашли бўлиб, таъмирлаш ва қуриш ишлари билан ўзлари шуғулланишарди, – дейди МЧЖ раҳбари Азиз Жўраев. – Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи давомида ички йўлларга ҳар доимгидан кўпроқ эътибор ва маблағ ажратилиши айтилди. Бу бўйича Автомобиль йўллари кўмитаси томонидан тақдимот қилиниб, режалар белгилаб олинди. Ички йўллар хатловга олиниб, таъмирлангач, кўмита таркибига киритилиши

4Р45А йўли 0-2,5км.ларида янги усулларни қўладик. Бундан ташқари, Сирдарёдаги М34 йўлининг 130-139 км.и базальт сетка ёрдамида таъмирланган бўлса, Назарбекдаги 4Р253 а/в йўлида геотекстил материалдан фойдаланиш режалаштирилган.

Айни пайтда қўлланилаётган инновацион йўл лойиҳаларидан бири – совуқ ресайклер усулидир. Бунда ишлаш жуда қўлай бўлиб, муҳими, йирик ҳажмда материал ташиб келтиришга ҳожат йўқ. Эски йўлни ўзига махсус техника ёрдамида сув ва кимё-

*Ўзбекистон Республикаси
қурилиш соҳаси ходимлари кунини
билан табриклаймиз!*



«UZGIP» МЧЖ

*Юртимиздаги бунёдкорлик тараёнларида юксак
иродаси ва меҳнатини сарф этмаётган қурувчилар
касб байраминиз муборак бўлсин.*



«TASHGIPROGOR» АЖ

MIMAR

G R O U P

YURTIMIZ OBODLIGI

— SIZLARNING SHARAFLI
MEHNATINGIZ NATIJASI!

MIMAR Group barcha qurilish sohasi xodimlarini kasb bayrami bilan tabriklaydi. Sizning mehnatingiz mamlakat tarixi, rivojlanishi va gullab yashnashi uchun ulkan hissa bo'la oladi.

BAYRAMINGIZ MUBORAK BO'LSIN,
QADRLI HAMKASBLAR!





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

Қурилиш соҳасининг қадрли вакиллари!

Юртимизнинг кўркам қиёфага кириши учун сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган фидокор ҳамкасбларимизни **Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни** билан самимий табриклаймиз.

Ҳар қандай шароитда ва ҳамма фаслда ҳам тинмайдиган, юрт ободлиги учун бор билим ва маҳоратини аямайдиган қадрли ҳамкасблар,

Сизларнинг меҳнатингиз, интишингиз ва кучингиз туфайли Ватанимиз тобора чирой очиб, дунё шаҳарлари билан тенглашмоқда.

Азиз дўстлар, юртимизда бири-бирдан кўркам ва нурафшон манзилларни барпо этишда асло чарчаманг!

Ишингизга ривож, оилангизга фаровонлик, ўзингизга саломатлик тилаймиз!



Барчангизга касб байрами муборак бўлсин!

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ»
Наشريёт уйи МЧЖ

Бош муҳаррир: Дилшод Жалолов
Тахририят манзили: 100011,
Тошкент ш., Абай кўчаси, 6-уй.
Телефон: 71-244-21-71.

E-mail: uzbunyodkori@umail.uz
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газета «AZMIR NASHR PRINT» МЧЖда
чоп этилди.

Корхона манзили: 100200,
Тошкент шаҳри, А. Раҳмат кўчаси, 10.
Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Бўртма – 320.
5000 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-3.
Ҳажми – 30 табоқ,
офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нарҳда.
ISSN 2181-8762.

Газетанинг мазкур махсус байрам
сонини тайёрлашда яқиндан ёрдам
бергани учун тахририят қуйидаги
ташкilotларга миннатдорлик
билдиради:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш
вазирлиги ва унинг тизимидаги
ташкilotларга;
Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши ва Қурилиш
вазирлигига;
Андижон вилояти ҳокимлигига;
Бухоро вилояти ҳокимлигига;
Жиззах вилояти ҳокимлигига;
Қашқадарё вилояти ҳокимлигига;
Самарқанд вилояти ҳокимлигига;
Сирдарё вилояти ҳокимлигига;

Сурхондарё вилояти ҳокимлигига;
Фарғона вилояти ҳокимлигига;
Хоразм вилояти ҳокимлигига;
Тошкент вилояти ҳокимлигига;
Қашқадарё вилояти ахборот
ва оммавий коммуникациялар
бошқармасига;
Ўзбекистон Миллий Ахборот
агентлигига.

Махсус байрам сонини тайёрлашда
Ўзбекистон Миллий ахборот
агентлигининг қуйидаги мухбирлари
мақола ва фотоматериалларидан
фойдаланилди:

Довуд Абибуллаев, Мақсад Хабибуллаев (фото), Зухриддин Умурзоқов (фото), Тохир Истатов (фото), Жамшид Ербеков

(фото), Хотам Мамадалиев (фото), Алишер Исроилов (фото), Фурқат Тошматов (фото), Жонибек Қўзимуродов (фото), Муқимжон Қодиров (фото), Аҳмаджон Шокиров, Умар Бекжонов (фото)

Ушбу махсус байрам сонини
тайёрлашда иштирок этган
тахририят ходимлари:

Дилшод Жалолов, Эшмуҳаммад Халилов, Абдисами Ҳақбердиев, Райҳона Ҳўжаева, Ислом Ибодулло, Нарғиза Мирёқубова, Лайло Жамилова, Нурбек Абдуллаев, Зайлобиддин Йигиталиев, Сирож Зиё, Ҳамза Шукуров, Бунёд Гулямов, Шоҳсанам Юльчиева, Дилафруз Назарова, Марҳамат Мусулмонқулова, Акмал Маҳмамов.